


63.3

Б55

2



АМРИДДИН
БЕРДИМУРОДОВ

ГҮРИ АМИР
МАҚБАРАСИ

63.3(54)

5-55 Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Академик Яҳё ФУЛОМОВ номидаги Археология институти

АМРИДДИН БЕРДИМУРОДОВ

ГҮРИ АМИР МАҢБАРАСИ

Илмий-оммабоп рисола

68616 - 68620

Бух. тип и лп
БИБЛИОТЕКА

№ 68616

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1996

Бердимуродов, Амриддин.

Гури Амир мақбараси: Илмий-оммабоп рисола/ Т. Ширинов таҳририда.—Т.: А. Қодирийномидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1996.—80 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси ФА. Я. Гуломов томоғындағы Археология институты.

1941 йилнинг июнь ойида Ҳукумат экспедицияси томонидан Самарқанддаги Гури Амир мақбарасида дағы этилган соҳибқиран Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Мирзо Улугбек, Мухаммад Султон ва Бибихоним мақбарасидаги Бибихонимнинг даҳмалари очилган эди. Немис-фашист босқинчлари мамлакатимиз ҳудудига бостириб кириши туфайли экспедициянинг иатижалари тұлалыгыча ёритилмай қолиб кетди. Бу дақда эса ўзбек тилида бирорта ҳам мақола әзъен қилинмади.

Китоб муаллифи ўша экспедициянинг барча илмий маълумотларини ва архив ҳужжатларини чуқур таҳлил қилиб, Темурийларнинг дағы маросимлари, жасад қолдиқлари, қабртошлардаги ёзувлар ҳамда мақбара ҳақида биринчи марта ўзбек тилида қизиқарли тарзда баён қилган.

Шунингдек, башқа фототхлар ва аждодларимизнинг дағы маросимлари ҳақида маълумотларнинг келтирилиши рисолани янада қизиқарли қилган.

Рисола Темурийлар тарихига қизиқадиган олимлар ва кенг китобхоналар оммасига мүлжалланган.

63.3(5У)

МУҲАРРИДАН

Ҳар бир ҳалқнинг тарихи унинг ўтмиши ҳақидағи хотирасидир. Хо-ира ёрқинми, маҳзунми, шарафлами уни ўзгартаришнинг иложи йўқдир. Ҳар бир ҳалқ ўз тарихини борича, ҳеч бир бегона бүёқларсиз, ошиқча шахрларсиз билиши керак. Агар ўтмишида буюк боболари, ёрқин воқеа-иари бўлган бўлса янги авлодлар улар билан фарҳланиши, ибрат олиши яерак. Агар тарихида номус қиласи, авлодларининг юзини ерга қаратади-ан воқеалар бўлса, келажак авлод уларни тақорламаслиги керак.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, тарих бизнинг ўтмиш ва келажак өлдидағи ҳолатимизни кўрсатадиган ойнадир.

Афсуски, сабиқ Иттилоқда ўтмишга нохолислик, бирёқлама ёндашиш, уни яхни-ёмонга, оқ-қорага ажратиш қоидага айланган эди. Ҳалқимиз гарихини қайси даврини қандай ўрганиш, сабиқ марказдан келган гоҳ очиқ, гоҳ ёниқ буйруқлар асосида амалга оширилди. Сабиқ Совет даврии «ёрқин кунларини» янада бўрттириб кўрсатиш учун ўтмиши зўр бериб қораладик. Ўтмишмизда бирор эзгулик йўқ эди, «биз инқиlobга кадар саводсиз, маданиятсиз ва қолоқ эдик», дея жар солдик. Бу пайтда эса тарихимиз жимгина, соқов бўлиб, Турон тупроғида аждодларимиз яратган бағтрия, сугд, хоразм, турк ва араб имлоларида яратган битикларимиз, саиъят асарларимиз ётаверди.

Самарқанд, Бухоро, Термиз Шаҳрисабз ва Хива каби кўхна шаҳарларимиздаги бетакрор, осмонўпар обидаларни барпо қилишда аждодларимиз энг мураккаб меъморий ўлчамларни ишлатганликларини билиб ҳам биз ўтмишда саводсиз эдик дея қуллуқ қилиб туравердик, буюк аждодларимиз яратган фалсафий ва қомусий билимлар ҳам ўрганилмасдан қолаверди. Шу туфайли биз аста-секин маңқурдлаша бошладик...

Ўлуг аждодларимизнинг қабрларини оёқ ости қилдик, ноёб осори-атиқаларимизни талон-тарож қилишларига йўл қўйдик.

Бундан ташқари сабиқ Иттилоқдаги барча ҳалқларнинг тарихи «улуг оғамиз» нинг тарихига нисбатан саёз, ночор ва нурсиз эканлиги ҳақидағи эртакларни мароқ билан тингладик ва ишондик, сўнтра фарзандларимизни ҳам ишонтиридик. Ўзимиздан етишиб чиққан кўптина ча-ласавод тарихчилар ва мағкура «посбонлари» ҳам унвон, мукофот, мансаблар эвазига ўз ҳалқларининг тарихини марказдаги хўжайинларининг хоҳишларига мослаб сохталаштирилдилар.

Соҳибқиран Амир Темурни нафақат Турон ва Хурносон, Эрон, балким Овруғо ҳалқлари тарихида ҳам катта ижобий хизматлари борлигини тас-

Б 0403000000—76
М 361 (04) — 96 — 96
ISBN 5—86484—022—Х

© А. Қодирийномидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1996 йил.

диңгөвчи даиллар борлигига қарамасдан, ўтмишиимизнинг Темурийлар даврига оид босқичи фақат қонхурликдан иборат, ундан бирор эзгуликни ахтариш бефойда, деган тушунчани онгимизга жойлаштирилар. Натижада, Амир Темурнинг авлодлари ҳам ўз бобокалонларини қоралайдиган унга нисбатан нафрат билан қарайдиган бўлиб қолдилар. Лекин айни ўзи даврларда Амир Темурнинг Ватанидан узоқларда у ҳақда ҳақоний илмий бадиий асарлар яратилаётган, спектакллар ўйналаётган, кўргазмалар на мойиш этилаётган эди. Лекин қуёшли бирор нарса билан тўсиб бўлмаганидек, Темурийлар тарихи ва маданиятини ҳам барча зиёлилардан яшириб бўлмасди.

1970—1980 йилларда Археология институтининг бир қатор ёш олимлари Темурийлар тарихи ва маданиятига катта ҳурмат ва қизиқиш билан қарашар, ўзаро илмий баҳсларда Темурийлар даври тарихи халқимиз ўтмишида салмоқли ўрин эгаллапини таъкидлар эдилар. Олимлар У. Алиев, Ж. Мирзааҳмедов ва А. Бердимуродловлар ўша даврлардаёқ Темурийлар маданиятига оид кўплаб маълумотларни ўтишишар, тинмай ўрганар эдилар. А. Бердимуродов Москвада аспирантурада ўқпёттган ўйларидаги бошқа мавзуда номзодлик ишини ёзётганига қарамай, кутубхоналардаги Темурийлар даврига оид кўплаб мақолаларни ўрганиб чиқдан эди.

Хайриятки, мустақиллигимиз туфайли ўтмишиимизга бўлган нохолис муносабат ўзгарди, халқимиз ўз ўтмишини англаш сари қадам қўйди ва бугуни ҳамда эртасини ўз қўлига олди.

Ушбу рисола Темурийлар тарихини сал бўлсада ўрганишга хизмат қиласар деган умид билан ёзилган. Унда, шу пайтгача халқимизнинг кўзидан яшириб келинаётгац, яъни 1941 йилнинг июнь ойида Ҳукумат экспедицияси томонидан Самарқанддаги Гури Амир мақбарасида амалга оширилган ишлар ва Темурийларнинг дағи маросимларига оид маълумотлар жамлангандир. Шу билан бирга рисолада Турон халиqlарининг дағи маросимлари ва бошқа фотиҳларнинг дағи маросимларига ҳам тұхталгандир. Бу маълумотлар Темурийларнинг охиратларига оид маросимларни англашга хизмат қилиши табнийдир.

Азиз ўқувчилар!

Рисолани Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этарканмиз, ундан ўзингиз истаган маълумотларни олишингизга ва Темурийлар тарихига оид янги гаплардан огоҳ бўлишингизга ишониб қоламиз.

Тарих Фаплари доктори
Темур ШИРИНОВ

**Алишер Навоий юбилейини үтказиш тадбирлари тўғрисида
ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва Ўз КП Марказий
Комитетининг қарори**

«Алишер Навоий даврини тарихий, археологик ва антропологик жиҳатдан ўрганиш учун Навоий Комитетига, Самарқандда Гури Амирдаги Темур, Улугбек даҳмаларини ва Қоизода Румийнинг мақбарасидаги даҳмани очишга рухсат этилсин».

ЎзССР Халқ Комиссарлари
Советининг Раиси

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
Секретари

А. АБДУРАҲМОНОВ
23—29 апрель 1941 йил

У. ЮСУПОВ
Тошкент шаҳри

Донишманд олим, фидокор ва ҳалол ишон, устоз Иброҳим Мўминовнинг порлоқ хотирасига камоли эҳтиром билан бағишилайман.

Муаллиф

МУҚАДДИМА

1941 йил июнь ойида собиқ Иттифоқда жаҳон аҳамиятига молик икки воқеа содир бўлди. Бу икки воқеа бир-биридан жуда йироқда ўтган бўлса-да, кўнчилик орасида иккинчи воқеа биринчисининг оқибатида келиб чиўди, деган мишилар пайдо бўлди.

Биринчи воқеа 16 июндан 24 июнгача Туровнинг ёнг қадимги шаҳри бўлмиш Самарқандда, мовий гумбазли Темурнийлар хилхонасида бўлиб ўтди. Иккинчи воқеа эса, собиқ Иттифоқ билан Польшанинг сарҳадларида 22 июннинг тонг наиласида юз берди. Немис-фашист босқинчилари сарҳадларимизга бостириб кириб, ватанимизнинг осудалигига даҳл қилдилар. Шу пайтда халқ ўртасида «Ҳаҳонгир Амир Темурнинг қабри очилиб, унинг руҳи безовта қилингач, катта уруп бошланиб кетди», деган гаплар тарқалди. Бу афсонага монанд гап эканлиги аниқ. Бу воқеаларга бевосита даҳлдор бўлган кипорежиссер Малик Қаюмов «Ҳаётим — киноматография» номли китобида шундай ёзди: «Ўзок давом этган суратга олиш ишларидан сўнг, бир пиёла чой ичиш учун чойхонага кирдим. Қарасам, учта чол чой ичиб ўтиришган экан. Қўлларида эса каттакон китоб бор эди. Улардан бири Темурнинг мақбараасини очилишига алоқам борми ёки ўқлигини суринтириди. Ҳазиллашиб, «ёнг катта бошлигиман», деб айтдим. чунки менинг буйругим билан чироқлар ёқиларди. Шунда чол: «Темурнинг қабрини очмаслик керак, очилса — уруп руҳи чиқади», деб айтди. Бу гап ёки 17 июнь 1941 йилда бўлган эди. «Бу нимадан матълум?» деб сурадим мени. Чол китобдаги ёзувни курсатди ва кулиброқ, арабча ўқини биласизми деб сўради. Мен биламан, деб жавоб бердим. Жавобим суҳбатдошларимни ажаблантириди, чунки биз бу вақтда кирил имлосига ўтган эдик. Улар мендайин ёш йигит арабча ўқини билмайди, деган фикрда эдилар. Мен ўз сўзимда қаттиқ туриб олгач, улар китобни кўрсатдилар ва мен ҳақиқатан ҳам «Темурнинг қабрини очиш мумкин эмас, очинса уруп руҳи чиқади ва қиёматли кунлар бошланади». деган сўзларни ўқидим.

Бу гаплар ҳақида Қори-Ниёзийга, А. Семёновга ва С. Айнига айтдим. Учаласи мақбарадаң чиқиншиб китобни кўришиди, ўқиб

кулипидилар. Домла Садриддин Айний буларпинг барчасини сафсата дея чолларни чойхонадан ҳайдаб юборди. Мен ўзимнинг тажрибасизлигим ва ғурлигим оқибатида ўша китобни ва чолларни суратга олмаганимдан ҳозирда жуда қаттиқ пушаймон қилмоқдан».

Биз юқоридаги гапларни ўзимизча шарҳламоқчи эмасмиз. Буни ҳар ким ўзи ҳал қиласин. Ўрни келганда шундай айтмоқчимизки, бизнинг олимларимиз шу кунларгача, ўзлари тушунмаган ва ойдинлаштиришга ожиз бўлган ҳар қандай воқеаларни сафсатага ёки чўпчакка йўйиб қутилишардилар. Хайриятки, энди олимларимиз ҳам сирли оламда қувнаи ҳофизаларига сигмайдиган воқеалар ҳам борлигини тан олмоқдалар. Илло, бу яхшилик белгисидир.

Биз юқорида М. Қаюмонга қадимги китобни кўрсатган самарқандлик чоллар ҳақида ўйларканмиз, бу донишманд чоллар ўтмишимиизга оид қайси китобни кўрсатган эканлар, балки бу китоб қайси бир ҳамишаҳримизнинг хонадонида қимматли бир ёдгорлик сифатида сақланаштгандир, балки бир куни ўша китоб яна ёруғликка чиқар, деган хаёлларга борамиз.

Юқоридаги ҳукумат щарорида айтилгандек, Самарқанддаги Темурийлар хилхонасини очиш, 1941 йилда ўтказилиши мўлжалланган улуг ўзбек шоирни Алишер Навоийнинг 500 йиллик тўйи муносабати билан, шоир яшаган давр тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ва тарихий маинбаларпинг тўғрилигипи яна бир бор текшириб кўрни учун қилинган тадбигр бўлиб, бу муҳим тадбирни ўтказиш учун алоҳида ҳукумат экспедицияси ташкил этилиб, унда итифоқининг машҳур олимлари жалб этилган эдилар. Академик Т. Н. Қори-Ниёзий экспедициянинг раҳбари этилиб ташинланди. Аъзолари сифатида: антрополог олим Л. В. Ошанин, тарихчи, шарқшунос, профессор А. А. Семёнов, кимё профессори, Ленинград. Давлат Эрмитажининг таъмирловчиси В. Н. Кононов, меъмор Б. Н. Засыпкин, антрополог-скульптор М. М. Герасимов, археолог В. А. Шишков, юбилей комиссиясининг илмий котиби Х. Т. Зарифовлар фаолият кўрсатдилар. Шунингдек, бу улкан инни амалга ошириш учун бир қанчада ёрдамчилар ва бутун иш жараёнини суратга олиш учун Н. А. Ким раҳбарлигига киночилар ҳам жалб этилган эди. Улар 100 минг метр киполентага сурат олдилар. Темурийлар қабрини очиш жараёни акс этирилган киноленталарни юборишга буюртма берган Америка, Англия, Австрия, Германия ва бошқа мамлакатлардан Самарқандга шониливчиомалар ёғилди. «Правда» ва «Известия» газеталарининг мухбирлари бу воқеани ќенг миқёсда ёритдилар. Экспедиция аъзоларининг олдида турган асосий вазифалар: Темурийлар хилхонасида кимлар дафи этилганлигини аниқлаш, дафи қилиш урғодатларини ўрганиш, дафи этилганларни антропологик жиҳатдан тўлиқ ўрганиш ва Темурийлар ҳақидаги мавжуд тарихий маинба-

лар ҳамда ҳалқ орасидаги ағсона-ривоятларнинг қай даражада тұғрилигини аниқлашдан иборат әди.

Шунингдек, бу улқан ишни амалга ошириш учуп антрополог-сүсільтор М. М. Герасимовга үзи яратған илмий усуллар асоси-да Темур ва Темурийлар киёфасини, уларни бош чаноқлари асосида яратиш вазифаси тоширилди. Экспедиция аъзолари мак-барада бевосита 16 июнядан 24 июнягача ишладилар. Құлға кири-тилган тарихий далилларни үрганиб, бу мұхым илмий экспеди-циянинг натижаларини бир неча тұплам сиғатида нашр қилиш мұлжалланған әди. Ағсуски, бошланиб кетган уруш барча режа-ларни барбод қылды. Мұлжалланған ишлар орқага сурилиб кет-ди. Лекин шунга қарамасдан урушдан сұнг экспедиция аъзолари-нинг айримлари ёзған илмий мақолалар фақат рус тилида жур-налларда ва китобларда әтъелон қилинді. Аммо бундай мұхым воқеалар хакида үзбек тилида бирорта ҳам жиғдій мақола ёзил-мади. Киночилар гурухы суратта олган 100 минг метрлик кино-лента үша пайтдаги СССР Киноматография вазири Большаков-нинг бүйругига күра зудлық билан Москвага жүнатылды. Кино-режиссёр Малик Қаюмовнинг ёзишича, пойтахта жүнатылған бу қимматли ленталар шу бугунға қадар топылғаны йүқ. Шувдай килиб, ҳалқимиз үз тарихининг мұхым бир даврига оид маълу-мотлардан бенасыб қолди ва қолиб келмоқда.

Ушбу сатрларни ёзишдан мақсад, ярим аср аввал Темурий-лар хилхонасини очиши пайтида аниқланған қимматли маълумот-лар билаи ҳалқпен таништиришдір. Ушбу ишни ёзишдан экспе-диция аъзолари: Т. Н. Қорый-Ниёзий, В. А. Шинкин, М. М. Ге-расимов, А. А. Семёнов, Л. Ошанин, М. Е. Массон, В. В. Бар-тольд, В. Л. Вяткин, Л. Зимин каби олимларнинг Темурийларнинг дағы маросимларига оид асарларидан ва шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти ва Алипер Навоий номидаги Адабиёт музейіда сақланаётган архив ҳужжатларидан, бу воқеани шарҳлаган үша давр рұзномаларидаги айrim маълу-мотлардан фойдаланилди.

ЭКСПЕДИЦИЯ КУНДАЛИГИДАН

Төмурйилар хилхонасини очиб ўрганиш учун ташкил этилган ҳукумат экспедициясининг аъзолари 15 июнь 1941 йилда Самарқандга етиб келдилар. Ўша куни кечқурун экспедиция қатнашчиларининг маслаҳатлашув йигилиши бўлди. Унда экспедиция олдида турган вазифалар ва уларни бажариш режалари ҳақида келишиб олинди. Бундан ташқари скульптор-антрополог М. М. Герасимов тарихий шахсларнинг бош чаноқлари асосида ўзи яраган қиёфалар ҳақида маълумотлар берди ва суратлар мажмуасини намойиш қилди.

16 июнь 1941 йил экспедициянинг барча аъзолари эрталаб Гури Амир мақбарасида йигилдилар. Шу пайтда қабрларни қайси тартибда очиш ҳақида баҳс бошланди. М. М. Герасимов қабрларни бир бошдан, яъни энг чеккадаги Мир Саййид Умар кабрини очишдан бошлашни тақлиф қилди. Археолог В. А. Шишкин эса Мир Саййид Умар ва Мир Саййид Баракаларнинг қабрларига тегмасликни тақлиф қилди. Ўз фикрини ҳукумат экспедицияси асосан Темур ва Темурйилар қабрларини ўрганиш учун тузилганигини, хилхонадаги барча қабрларни очишга вакт етипмаслигини ва бошта сабаблар билан далиллади. Бошқалар унинг фигурига қўшилдилар. Шундай қилиб, жаҳон тарихида чукур из колдириб кетган Темур ва Темурйиларнинг даҳмаларини очиш бошланди. Қабрни очишдан аввал, қабр атрофидаги мармар топлар номерланиб, ишчилар томонидан эҳтиёткорлик билан кўчириб олинган эди.

МИРОНШОҲ ҚАБРИНИ ОЧИЛИШИ

Мироншоҳ Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, у 1366 йили таваллуд топган. Ўз даврининг мавжуд таълим-табиясини пухта эгаллаган Мироншоҳ отасидан жасурликни ва қаттиққўлликни мерос қилиб олганди. Мироншоҳ 14 ёшида Хуросон ҳокими килиб тайинлангач, бу борада катта тажрибага эга бўлди. Орадан олти йил ўтгач, Темур уни маҳсус фармон билан «Румдан то Ҳамадонгача, Бағдоддан то Дарбандгача» бўлган ўлкаларнинг ноиби қилиб тайинлади. Унинг кўл остида Арманистон, Гуржистон, Озарбайжон, Қурдистон, Ироқ ва ғарбий Эрон каби ўлкалар

киарди. Мирониоҳ отасининг буйруги билан бир қанча ҳарбиј юришларда иштирок этди ва лашкарбошилик қобилиятини на-
мойиш қилди.

Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик берипича, Мирониоҳ 30 ёшида, яъни 1396 йилнинг қуз ойларида ов пайтида отдан йиқилган ва натижада миёси қаттиқ лат еб, ақлий заифликка душор бўлган. Тарихий манбаларда Мирониоҳ тўгрисида бир-бира-
га зид маълумотлар учрайди. Испания қиролининг Самарқандда ташриф буюрган элчиси Руи Гонзалес де Клавихо, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд каби тарихчилар Мирониоҳ касалликка чалингандан сўнг кўнгина бўзгунчилик ва шафқатсизликлар қил-
ганинги ёзиб қолдирганлар. Тарихчи-биограф Давлатиоҳ Са-
марқандийнинг ёзишича, шоир Камол Хўжандий 1393 йилдан то
1403 йилгача Табризда яшаган пайтида Мирониоҳ унга кўп ях-
шиликлар қилганинги, иқтисодий ва маънавий ёрдам берган-
лигини ёзган. Арман тарихчisi Тавма Медонский ўзининг тарихий
асарида, Мирониоҳни ҳимматли, юмиюқ кўнгил шоҳ сифатида
таърифлаган. Лекин у ҳукмроилик қилган мамлакатлардати уз-
лукесиз норозиликлар ҳеч тухтамаганилиги учун Мирониоҳ бу
норозиликларни шафқатсизлик билан бостирганлиги оқибатида,
подшоҳлик таназзулга юз тутди. Шунинг учун Амир Темур Ми-
рониоҳни 1399 йилда таҳтдан маҳрум қилди ва унга кичикроқ
ўлкаларга ҳукмронлик қилини вазифасини топширди. Темур ва-
фотидан сўнг, 1405 йилнинг баҳорида Мирониоҳ ўғли Абу Бакр
билан иттифоқ тузиб, тоҷу таҳт учун кураш бошлади. Тоҷу таҳт
борасида ҳам омади юришмади ва ҳаётни аянчли фожеа билан
тугади. 1408 йилнинг баҳорида Мирониоҳ қўшинини туркмаплар-
ниң Қора қўюнили уругидан чиққан Қора Юсуф ва Султон Ах-
мадиариниг бирлашган лашкари жанубий Озарбайжонда тор-мор
этдилар. Жанг пайтида Мирониоҳ лашкарлари орасида эди. У
шиддат билан жанг қилиб, охири қаттиқ яраланди ва отдан
йиқилиб тушди. Мирониоҳни яралаган навқар унинг эгнидаги
шоҳона лиbosларни ва қимматбаҳо қурол-яроқларни тезроқ қўл-
га киритини учун бошини кесиб, мурдани ялангочлайди. Лиbosлари
ва қуролларни ўзига олиб, Мирониоҳни бошини эса Қора
Юсуфининг хузурига элтади. Навқар жаҳонтире Амир Темурнинг
учинчи ўғли, бир пайлар йирик ўлкалариниг ҳукмдори бўлган
Мирониоҳни ўлдирганлигини билмас эди. Манбаларда ёзилиши-
ча, навқарниң бу шиидан қаттиқ ғазабланган Қора Юсуф унинг
ўзини ҳам ўлдиришга буйруқ берган. Бу фожеа юз берган пайтда
Мирониоҳ бор-йўғи 41 ёшида эди. Тарихчиларнинг гувоҳлик бе-
риши тарича, Қора Юсуф юз берган воқеадан афсусланиб, кечирим
сўраб, унинг жасадини Самарқандга жўнатган. Археолог
В. А. Шипкин ўзига маълум бўлган тарихий манбаларга таянган
ҳолда Мирониоҳнинг жасади Табриздан Шамси Ғурий исмли
дарвеш ҳамроҳлигидан Кешга, сўнг Самарқандга келтирилиб дағға

этилган деб ёзади. М. М. Герасимов эса Мироншоҳнинг жасади Табриздан тўгри Самарқандга келтирилиб дафи этилган деб ху-
лосалайди. Аммо ҳар иккаласи ҳам Мироншоҳнинг Табризда жанг
пайтида ҳалок бўлганилиги ва унинг жасади узоқ йўлдан келтири-
либ, оқибатда Темурйлар хилхонасида дафи этилганилигини таъ-
кидлаган.

Темурйлар хилхонаси ҳақида илмий мақолалар эълон қилган
тарихчилар М. Е. Массон ва А. Ю. Якубовскийлар бу ерда Ми-
роншоҳнинг жасади борлигига ҳам шубҳа билан қарайдилар.
Улар ўз фикрларини қўйидаги ҳолатлар билан далиллайдилар:
1. Мироншоҳ жанг пайтида ҳалок бўлган, боши танасидан жудо
қилинган ва ялангочланган. Уни Самарқандга элтиш масаласи
пайдо бўлганида, жасадини адашибир қўйган бўлишлари мум-
кин. 2. Мироншоҳнинг қабри устига бошқа Темурйларникига
үхшаш ёзув йўқлиги. 3. Бу ердан тошилган жасадининг барча
қисмлари ўз ўринда эканлиги, унинг узоқ йўлдан олиб келинган-
лиги оқибатида пайдо бўладиган суюкларининг титилиши юз бер-
маганилиги каби ҳолатлар.

М. М. Герасимов бу фикрларга қўшилмайди ва олиб боријлан-
тинимсиз антропологик тадқиқотлар натижасида юқоридаги олим-
ларнинг шубҳалари иоўнида эканлигини исботлашга ҳаракат қи-
лади.

М. М. Герасимов Мироншоҳнинг суюкларини диққат билан ўр-
ганиб чиқиб, у қайта дафи этилганилиги шундоқ кўриниб турган-
лигини аниқлadi. Унинг боши, қўл ва оёқ панжалари ҳам ан-
чайни тартибсизроқ жойлаптирилганdir. Шундай қилиб, Мирон-
шоҳнинг жасади, М. Герасимовнинг аниқланича, Табриздан Са-
марқандга жўнатилишидан аввал яхшилаб мумиёланган. Мумиё-
ланган жасадини ҳар хил асоратлардан сақлан учун ўша даврнинг
одатига кўра теридан тикилган қонга солинган. Унинг боши эса
алоҳида ўралган, шунинг учун ҳам ўша даврда Самарқандга Шоҳ-
рухнинг олдига Мироншоҳнинг фақатгина боши юборилган, деган
ган тарқалган эди. Узоқ ва машаққатли йўл туфайли Мироншоҳ-
нинг жасади янада қуриб, қўрилган эҳтиёт чораларига қарамай
деярли барча панжак суюклари синиб кетган. Дафи пайтида син-
ган суюклар бир-бирига туташтириб қўйилган. Шунга қарамасдан
айрим суюклар чириши натижасида йўқолган деган фикр асоссиз-
дир. Чунки жасадиниг бошқа суюклари сақланини йўқолган су-
яклар чириган, деган фикрини йўққа чиқарди.

Шу ўрпида Темурйлар хилхонасининг тузилиши ҳақида ҳам
гапиришга тўгри келади. Маълумки, хилхона икки қаватдан ибо-
рат. Биринчи қавати ерининг остида бўлиб, бу ерда жасадлар дафи
этилган. Ва бу қаватининг ичи опиқча безатлардан холи, анчайни
оддий қилиб ишланган. Хилхонанинг иккинчи қавати ҳашаматли
бўлиб, унинг деворлари ва шипи кишини ҳайратлантираси дара-
жада мовий ва зарҳал безаклар билан қонланган. Унинг марказий

қисмиди, махсус мармар панжаранинг ичиди афсонавий туқашил рангли нефрит тоши жойлаштирилган. Барча тошларда марҳумларнинг кимлигини анлатувчи ёзувлар, Қуръони каримдан оятлар битилган. Иккинчи қаватдаги мармар тошларнинг тагида, яъни пастки қаватдаги уша шахсларнинг ҳақиқий қабрлари жойлашган. Пастки қаватдаги барча қабрларнинг устига Темурйилар хона-донигагина хос ёзувлар битилган. Мироншоҳнинг қабри устида эса худди шундай ёзув йўқ. Иккинчи қаватда эса, Мироншоҳнинг қабрини курсатувчи ёзув бор. 1941 йилги экспедиция иштирокчилари юқоридаги қаватдаги ёзув асосида Мироншоҳнинг пастдаги қабрини аниқладилар.

Мироншоҳнинг қабри чузиничоқ булиб, узуиллиги 166 см, эни — 54 см, баландлиги — 16 см. дир. Қабрнинг деворлари тўртбурчакли пишгап гишталардан терилгаандир. Лаҳад бевосита ердан қазилган булиб, таги ва чеккалари ганҷ билан мустаҳкамланган. Жасад бевосита лаҳаднинг тубида жойлашган. Маълумотларга қараганда у тобутсиз дағи этилган. Жасаднинг чаپ биқуни сал кўтарилиб, тагига тупроқ қўйилган. Лаҳадга сув кирганлиги учун жасад анча зиён кўрган. Қабр очилгач, антропологларнинг зудлик билан кўрган чоралари туфайли суюклар сақланиб қолинди. Айниқса, бош чаногини эҳтиёткорлик ва чидам билан таъмирлашта тўгри келди. Шундан сўнггина уни илмий жиҳатдан ўрганишга киришилди. Мироншоҳнинг бош чаногини ўрганишдан шу нарса маълум бўлдики, унинг баъзи тишлари йўқолган экан. Антропологларнинг Фикрича, тишлар Мироншоҳнинг ўлимидан сўнг йўқолган. М. Герасимов Мироншоҳнинг бош чаногини диққат билан текшириб, тарихий манбаларда ёзилганидек, ҳақиқатан ҳам уни боши утқир тиф билан кесилганлигини аниқлади. Шу билан бирга у, Осиёда қадимда мавжуд бўлган, рақибини бошини танасидан жудо қилиш усулини ҳам айтиб ўтади. Унинг ёзишича, ғолиб чиққан навкар ўз рақибини тиззалатиб, чаپ қўли билан унинг юзидан ушлаб, илкис ҳаракат билан унинг бошини орқага итариб, кучли зарб билан бўйини ёнбошига ханқар ботириб, ҳалқумни кесган. Сўнгра бошини бўйин умуртқасидан ажратгая. Мироншоҳнинг бош чаногидаги тифнинг излари уни худди шу усул билан ўлдирилганлигини тасдиқлайди. Мироншоҳ бош чаногининг пастки қисмida ҳам утқир ромбсimon тифнинг излари аниқ сақланиб қолган. Тарихий манбаларда ёзилишича, жанг пайтида Мироншоҳ ўлдирилгач, унинг кесилган бошини найзанинг учига ўтказиб, Табризни жон-жаҳти билан ҳимоя қилаётган шаҳарликларга ҳуқмдорларининг бошини кўрсатганлар. Ҳуқмдорларини ўлдирилганлигини кўрган табризликлар душманга таслим бўлишга мажбур бўлганлар. М. Герасимовнинг фикрича, Мироншоҳнинг бош чаногининг пастки қисмидаги излар найзанинг тигидан қолган излардир. Бу ҳолатлар Мироншоҳ тўгрисидаги тарихий маълумотларни яна бир карра тасдиқлайди ва ушбу очилган қабрда

ҳақиқатан ҳам Мироншоҳ дағн этилганлигини кўрсатади. Мироншоҳнинг боши чаногини ва бошқа суюкларини ўрганганд M. Герасимов қўйидаги хуносаларга келди: 1. Мироншоҳнинг қабри деб очилган жойдан топилган жасад ҳақиқатан ҳам қайта дағн этилган. 2. Топилган боши чаноги танасидан ўткир тиф билан жудоқилиниб, сунгра ромбсизмон учли найзага ўтказилган. 3. Суюкдаги барча ўзгаришлар ва белгилар Темурийларга хос, наслдан-наслага утвичи ўзгаришларни ўзида сақлаган. 4. Мироншоҳ ва Шоҳрух ака-ука булишиб, улар бир онадан туғилганлар.

Мироншоҳнинг қабрини очаётгани экспедиция қатнашчилари қабрининг тубидаги лойқа қолдиқларини кўриб ҳайратга тушдилар. Бу ҳол хилхонациинг пастки қаватини сув босганилигини кўрсатиб турарди. Мақбарага сув унинг атрофидан ўтказилган ариқдан тошиб кирган эди. Ариқ эса XIX асрнинг 80-йилларида, хилхона атрофидаги боғни сугориш учун қазилган. Бу ҳақда 1890 йилда Самарқандга ташриф буюрган графиня II. C. Уварова: «Бино атрофидаги барча ерлар рус ҳукуматининг буйруги билан тозаланиб, кейинроқ ажойиб боққа айлантирилган эди», — деб ёзган. Хилхона птидаги сувнинг бир қисми ерга сингган, қолган қисми эса бугланиб кетган, шунгача бу ерии сувдан тозалашга ҳеч ким киришмаган. Агарда Темурийлар хилхонасини сув босмаганида эди, бу ерда дағн этилган қишиларнинг жасадлари анча яхши сақланган бўларди.

Қазиши пайтида маълум булишича, Мироншоҳнинг жасади мусулмон урф-одатлари буйича, боши шимолга, юзи эса қиблага бурилган ҳолда кўмилган. Тарихий манбалардан маълумки, Темурийлар хилхонасидаги барча жасадлар аввал бошқа жойда дағн этилиб, сунгра бу ерга кўчирилгандир. Шу томондан қараганда Мироншоҳнинг жасади қачон Гўри Амир макбарасига келтирилиб дағн этилганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. M. E. Массон ва G. Пугаченковалар Мироншоҳнинг жасади Шаҳрисабздан Самарқандга Абу Саййид ҳукмронлик қилган даврда келтирилган бўлса керак, деб тахмин қилгандар. Бу масалани ойдинлаштиришда қабртошдаги ёзувлар ҳам ёрдам бермади. Экспедиция аъзоси, профессор A. A. Семёновга Темурийлар хилхонасидаги қабртошлардаги ёзувларни ўқиб, таржима қилиш топширилган эди. У диққат билан барча ёзувлардан нусха кўчириди ва ёзувлар суратга олинди. Мироншоҳнинг қабри оиласвий хилхонадаги энг хароб қабр десак, лоф бўлмайди. Унинг қабри анчайин оддий бўлиб, бошқаларникідек мармар билан қопланмаган, аксинча, ердан қазилиб, ганч билан мустаҳкамланган, холос. Унинг қабри устида бошқаларникідек мармар тахта қўйилмай, оддий гипитлар билан беркитилган. Хилхонанинг иккинчи қаватидаги Мироншоҳ қабриниг устидаги қабртош эса қора мармардан юксак дид билан ишлангандир. Аммо ушбу тошда на ўрнатилган вақти ва на бирор тарихий маълумот ёзилган. Бу ёзувлардан фақатгина, ушбу қабр-

тош Мироншоҳга тегиши эканлиги, у Амир Темурнинг ўғли эканлиги ва унинг ажоддлари бир-бир санаб ўтилган. Тоининг ўртасида эса Қуръони каримнинг 11-сурасидан оятлар битилган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, М. Герасимовга Темурийларнинг бош чаноқлари асосида уларнинг асл қиёфаларини яратиш топширилган эми. М. Герасимов Мироншоҳнинг бош чаногини Москвага олиб кетиб, унинг ташки қиёфасини яратди. Мироншоҳнинг ушбу яратилган қиёфаси оташнафас шоиримиз Ғафур Гуломнинг суратига ҳашаб кетади.

ШОҲРУХ МИРЗО ҚАБРИНИ ОЧИЛИШИ

17 июнь қуни Мироншоҳнинг қабрини очиши давом эттирилди. Унинг жасади батамом тозаланиб бўлингач, Шоҳрух Мирзонинг қабри устидан оғир тош тахта маҳсус асбоблар ёрдамида қутарилиб, Мир Саййид Умарнинг қабри яқининг элтиб қўйилди.

Катта-катта мамлакатларни бошиқарган, кўплад бунёдкорлик ишларини амалга оширган, ҳарбий зафарларга эришиб, 73 йил умр ќўрган, Амир Темурнинг кичик ўғли Шоҳрух отасининг ўнг томонида ётибди. Қабрининг усти Темурийлар сулоласига хос равишда ёзувлар битилган кулранг мармар тахта билан ёнилган. Қабр очилгандан сўнг маълум бўлдики, бу тахта ажойиб қилиб инилов берилган мармар тахталардан ясалган гилофиниг қонқоғи экан. Шоҳрухнинг жасади гилофининг тубида, чап елкаси сал қўтарилиган ҳолатда ётибди. Унинг елкасининг тагида эса озгина соз туироқ ҳам сақланган. Жасад бир пайтлар икки хил кафантага ўралганилиги маълум бўлди. Бириччи кафан кора-кукиш рангда бўлиб, жуда нафис, иккинчи мато эса анча дағал йигирилган жундан тўқилгандир. Шоҳрух суюкларининг баъзи жойларида қачонлардир мумиёланган мускулларнинг қолдиқлари учрайди. Бу ҳол Шоҳрухнинг жасадини Ҳиротдан Самарқандга кўчириб келишдан аввал маҳсус мумиёланганидан дарак беради. Ҳилхонани сув босгаилиги учун барча мумиёланган аъзолар чириб кетган ва натижада суюклар яп-яланғоч ҳолда сақланган. Шоҳрух Мирзонинг боши ва чап елкаси тагига тоза тупроқдан ёстиқча қилиб сал қўтарилиб, боши ўнг ёнига бурилиб, юзи Маккага қаратилган. Унинг бош томонида ёгочдан ясалган қаламдон қўйилган бўлиб, қаламдон ичида бир неча юзлаб силлиқ тошчалар сақланган. Тошчаларнинг сиртига қараганда улар денгиздан келтирилганга ухшайди. Экспедиция иштироқчилари ўртасида ушбу қаламдон ва унинг ичидаги топлар турли мунозараларга сабаб бўлди. Ҳар ким ҳар хил фикрларни айтди. Ўша айтилган фикрларнинг айримлари қўйидагилардан иборат:

1. Бу тошлар муқаддас Макка шаҳридан келтирилгандир.

2. Тошлар Шоҳрух жасадини олиб келиши пайтда карвон тўх-
таб ўтган жойлардан терилган бўлиши мумкин.
3. Қандайдир муқаддас жойдан келтирилган бўлиши мумкин.
4. Тошлар Шоҳрух биринчи марта дағи этилган жойдан олини-
га.

Езувчи М. Шевердиннинг фикрича, бу тошлар фолбин фол
очган пайтда фойдалангаш тошлар булиб, Шоҳрух вафот этгач,
бу тошлар унинг жасади билан бирга кўмилган.

Хуллас, бу тахминларни анигини билиш учун Темурйлар
яшаган даврининг дағи маросимларини мукаммал ўрганиш керак.

Шоҳрух Мирзонининг жасади қабрдан чиқариб олингач, эҳтиёт-
лик билан Смарқанд дорулғунишинга олиб келинди. Суяклар ким-
ёвий усуллар билан тозолангач, антрополог Л. В. Ошанин томо-
нидан ўрганиб чиқилди. Олимнинг фикрича, Шоҳрух 70 ёшлиларга
етган, жуда кексайиб қолган ва ҳаётлик чогида барча тишлари
тўкилиб кетган экан. Антрополог М. Герасимовнинг аниқлапиша,
Амир Темур 70 ёшида худди 50 ёшли киши каби ғайратли ва
бақувват бўлган. Шоҳрух эса бу ёшида батамом қариб бўлган экан.
Умуман олганда, Шоҳрух табиатан нозик киши эканлиги маълум
бўлди. Унинг бўйи — 157 см. бўлган. Антропологларнинг аниқ-
лашича, Шоҳрухнинг бош чаноғини кўринини, отаси Амир Те-
мурининг бош чаноғидан тубдан фарқ қилиб, оврӯпача кўринишга
эгадир. Бу қиёфа антропология фанида Фарғона-Помирча кўри-
ниш деб аталиб, у туронликларга хосдир.

Темурйлар даврига оид кўплаб йилномачиларнинг гувоҳлиқ
беришича, соҳибқироннинг жанг-жадаллари ҳақида эринмасдан
хикоя қилган тарихчилар нима учундир, унинг хотинлари ҳақида
жуда кам ёзтанлар. Бу мусулмончиликда бироннинг хотинлари
ҳақида оғиз кўпиртириб гапириши одобсизлик ҳисобланган дунё-
карам билан боғлиқдир. Оврӯпода эса аксингча, уларнинг хотин-
ларини қанчалик мақтасангиз, уларга шунча кўп ёқишининг мум-
кин. Шунинг учун оврӯполик подшоҳларнинг оиласиб сир-асорлар-
лари ҳақида жуда кўп маълумотлар сақланаб қолган.

Энди мавзуга қайтадиган бўлсақ, Темурнинг хотинлари ҳақи-
да кам маълумот сақланган. Амир Темурнинг суюкли хотини, гў-
зал ва оқила, халқнинг тилида турли-туман афсоналарга айланиб
кетган, Бибихоним номи билан машҳур Сароймулк хоними га-
биат фарзанд кўриши баҳтидан бенасиб этган. Шу сабабдан Шоҳ-
рухнинг онаси ким бўлганинги аниқлаш ҳозирча ҳеч кимга на-
сиб қилмай турибди.

Ота ва бола, яъни Амир Темур ва Шоҳрух бир-биридан туб-
дан фарқ қилиувчи икки хил ирқий кўринишга эга эканлигини анг-
лаган айрим олимларда Шоҳрух Темурнинг ўғли эмас, деган шуб-
ҳалар ҳам шайдо бўлди. Бу масалани фақатгина антропологлар,
ота ва боланинг суюқ қолдиқларини мукаммал ўрганиш биланги-
ча ечиб бериллари мумкин эди. Шунинг учун М. Герасимов

Амир Темур ва Шоҳрухнинг суюкларини диққат билан ўрганишга кириши. Унинг фикрича, шубҳасиз Шоҳрухнинг оврӯпода этник қуриниши унга онасидан утган. Темур ва Шоҳрухнинг икки хил ирқий қиёфага оид бўлишларига қарамасдан, улар ўртасида умумий ўхшашликлар ҳам мавжуд. Уларнинг кўз косаларининг тузилиши, бурун ва пешоналаридағи, бош чаноқларидаги чоклар ва бошқа белгилар Шоҳрухнинг отаси шак-шубҳасиз Амир Темур эканлигини курсатиб турибди.

М. Герасимов Шоҳрухнинг бош чаноғини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, узи яратган усул асосида унинг киёфасини яратди. Шоҳрухнинг сочи, бош кийимлари ва бошқа либослари Темурйлар даврида яратилган миниатюралар асосида ишланди. Бу машиқатли ишларнинг натижасида Шоҳрухнинг ҳужжатли қиёфаси яратилди ва купчилик олимларнинг тан олишларича сурат Шоҳрухнинг замондошлари у ҳақда ёзиб қолдирган тасвирларга мос келади. Тарихчиларнинг ёзишларича, Шоҳрух ёшлигиде абжир, чаққон, қадди-қомати расо йигит бўлган. Амир Темурнинг вафотидан сўнг тож-тахт учун бошланиб кетган низолар Шоҳрухи ҳам четда қолдирмади. Шу туфайли у умришинг охирларида оғир жангларда қатнашишга мажбур бўлди. Машҳур шарқшунос В. Бартольдинг ёзишича, Шоҳрух 1446 йилда Ҳиротдан Ғарбий Форсга қўшин тортишга мажбур бўлди. Бу ерда Бойсунқур Мирзонинг ўғли, Шоҳрухнинг набираси қизиққон амирзода Султон Муҳаммад ўз бобосининг ҳокимиятига қарши исён кутариб, Ҳамадон, Исфахон ва Шерозни эгаллаган эди. Шоҳрух бу ерга етиб келгач, Султон Муҳаммад унга қарши чиқишга юраги дов бермай, тоққа қочди. Шоҳрух исёнчиларни осонгина бостириб, уларни қаттиқ жазолади. Шу пайтда, Мирзо Шоҳрух давлат ишларига аралашиб турадиган хотини Гавҳаршодбегимнинг гапига кириб, жаҳонгири отаси ҳам, муナжжим ўғли ҳам журъат қилмаган ишга қўл урди. У қўзғолонга алоқадор бир неча саййидларни қатл эттирди. Бу иш кўпчиликни ларзага солди. Айрим қадимги тарихчиларнинг гапларига қараганда Шоҳрух хонадонида юз берган ҳалокатлар саййидларнинг қарғишлари билан бўглиқ эмиш. Орадан кўп утмай Шоҳрух Эроннинг Рай вилоятидаги Пашовари қишлоғида касалликдан сўнг, 73 ёшда вафот этди. Шоҳрухнинг жасадини тахт учун бошланган низолар туфайли Ҳиротга олиб кетишиб, Гавҳаршодбегим томонидан қурилган мадрасага, олдинроқ вафот этган Бойсунқур Мирзо ёнига дағн эттилар. Бу ишларнинг бошида Гавҳаршодбегимнинг ўзи турди. Ўрни келганда Шоҳрухнинг доимо ҳамроҳи бўлган, унинг муҳаббатига сазовор бўлган Гавҳаршодбегим ҳақида ҳам икки оғиз гапириш лозимдир. Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Гиёсиддин Тархоннинг қизи бўлган Гавҳаршод анча ёшлигиде ёқ Амир Темурга келин бўлган эди. У амирнинг қизи бўлиб, ангчайн эркаликларга ўрганишадами, ўз гапининг инобатга олишиши ва албатта бажари-

лишини жуда истарди. У Шоҳрухга Улуғбек, Бойсунқур ва Жу-
кий каби ўғилларни ато этди ва набираларни тарбиялаб берди.
Гавҳаршодбегим Ҳирот ва Машҳадда мадраса ҳамда масжидлар
куришга бош-қош бўлди. Унинг ҳаёти Шоҳрух вафотидан ўн йил
утгач, фожиа билан тугади. уни Султон Абу Саййиднинг буйруғи
билан Ҳиротда, 1457 йилнинг 31 июлида қатл этдилар. Унинг
жасадини ўзи қурдирган мадрасага, ўғли Бойсунқур Мирзо ёнига
дағи этдилар.

Шоҳрух вафотидан сўнг Ҳирот тахти учун кураш бошланиб
кетди. Бу курашда Олоуддавланинг қули баланд келиб, тахт ва
хазина унинг қулига ўтди. Лекин кейинги бўлиб ўтган воқеалар
Улуғбекни Ҳирот томонга қўшин тортишга мажбур қилди. Жанг
жадаллар билан Ҳирот эгаллангач, Улуғбек у ерда ўғли Абдула-
тифни қолдириб, Самарқандга қайтишдан
олдин отаси Шоҳрухнинг жасадини қабрдан чиқариб олиб кетиши-
га тайёрлашни буюрди. Улуғбекнинг мақсади отасининг жасади-
ни буюқ бобосининг ёнига дағи этиши эди. Карвон Мирзо Шоҳ-
рухнинг тобутини анчайин машаққатлар билан Самарқандгача
омон-эсон олиб келишга муваффақ бўлди. Тарихчи олим, академик
Бўрибий Аҳмедовнинг ёзишича, карвон Самарқандга қоп қорай-
ганда кириб келган. Ўша кечаси Мирзо Улуғбек ёнига шогирди
Али Қушчини олиб, Амир Темур хилхонаси ёнидаги Муҳаммад
Султон хонақосида тунаган. Эртаси куни, пешин намозидан сўнг
Шоҳрухнинг жасади дин аҳиллари ва сарой аёнлари ҳамда самар-
қандликларнинг иштирокида Амир Темур хилхонасига дағи этил-
ди. Халққа худойи берилди, Қуръондан тиловатлар қилинди. Шоҳ-
рухнинг қабр тошида, унинг жасади Самарқандга, Амир Темур
хилхонасига қизи Поёнда Султонбека томонидан олиб келинди,
деган ёзув бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихий манбаларда
Шоҳрухнинг жасади Самарқандга Улуғбек томонидан олиб келип-
ганлиги айтилган.

Агарда синчиклаб қарайдиган бўлсак, бу маълумотларда бир-
бирини инкор қиласидиган ҳолат йўқ. Негаки, Улуғбек Ҳиротда
жанглар ва ҳокимиётни кимга қолдириш, хазинани қўлга кири-
тиш каби оғир масалалар билан банд бўлганидан, отасининг хо-
кини кўчириш билан бевосита шуғулланишни жигари Поёнда
Султонбека зиммасига юклаган бўлиши, бу иш охирига етказил-
гач эса қабртошга Поёнда Султонбекининг номи битилган бўли-
ши мумкин. Шоҳрухнинг қабри экспедиция иштирокчилари то-
монидан очилган пайтида жасад мумиёланганлиги маълум бўлди.
Лекин ҳозиргача бир масала ноаниқ қолиб келмоқда. Унинг жасади
Эрондан Ҳиротга олиб келинган пайтидами ёки Ҳиротдан Самарқандга олиб келиниш пайтида мумиёланганми, аниқлашп ло-
зимдир. Лекин шу нарса аниқки, Шоҳрухнинг жасади ҳам худди
акаси Мироншоҳнинг жасади каби Самарқандга келиш учун тую-
ларда узоқ ва машаққатли йўл босган.



МИРЗО УЛУГБЕК ҚАБРИНИ ОЧИЛИШИ

Муаззам Самарқанддаги Темурлилар хилхонасида соҳибқирон Амир Темурнинг оёқ томонида, унинг набираси, буюқ мунажжим олим, Мовароуннаҳрнинг илмий шон-шуҳратини оламга ёйган давлат арбоби замона зулми оқибатида 56 ёшда шаҳид кетган Мирзо Улугбек абадий уйқуда ётибди... Экспедиция аъзолари 18 июня Улугбек қабрини очишга киришидилар. Қабр устига мармар таҳтани кӯтариш учун маҳсус қурилмалар ўрнатилди. Унинг қабрини тузилиши ҳам отасининг қабридан унчалик фарқ қилмайди. Буюқ мунажжимнинг жасадини жойлаштириш учун яхлит курашг мармартош ўйиб олингандир. Тубига эса пўртта мармар таҳта ётқизилган. Қабрнинг ичи 210 см, эни 68 см, чуқурлиги эса 61 см. Қабрнинг оғзи қалин мармар таҳта билан беркитилган бўлиб, унинг сиртида ёзув мавжуд. Ушбу ёзувда Улугбек тўғрисида маълумотлар ва ўз ўғли томонидан ўлдирилганлиги ҳакида хабар бор. Улугбек қабрининг қопқоги отаси Шоҳруҳ қабрининг қопқогига жуда ухшашлиги ва ёзувларининг битилиш усуслари ҳам бир хил. Бу М. Массонни иккала тошли ҳам бир уста ясаган деган холосага олиб келгаш.

Қабр ичида Улугбек жасадининг қолдиқлари қўйидаги тартибда ётар эди: жасад чалқанча қилиб, чап елкасининг тагига озгина тупроқ ўйиб кӯтарилилган, юзи эса Макка томонга қараган ҳолатда ётқизилган. Бошининг тагида эса қизил газламадан тикилган халтачага тупроқ солиб қўйилган. Унинг боши танасидан нарироқда, юзи ерга қаратилган ҳолда қўйилган булиб, бош чаноги билан бирга учта бўйин умуртқаси ёпишиб турарди. Учинчи умуртқада ўтқир тигнинг изи яққол кўринади. Қўл ва оёқ бармоқлари тартибсизроқ, бошқа суяклари эса аслича ётарди. Кўпчилик суяклар бир неча қават газлама билан ўралган ҳолатда учратилди. Газлама қабрнинг тубида — жасадининг боши ва оёқ томонларида сақланниб қолган. Бу газламалар кафан сифатида жасадининг устини қоплаб турарди. Бу кафанларнинг тагида нағис газламадан тўқилган чоловорнинг қолдиги ва унинг тена кисмida эса белбоғсимон тасманинг қолдиги сақланган. Шунингдек, жасад билан бирга Улугбекнинг тиззаларигача етадиган кўйлагининг қолдиқлари ҳам мавжуд.

Улугбек қабри очилганидан сўнг, у ҳақда халқ ўртасидаги турли-туман ривоятлар ва тарихий манбалардаги маълумотлар тўғри ёки шотўгрилигини аниқлашга имконият туғилди. Шариат қоидаларига кура, Мирзо Улугбек ўлдирилган пайтда қайси кийимда бўлса, худди шу кийимларда дағн этилган.

Шариатга кура, шаҳид бўлган кишини ювиш, бошқа кийим кийдириш, мумиёлаш бутунлай тақиқланган. М. Герасимовнинг фикрича, Улугбек ўлдирилгандан сўнг анча вақт мобайнинда очиқ ҳавода қолиб жетган ва у ювилмасдан шу туришича дағн этил-

тап. Унинг танасидаги сон-саноқсиз чивин тухумларининг қолдиқлари шуни кўрсатиб турибди. Қабрни сув босганилиги учун лиbosлар жуда ёмон сақланган. Шунга қарамай, В. Конопновнинг заҳматкашилиги билан газлама қолдиқларини йигиб олишга эришилди. Унинг аниқлашича, Улуғбекнинг чоловори ва кўйлаги паҳта ва ипакдан тўқилган газламадан тикилган экан. Чунки шариатга кўра мусулмон эркаклари ипакдан тикилган лиbos кийишлари ман қилинган. Ипак унинг танасига тегмаслиги керак бўлган. Шунинг учун ҳам Улуғбек лиbosларининг таги паҳтадан қилинган. Шариатга кўра аёлларгина ипакдан тикилган лиbosларни кийиншган. Фақат лашкарларга жанг пайтида ипакдан тикилган лиbos кийини мумкин бўлган, чунки ипак лиbos ҳар хил оғир жанг қуролларини танани эзинидан сақлаган. Ислом оламида етук қонуншунос сифатида тан олинган Абу Ханифнинг фикрича, фақат арадаш матодан тикилган лиbosларнигина кийини мумкин бўлган. Ўрта Осиёда шариат қоидаларига тўлиқ амал қилини бирмунича бузилганилиги учун ярим ипакдан тикилган лиbosларни кийини кенг расм бўлган. Айрим аёилар ўртасида соғ ипакдан яктак кийини кенг тарқалган.

Улуғбек жасадининг ётиши, уни дафи қилингандан сўнг бошқа безовта қилинмаганилигидан дарак бериб турибди. Суяклар ачайин яхши сақланган бўлиб, фақат чап қўлини билак қисми тузлар емириши оқибатида сақланмаган. Мирзо Улуғбек ўғли Абдуллатифнинг буйруги билан ўлдирилганлиги барчага маълумдир. М. Герасимов Улуғбек бош чаңогини дикқат билан ўртаниб чиқиб, тигнинг изи унинг пастки жагида ҳам қолганлигини аниқлади. Унинг фикрича зарб ниҳоятда кучли бўлиб, Улуғбек тиззланган ҳолатда бўлган ва қотил у билан юзма-юз туриб, ўнгдан чап томонга қараб қилич солган. Умуртқадаги қолган изларга қараганда, қилич жуда ўтқир ва қотил бу борада катта тажрибага эга эканлиги кўриниб турибди.

Тарихий манбаларга қараганда, Амир Темурнинг набираси, Шоҳрухнинг катта ўғли, бўлгувси мунахжим Улуғбек Эрон Озарбайжонининг Султония шаҳрида, 1394 йилнинг 22 марта, яъни Наврӯз куни дунёга келди. Ўн етти ёшли Шоҳрухнинг гўзал хотини Гавҳаршодбегимнинг кўзи ёрганида Амир Темур Месопотамияда жанг қилиш билан машгул эди. Бу қувончли хабарни тезроқ соҳибқиронта етказиш учун Сароймулк хоним унга элчи жўнатди. Хонимнинг элчиси етиб келганда, Темурнинг лашкарларига Мордии шаҳри аҳолиси энди таслим бўлиб турган экан. Қувончли хабардан сўнг Темур шаҳар аҳолисига катта шафқат кўрсатди ва товоғ тўлашдан халос қилди. Чақалоққа Муҳаммад Тарагой деб ном бердилар. У ёшлигидан яхши тарбия олиб, етук олим ва давлат арбоби бўлиб етишди. Лекин унда олимлик иктидори кучлилик қилди ва тарихда буюқ мунажжим сифатида абадий қолди.

Аммо замон тұғонлари бу буюк инсонга ҳам шафқат қилмади. Унинг умри фожеа билан тугади, тақдирға тан берган Мирзо Улуғбек Самарқанд тахтини катта ўғли Абдуллатифға беришга ва ўзи қолған умрини фалакиёт илмиға баҳшида қилишни ният қылды. Илмни давом эттиришдан олдин Маккага бориб келишни ихтиёр этди. Фиқрини ўғли Абдуллатифға айтган эди, у ҳам отасининг бу ниятини маъқуллади. Бунинг устига, у отасига ҳамроҳ қилиб, аввал ҳажга бориб келган амир Мұҳаммад Хусравни қүшиб юборишини ҳам айтди. Улуғбек сафарга тайёрланған бошлаган пайтида унга қарши янги ва сұнгги фитпа ҳам бошланди. Самарқанд тахтига, худи Амир Темур давридагидек Чингизийлар қавмиға оид қандайдир гадойвачча жомига хон қилиб тайинланиб, барча бошқарув ишларини ўз күлиға олған Абдуллатиф отасини ўлдириш режасига ҳам бопп-қош бўлди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, Абдуллатиф ва унинг ҳамтвоқлари Улуғбекни очиқдан-очиқ олдий бир кишини ўлдирғандек ўлдиролмас эдилар. Шунинг учун улар бу ишни иложи борича шариат қоидалари доирасида амалга оширилар. Абдуллатиф отаси Самарқанддан жўнаб кетишида олдин, ўз ҳузурига ундан «бесабаб жабр кўрганман» деб юрганларни йигиб, кимда-ким Улуғбекдан жабр кўрган бўлса, хоннинг олдига бориб хун талаб қилсии деб ўргатди. Ўзини беайб жабр кўрганман деб ҳисоблаганлар орасида сулдуз қабиласи бошлигининг ўғли Аббос ҳам бор эди. Улуғбек Аббоснинг отасини золимлиги ва бошқа помақбул ишлари учун қатл эттирған эди. Қўғирчоқ хон дарҳол Аббосга хун олишга ижозат берди. Абдуллатиф ҳам тезда Самарқанд уламоларини тўплаб, «жабрдийда» Аббосга Улуғбекдан хун олишга фатво беришларини сўради. Йигилганларнинг кўпчилиғи бу ношарий фатвога ўз муҳрларини босиб, Улуғбекнинг ўлдирилишига розилик бердилар.Faқат бир киши, Самарқандпинг қози жалони Шамсиддин Мұҳаммад Мискин бу фатвони тан олмади ва унга ўз муҳрини босмади. Улуғбек таҳтда турган пайтларида унга кўйигина тўғри маслаҳатлар берган бу ҳалол инсон, у таҳтдан тушиб, хор бўлганида ҳам унга нисбатан хоинлик қилмади, имони бутунлигини сақлади. Лекин у яккалланиб қолди, у муҳрини босмагани билан улар ўз шум ниятларидан қайтмадилар. Шундай қилиб улуғ мунажжим Мирзо Улуғбекни ўлдириш ҳақида фатво берилди. Бундан беҳабар Улуғбек ҳамроҳлари билан Макка йўлиға отланди. Самарқанд тахтида 40 йил ўтирган улуғ мунажжим бу гўзал шаҳарга сунгти марта боқиб, от жиловини қунботар томон бурди. Улуғбекпинг сунгги оллари ҳақида, тарихчи Мирхонд, воқеаларни бевосита ўз кўзи билан кўрган ҳожи Мұҳаммад Хусрав тилидан ҳикоя қилган. Унинг гапига қараганда, Улуғбек Самарқанддан чиқиб йўлга отланганида анчайин хушчақчақ эди. Йўловчилар унча узок масофага етмасларида, уларнинг орқасида бир навкар етиб келиб, хон уларни бирон өрда тўхтаб туришларини, Улуғбекни сафарга муносиб ра-

вишида жұнатын учун құшымча табиирлар поёцига етказилишини күтиб туриши буюрганлигини айтди. Бундай байруқдан бироз жаҳли чиңқан Улугбек құшни қишлоқда тұхташта мажбур бўлди ва бир ҳовлига кирдилар. Ҳаво аңчайин совуқ эди. Мирзо Улугбек олов ёқиб, гўшт кайнатишини буюрди. Навкарлар ёққан гулханинг тили осмонига урлади ва бир учқун унинг чакмонига тушиб куйдирди. Улугбек гулхангага маъюсгина боқиб: «Сен ҳам билдингми?» — деди. Шундан сўнг унинг кайфияти бузилди. Ҳожи Муҳаммад Хусрав уни ҳар хил сўзлар билан овунтиришига уринди. Шу маҳал эшик зарб билан очилиб, Аббос ва унинг бир шериги шаҳд билан кириши. Улугбек бирданига ўрнидан туриб, унга ташланди ва кўкрагига зарб билан мушт туширди. Аббосининг шериги унинг эгнидаги чакмонини ечиб олди. Аббос арқон олиб келиш учун чиққач, Ҳожи Муҳаммад Хусрав эшикни ичкаридан занжирлаб олди... Бу муддатда Мирзо Улугбек улими олдидан сўнгги таҳорат қилишга улгурди. Аббос қайтиб келиб, Улугбекнинг қўл-оёқларини боғлаб ҳовлига судраб чиқди ва ёниб турған машъаланинг ёругига олиб келиб, тиззалатиб, қиличини қинидан сугуриб бир ҳамла билан унинг бошини узиб ташлади. Бу фожеани Улугбекнинг шериклари Ҳожи Муҳаммад Хусрав ва бошқа навкарлар қоронги ҳовлининг бурчак-бурчакларидан кузатиб турдилар. Шундан сўнг улар ҳам Самарқандга қайтиб кетдилар. Тарихчи Давлатшоҳ Самарқандийининг ёзишича, Улугбек кичикроқ дарёнинг ёқасида 25 октябрь 1449 йилда ўлдирилган. Тарихчи тилга олган бу дарё Дарғом капали бўлган бўлиши, қотиллик эса Найман ёки Хишрав қишилогида содир бўлган бўлиши мумкин.

Абдуллатиф отасини ўлдириши учун аңчайин қийналиб казоказоларни ёрдамига таянган бўлса, отасининг улимидан сўнг 2—3 кун ўтгач эса ҳеч бир қийинчиликсиз укаси Абдулазизни ҳам қатл эттириди.

Бегуноҳ отаси ва укасини қонини тўккан шаҳзода Абдуллатиф тўғрисида тарихчилар аңча-мунча маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Тарихчиларнинг ёзишиларича, Ҳиротда бувиси Гавҳаршодбегим қўлида тарбия кўрган Абдуллатиф отаси каби иқтидорли бўлган. У фалакиёт илми билан чуқур шуғулашган, шеъриятни севган, тарихий асарларни қўплаб мутоала қилган. Тарихчи Абдураззоқ Самарқандийининг ёзишинга кўра, ота ва бола ўртасида бошданоқ бир-бирларига ишончсизлик билан қарашиб мавжуд бўлган экан. Бунинг сабаби, Улугбек ҳам, Абдуллатиф ҳам фалакиёт илмини яхши билдишларидан ўз гороскопларини ўрганганлар. Уларнинг ҳар иккаласининг гороскоплари бир-биридан иккитичисига хавф-хатар бўлиши мумкинлигини кўрсатган эди. У ўзининг пуштикамаридан бўлган фарзанднинг ташаббуси билан ўлдирилди. Отаси ва укасини қонини тўкиб Самарқанд таҳтини эгаллаган Абдуллатифнинг ҳам давру-даврони олти ойдан ошмади. У Мирзо Улугбек тарафдорлари томонидан 1450 йилнинг 9 майида ўл-

дирилди. Унинг ўлими ҳақида тарихчилардан Мирхонд ва Масъуд ибни Усмон Құхистонийлар маълумот ёзиб қолдирғанлар. Уларнинг ёзишиларича, Абдуллатиф үлдириладиган куни саҳар пайтида ёмоя туш күрган. Тушида соқолли бир одам, товоқда унинг олдига ўзининг кесилған бошини келтириб қўяди. Даҳшатли тушдан қўрқиб уйғонган Абдуллатиф Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сини олиб фол очмоқчи бўлади. У китобни дуч келган жойиши очгандা:

«Падаркуш подишоҳиро напояд,
Агар шояд ба-жуз шеш моҳ напояд».
(Шоҳ бўлмас отасини үлдириған киши,
Онмас олти ойдин магар бўлса ҳам),—

— деб ёзилган экан.

Бундай қўигисиз тушдан юрагига ваҳима тушган Абдуллатиф Богимайдондан чиқиб йўлга тушиди. Шаҳзода навкарлари билан бирга ўтаётган йўл тор бўлиб, унинг бир тарафи жарликдан, ижкинчи томони эса Боги Навининг баланд деворидан иборат эди. Улуглекининг қасдиши олиш учун унинг орқасидан пойлаб юрган Бобо Ҳусайн баҳодир шериги билан уларни дарахтларниң орқасида кутиб турарди. Абдуллатиф ваҳимали хаёлларга чўлганиб, уларнинг олдидан ўтиб кетгач, Бобо Ҳусайн елкасидан камонни олиб ўқ узди. Ўқ нишонга теккакч, Абдуллатиф «Оллоҳ, ўқ тегди» дея бақириб, отдан қулаб тушиди. Унинг навкарлари тумтарақай қочдилар. Бобо Ҳусайнининг шериклари падаркушниң бошини кесиб олиб, Регистондаги Мирзо Улугбек томонидан қурилган мадрасанинг пештогига осиб қўйдилар. Самарқандининг қўҳна шаҳар қисмидаги Даҳбед қўчасининг ёқасида тўртбурчак, унча баланд бўлмаган тепалик тошлар билан ўраб қўйилган. Тарихий маълумотлар билан археологик маълумотларни таққослашдан шу нарса маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам Жаҳонгир Амир Темур томонидан барпо қилинган Боги Нав, ҳозирги Даҳбед қўчаси атрофида бўлган. Шулардан келиб чиқиб, Абдуллатиф үлдирилган жойига дағи этилган деб айтишимиз мумкин. Маҳалла аҳли томонидан қабри атрофи эҳтиётланиб ўраб қўйилганлиги жуда тўғри бўлган. Зотан марҳумларни қабрини таҳқирлашни ота-боболаримиз ҳам қоралаганлар.

Экспедиция қатиначилари Улугбекининг суюкларини қабрдан чиқариб олганларидан сўнг, суюклар кимёвий усуслар билан таъмирланди ва тозаланди. Шундан сўнг антропологлар унинг бош чаногини текширипга киришдилар. Текширишлар натижасида маълум бўлишича, ҳаётлигига унинг бўйи 166 см. бўлган. Мирзо Улугбекининг суюк қолдиқтарини ўрганган М. Герасимов уни табиатан нозик, қотмадан келган, соглиги ҳам унчалик мустаҳкам бўлмаганлигини, тинимсиз олиб борилган илмий ишлар, изланишлар, тожни ҳимоя қилиш мақсадидаги жангу жадаллар уни ни-

Хоятда ҳоритиб қўйганлигиги аниқлади ва унинг бош чаноги асосида ҳужжатли қиёфасини яратди. Бу сурат ўша вақтларда яхши қабул қилинган ва кўпчилик олимлар ўртасида Улугбекнинг ҳаётлигига чизилган бирорта ҳам сурати сақлашмаган деган фикр ҳукмрон эди. 1969 йили академик Г. Пугаченкова, Темурийлар даври тарихини ўрганишга муҳим хизмат қиласидиган ноёб топилмани қўлга киритишга муваффақ бўлди. У америкалик профессор Р. Эттингхаузенинг ёрдами билан Вашингтон санъат галереясидан Мирзо Улугбек ва унинг яқинлари тасвирланган ноёб миниатюрани топди. Ушбу миниатюрада бепоён, жум-кўк ўтлоқ устида ўрнатилган тўртбўрча љили шийпончанинг остида ёғини мусулмончасига чалиштириб ўтирган Мирзо Улугбек тасвирланган. Шийпончанинг устига гулли газлама қоплаган бўлиб, пеионасига: «Улут Султон Улугбек Кўрагон унинг давлатига эгамнинг марҳамати бўлсип» — деб ёзилган. Суратнинг пастки қисмига насталиқ хати билан тўрт қатор газал битилган. Суратнинг умумий мавзуси лочин овига багишлиланган. Маълумки, Темурий шаҳзодалар ёшлигиданоқ овиинг бу усули билан яқиндан таниш бўлганлар, чунки лочин билан ов қилиш ҳарбий таълимнинг бир қисми бўлиб ҳисобланган. Тарихчиларнинг ёзиб қолдирган маълумотларига қарандা, Улугбек ҳарбий ишларда унчалик моҳир бўлмаса ҳам лочин билан ов қилишини жуда севган ва ўлжаларни сонини ёзиб юриш учун махесусларни ҳам тутган. Г. Пугаченкованинг аниқланича, суратни мусаввир бевосита Улугбекнинг қаринисида туриб чизган. Суратдан бизга боқиб турган Мирзо Улугбекнинг кўзлари қишиқроқ, юзи сал чўзинчиқоқ, киргий бурун, соч-соқоли бўлиқ ва ўша даврининг руҳига мослаб тарошлиланган. Соқолига анчайин оқ оралаган. Унинг бош кийими худди қайиқ устига ўрнатилган чўзинчиқоқ чодирни эслатади ва бу шаклини бопи кийим Г. Пугаченкованинг фикрича, VII—X асрларда Марказий Осиёдаги туркий қабилаларга хос бўлган. Улугбекнинг ён томонида, майсанинг устида тўшалган гулли гиламларнинг устида унинг хотинлари, ўғиллари: Абдуллатиф ва Абдулазиз, мулоҳизмлари ва кўлларига лочинларни қўндириб олган икки қушчи ҳам моҳирлик билан тасвирланган. Барча аёллар ва эркаклар ўз тутган мавқеларига мос равитида, Темурийлар даврига хос бўлган либослар кийиб олганлар. Бу суратни олма 1441—1442 йилларда Самарқандда чизилган деб таҳмин қиласи, бу найтда ҳали Шоҳруҳ ҳаёт бўлиб, Улугбекнинг бошига тоҷу-таҳт учун машақватли курашлар тушмаганидан, у суратда анча бардам ва руҳи тетик қилиб тасвирланган. Ушбу миниатюра моҳир мусаввир томонидан чизилган бўлиб, бизнинг кунларимизгача буюк мунажжимнинг ёрқин сиймосини сақлаб келганлиги билан ҳам виҳоятда қимматлидир. Ушбу миниатюрадаги Улугбекнинг сурати билан антрополог-скульптор М. Геримов томонидан яратилган Улугбекнинг ҳужжатли сурати ўртасида анчайин фарқ борлигини кўрсатиб юқда.

АМИР ТЕМУР ҚАБРИНИ ОЧИЛИШИ

Экспедиция аъзолари олдида турган навбатдаги энг масъулиятли вазифа — бутун дунёга довруқ солган жаҳонгир Амир Темурнинг қабрини очиш эди. Соҳибқиронни қабрини очиш кўпларда катта ҳаяжон ва қизиқиши уйғотди. Халқ ўртасида жаҳонгирнинг вафоти хақида кўплаб ривоятлар юрар эди. Айрим кишилар Гури Амир мақбарасида соҳибқирон дағи этилмаган, бу қалбаки қабр, ҳақиқий қабр эса бошқа жойда деб дисоблар эдилар. Яна бошқа ривоятларга қараганда, Амир Темурниң ўғиллари, уни ўзи ҳаётлик чоғида йиққан соп-саноқсиз бойликлари билан дағи этган эмишлар. Шу куни қабрларни очиш жараёнини суратга олаётган киночилар ҳам жуда ҳаяжонда, аппаратларини кайта-қайта текшириб кўрар эдилар. Уша кун журналистлар ҳам одатдагидан кўп эди. Самарқанд НКВДсининг ходимлари ҳам тоиг саҳарданоқ ҳозири-ноэир эдилар. Хуллас 19 июнь, пайшанба куни экспедиция аъзолари кучли ёриткичлар шуъласи состида биринчи марта соҳибқирон Амир Темурнинг қабрини очишга киришдилар. Биринчи марта деб таъкидлашимизнинг боиси, ёзувчи Е. Березиков ўзининг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтномасида чоп этилган «Руҳимни безовта қизиманг» номли мақолосида, нотўғри равишда Амир Темурнинг қабри биринчи марта Эрон шохи Нодиршоҳ томонидан очилди, деб ёзган эди. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Нодиршоҳ Темурийлар хилхонасининг иккичи қаватидаги, Темурнинг қалбаки қабри устидаги нефрит (моҳтоб) тошни олиб кетади. У пастдаги ҳақиқий қабрга тегмаган эди. Шунинг учун Амир Темурнинг қабри 1941 йилнинг 19 июнида илк марта очилди. Жаҳонгирнинг қабри ўғилларининг қабридан апча фарқ қилиб, ўз салобати ва улуғворлиги билан ажralиб турди. Унинг қабри 20 сантиметр қалинликдаги оғир мармартош билан беркитилган булиб, тошниң узунлиги 245 см, энг 90 сантиметрдир. Бу қабртошга бошқа, иккичи юнқа қилиб тарошланган, маҳорат билан ёзув битилган оникс тоши усталик билан ёпиширилгандир. Ушбу қалин тошниң тагида 10 см. қалинликда танч катлам булиб, бу қатламнинг тагида эса лаҳаднинг оғзини ёпиб турган бешта қалин тош тахта ётқизилган. Қабрнинг лаҳади тарошланган тош тахталардан ясалган булиб, узунлиги 3 метр, уни ва чукурлиги 1 метрдандир. 20 июнь куни экспедиция аъзолари Амир Темур қабрини очиш ишларини давом эттирилар. Бутун иш жараёни киносуратга олинаётганилиги ва хужжатлаштирилиб борилаётганилиги учун иш жуда секинлик билан бораётган эди.

Бугун журналистлар ва томошабинлар ҳам кечагига қараганда яна купайган эди. Одамларнинг ҳаяжони янада ошган, ҳамма сабрсизлик билан аллақандай ғаройиб янгиликларни кутар эди. Аста-секин лаҳаднинг ичидан Амир Темурнинг арчадан ясалган тобути кўринди. Тобутнинг устига қорамтирилганлиги учун иш жуда секинлик билан бораётган эди.

ма ёпилган эди. Тобутнинг ранги қорамтири, ёғочлари бақувват, силлиқланган таҳталардан ясалган булиб, алоҳида қопқоғи ҳам бор эди. Тобутнинг тўрт бурчагида тўртта оёқчаси булиб, уни захерга тегиб туришидан асраран. Тобутни ясаган усталар уни мустаҳкамлаш учун тўрт бурчакли темир михлардан фойдаланганлар. Мутахассислар тобут ва унинг қопқоғи арча дараҳтидан ясалғанличини аниқладилар, шунинг учун ҳам орадан шунча йиллар утганилигига ва қабрларни лойка сув босганилигига қарамай, у аинчайин яхши сақлашган эди. Юқорида айтганимиздек, тобутнинг қопқоғи устида икки қисмдан иборат бўлган газлама парчалари учради. Ушбу газламанинг бош томонидаги қисмида олтии иплар билан солингаи нақши сақлаштан. Газлама ёмон сақлашгани, яъни қабрни сув босганилиги оқибатида чириғалиги учун нақши бутунича куринишини тиклашнинг иложи бўлмади. Газлама ипакдан нафис қилиб тўқилган бўлиб, унинг ўтарогида олтии иплар билан битилгани арабча имлодаги ёзувлар бор. Бу ёзувлар балки, Қуръон оятлари бўлиши мумкин, лекин газлама бутун сақланмаганилиги ёзувларнинг маъносини аниқлаш имконини бермади. Археолог В. Шишкенининг таҳминига кўра, Амир Темурнинг тобутни устига ёзилган газлама қандайдир авлиёнинг қабри устидан олинган ёки Каъбадан олиб келинган бўлиши мумкин. Каъбадаги бино устига ёпилган улкан чойшаб ҳар йили янгиланиб, эскиси эса тумор ёки муқаддас ёдторлик сифатида ҳожиларга бўлиб берилиган. Бу газламалар қолдиги хақида, экспедиция раҳбари, профессор Т. Н. Қори-Ниёзий журналистларга берган интервьюсида, «бу газлама соҳибқироннинг жанговар байроби бўлиши мумкин», деган таҳминни ҳам айтиб ўтганди. В. Шишкин ва Т. Қори-Ниёзийлар айтиб ўтган таҳминларни ёзма манбалар ва бопқа усуслар билан яна бир карра текшириб кўрилса яхши бўларди. Тобут устига ёпилган газламанинг ранги қора бўлиб, у ипакдан тўқилган ва тобут қопқоғини бутунича қоплаб турганлиги маълум бўлди.

21 июнь, шабна куни ҳам Амир Темур қабрини очиш ишларини давоми этди. Тобутнинг қопқоғи, устидаги газлама қолдиқлари билан оҳиста кўтариб олингач, Амир Темурнинг жасади кўринди. Атрофда турганлар ҳаяжон билан қабр ичига қарадилар, шу найнит атрофни алақандай хушбуй ҳид қоплади. Бу ерда турганлар ҳидданми ёки ҳайратданми ўзларини бирданига орқага олдилар. Соҳибқироннинг жасади узун қилиб ётқизилган ҳолда, юзи эса Макка томонга қаратилган эди. Сунякларният баъзи жойларига қафсан қолдиқлари ёпишиб қолган ва бош, бўйин, оёқ томонларида мумиёланган мускуллар, тери парчалари ётарди. Жасаднинг усти юниқа лойка ва тузлар билан қопланган бўлиб, бу қабрга кирган сувнинг қолдиқлари эди. Ниҳоят даражада эҳтиёткорлик билан қабрдан чиқариб олинган Амир Темурнинг бош чаноги уч соат давомида соя жойда қуритилди. Шундан сўнггиша бош чаюқни кимёвий усуслар билан мустаҳкамлаш мумкин бўлди. Бундан ол-

дин антропологлар Темурнинг бош чагогида қисман сақланиб қолган соч, соқол ва қошларнинг қолдиқларини авайлаб күчириб олдилар. Унинг сочи ва соқолининг ранги саргимтири, худди занглаган темирнинг рангига ўхшаш эди. Шунда олимларда, Темурнинг соч-соқоли бўялганмикан деган фикр уйғонди. Шунинг учун кимёгар-олим В. Кононов, унинг соchlарини кимёвий усуллар билан текшириб курди. Олимнинг аниқлашича, соч-соқолининг ранги табиатан шуңдай экан.

Биз юқорида маҳсус тузилган экспедиция олдида бир печа вазифалар турғанилигини айтиб ўтгандик. Шундай вазифалардан бири Темурийлар хилхонасида дафи этилган тарихий шахслар ҳақиқатан ҳам шу ерда дафи этилганми йўқми, улар ҳақида ўша давр тарихчилари ёзиган қолдирган маълумотлар қай даражада тұгри? У маълумотлар янги фактлар олдида ҳам ўз кучида қоладими ёки ўз қадрини йўқотадими, деган масала ҳам туради. Чунки, Темурийлар санлтанати билан бөғлиқ тарихий маълумотлар ва халқ орасидаги афсона-ривоятлар гоятда хилма-хил эди.

Маълумки, Шарқу Farbda довруги таралган, бирорлар учун адолатли ҳукмдор, шинопчли ва қудратли ҳимоячи, бунёдкор давлат арбоби, бирорлар учун эса «босқинчи», «ёзув» булиб келган соҳибқирон Амир Темур ҳақида кўплаб маълумотлаф, халқ ўртасида жуда кўплаб афсона ва ривоятлар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб ўтган. Тарихчи Иби Арабшоҳнинг ёзишича, Кеш шаҳрининг бицинида жойлашган Хўжа Илгор қишлоғида яшовчи амир Тарагой ва унинг хотини Текина хотин оиласида 1336 йилиниг, яъни сичқон йилиниг 9 апрелида ўғил дунёга келди. Унга Темурбек деб исм бердилар. Унинг тарбияси, ҳарбий фаолияти ва давлатни идора қилиш усуллари ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиган қолдирган ўрта аср тарихчилари нима учундир Амир Темурнинг ташқи кўрниши ҳақида кам нарса ёзиган қолдирганлар. Темур ҳақидаги баъзи маълумотлар бир-бирига зид, бир-бирини инкор қиларли даражада эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Шафқатсиз вақт шамоли соҳибқироннинг бирорта ҳам апиқ суратини бизнинг кунларгача етказиб келмаган. Тўгри, яқинда матбуотда, бир турух ижодкорларимиз Туркияда Амир Темурнинг суратини кўрганиларини билдирувчи хабар пайдо бўлди. Лекин хали бу сурат эълон қилинмаганилиги учун бу тўгрида бирор нарса дейини қийин.

Туронлик, эроилик ва ҳиндиистонлик мусаввирлар томонидан чизилган жўнгина миниатюралардаги Амир Темурнинг сиймоси бир-бирига ўхшамайди ва улар барчаси унинг вафотидан анча кеъни пайдо бўлган.

Мен яқинда самарқандлик бир танишманинг қўлида сақланаётган Темурнинг суратини кўрдим. Эронлик мусаввир томонидан ишланаётган бу суратда Темур эроий қиёфада акс эттирилган. Бу сурат Амир Темур ҳақида замондош тарихчилар ёзиган қолдирган

маълумотларга ўхшамайди. Темур ҳақидаги тарихий китобларда ёзилишича, у туркларнинг барлос уругидан бўлиб, мўгулий ирқий қиёфали, барваста, кучли кини бўлган. Амир Темур билан бевосита учрашиб сұхбатлашган Шарафиддин Али Яздий, Аҳмад иби Муҳаммад иби Арабпоҳ, Ибн Халдун, Испания-Кастилия қироли-нинг Самарқандга ташриф буюрган элчиси Руп Гонсалес де Клавихо каби кишилар унинг кўришиши ҳақида анча-мунича тасаввурларини ёзив қолдирганилар. Ўзийда шулардан икки кишининг ёзганларини келтироқчимиз. Тарихчи Ибн Арабпоҳ: «Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди; пешонаси очиқ, боши катта, овози жарагандор бўлиб, кучи ҳам жасурлигидан қолишмасди, оқини юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовургалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Ўнг қўли ва ўнг оёғи майиб, қарашлари анчайин ёқимли эди. Ўлимни писанд қиласди; қарийб 80 га кириб улаётган чогида ҳам ақл-заковатини, довюраклигини йўқотмаган эди. У ёлгон-яницининг душманни бўлиб, ҳазилни ёқтиромасди. Ўзининг олдида талон-тарожлик, қотиллик, аёлларнинг шомусига тегини, зўрлани ҳақида гапиришга йўл қўймасди; у, ҳақиқат ҳанчалик аччиқ ва шафқатсиз бўлмасин, уни эннитишни яхши кўрарди. У баҳтсизлик онларида тушкунликка тушмасди ва шунингдек, зафарли онларда ҳам ҳаддан ортиқ хушичақчақ бўлмасди. Ботир аскарларнинг дўсти, гоят мард ва жасур бўлган бу одам кишиларни, ўзини ҳурмат қилишга, бошиқаларни ўзига бўйсунинга мажбур қила оларди», деб таъриф берган. Файласуф, тарихчи Ибн Халдун эса: «Амир Темур узун бўйли, кенг елкали, бақувват, боши йириқ, пешонаси кенг, жисмонан кучли, териси оқимтири, юзи қизил, бармоқлари тўлиқ одам эди. Соқоли ҳилинираб турар, бир қўли фалаж, ўнг оёғи оқсоқ, ўтли қарани ёниқ, овози жарагандор, ўлимдан қўрқмайдиган. Саксон ёшга етса ҳам маънавий ва жисмоний кучини тўла сақлаб қолган эди», дея ёзади.

Академик Иброҳим Мўминов «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» номли асарида Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» номли китобидаги Темур ҳақидаги маълумотларни келтирган. Али Яздийнинг ёзилишича, Темурнинг яловига «Рости-русти» деб ёзилган ва унинг бу сўзларини «Ҳақиқат-сиҳат-саломатлик, ҳақиқат-тартиб, ҳақиқат-адолатдур» деб тушунтирган. Шунингдек, у доимо: «Иш ва сўз бир бўлсин», «Инсонпарварлик ва мардликни Аллоҳ ҳам, халқ ҳам улууглайди» — деган сўзларни таъорланини хуши кўрган. Ўрин келганда, мавзудан кечиниб бўлса-да, яна бир нарса тўғрисида гапириб ўтиш лозимdir. Бу Амир Темурнинг саводи масаласидир. Темурга замондош бўлган қиниплардан Бирортаси ҳам Темурни саводсан эди деб айтмаган. Бизнинг замондош тарихчиларимиз эса Темурни саводсан эди, деб ёзадилар ва айни Вақтда ўзлари ўзларига мантиқаи қарани чиқдилар. Совет тарихчиси А. Якубовский шуидай ёзган эди: «У саводсизлигига қарамасдан,

она тили-турк тилидан ташқари, форс тилида ҳам ажойиб равишда сұхбатлашардиким, бу унга үша даврининг етуқ кишилари билан яқиндан муроқот қилишга имкон берарди. Күчли хотираға ва тұгма иқтидорға зәалиги туфайлы у үнүтганларни осонлик билан узок вақт мобайнида ёдіда сақлаб қоларди. Темур ўзининг фикр доира-сининг кенглиги ва мушоҳадасининг чуқурулғы билан неча марталаб сұхбатдошларини лол қолдирған әди.

Фалакиёт ва тиббиёт илмларини яхши билған Темур айниңса, тарих ва илохиятни чуқур әгаллаганди. Машхұр тарихчи Ибн Халдун у билан сұхбатлашганида, мусулмон мамлакатлар тарихини яхши биладиган киши билан сұхбатлашғанлығини тан олғанди». Биз А. Якубовскийнинг фикрларини үз сұздары билан ёсқак ўқувчиларда шубда үйғомасын, деган мақсадда унинг ёзғанларини айнан, таржима қилип көлтиридик.

Санъатшунос олим Юрий Халаминский ўзининг «Ағсоналар йұлдан» номли асарида әса қүйидагида ёзған: «Темур фавқулодда иқтидорли шахс әди. У умрининг охирігача саводсиз бұлғыб қолди ва унинг буйруги билан саройда алоқида «қиссан» лавозими жорий этилди. Шу ҳолатда ҳам Темур тарихини жуда яхши биларди, тиббиёт ва фалакиёт илмларини ҳам әгаллаганди. У форс тилида олимлар билан узок сұхбатлар қуради. У диншунослик бобида до-нишманә әди ва шунинг учун бу борадаги нозик тортиштувтарға ҳам қатнашар әди. У шахмат ўйини санъатини әнг юксак чуқиціларини әгаллаганди».

Мана сизта соғибқирион Амир Темурнинг «саводсизлігіні» анық-лаган икки олимнинг фикрлари! Шу үринда, инсоннинг саводини үлчайдиган қандай үлчов бор? Бу үлчовни кимлар яратиб, кимлар жорий қылған? Нега, шунча илм спир-асрорларидан хабардор бўлған, бошқа тилларни ҳам әгаллаган Темурнинг қобилияти, бу үлчовта тўғри келмай, у саводсиз деб аталди? Бундан кўринадики, ағарда бирор шахсни қоралаш ёки камситиши лозим бўлса, ҳеч бир мантиж-нинг ҳам кераги йўқ экан-да!

Энди асосий мавзуга қайтадиган бўлсак, бизнинг күнларимизгача етиб желган, эронлик ва ҳиндистонлик мусаввирлар чизган миниатю-раларда акс эттирилған Амир Темурнинг қиёфаси ёзма маибаларда тасвирланғанидан анча фарқ қиласи.

Шунинг учун, бу масалалар экспедиция таркибидаги антрополог-ларнинг зиммасига катта масъулият юкларди. Бу масъулиятни тұлиқ хис қылған антропологлар машықкатли текширишга кириш-дилар. Темурнинг қабридан топилған бақувват сұяқлар эркак киши-ники бўлиб, қаддининг баландлығи 170 см. әди. Антропологлар бир қараашдаёқ, Темурнинг сұяқларыда сақланиб қолған касаллик ало-матларини аниқладилар. М. Герасимовнинг аниқлашыча, жаҳонгир-нинг ўнг қули тирсагидап букилмайдиган бўлиб, битиб қолған экан. Унинг ўнг қули тирсаги букилмаганлығы билан барибир елка бўгини орқали яхши ҳаракат қылған. Ўнг қўлдаги бармоқларнинг ҳолатига

қараганда, бу құл нағақат яхши ҳаракатланған, балки жуда күчли ҳам бұлған.

Шарағиддин Али Яздийнинг ёзишича, 1362 йил Амир Темур үчун машаққатли бұлған. Ұша йили Сеистон қокими Темур ва Ҳусайнни 1000 китшилик құшини билан душманига қарши курашда ердам беришгә қақырди. Бу жаңғда Темурнинг үнг құли камон үқидан яраланды. Камон үқи құлнинг пайига зарар еткәзди ва у бир умр бундан азоб чекди. Темур орадан 20 йил үтгач, үзини яралаган рақибиңиң құлға туширди ва уни камон үқи билан үлдірди. Антрополог М. Герасимов Темурнинг сүякларини диққат билан текшириб, қақиқатан ҳам унинг үнг құл сүягида камон үқининг асортати сакланиб қолғанлығини аниқлады.

Амир Темурнинг үнг құли сүякларини диққат билан тақлил қылғап күпчилик мутахассислар, уни нима сабабдан билагидаги бүғинлари букилмайдиган булиб қолғанлығини аниқтай олмадилар. Күпчилик тиббиётлар Темурнинг үнг құли сүяк силининг оқибатида букилмай қолған деган хulosага келғанлар.

Бу жойда яна бир парсаны ҳам айтиб үтишимиз лозимки, Темурнинг үнг құли ва оёғидаги үзгаришларни яна бир жарра текшириш үчун, уруш пайтида Тошкентта эвакуация қилинған бир неча москвалик профессорлар ҳам жалб этилдилар. Темурнинг сүякларини профессорлар А. Крюков ва И. Кассирский ҳамда ростовлик жарроқ Н. Богоразлар диққат билан үрганиб, унинг үнг оёгининг тиззаси ва үнг құлнинг тирсак бүғини сүяк силининг оқибатида букилмайдиган булиб қолған деган фикрни айтдилар. Лекин, бу касаллик қақиқатан ҳам бұлған бұлса, қачон юз берганлығини аниқлашының иложи бұлмади. Бу касаллик Темур яраланғандан сүнг юз берганми өки кейинрекми? Энди бу саволни ечилиши жуда мушкул бұлса керак?

Шундай қилиб, Амир Темурнинг, тарихий манбаларда ёзилганидек, үнг құли букилмаслиги ва үнг оёғи оқсоқ бұлғанлығи қақидаги хабар қақиқатта түғри келиши исботланған. Тинимсиз ҳарбий юришлар ва жаңгу жадаллар, ҳамиша отда юриш, метин ирода ва қатыпшылар харәктер соғыбқыроннинг жисмоний камчиликларини унчалик бүрттириб күрсатmas әди.

М. Герасимовнинг аниқлашича, Темур 70 йилдан күпроқ умр күрганлығига қарамай, унинг бош чаногида ва бошқа сүякларida кексалык аломатлари күринмайды. Аксинча, унинг сүякларини диққат билан үрганған киши бу сүяклар 50 ёшли, анча забардаст кишиники бұлса керак деб, үйлаши табиий.

Амир Темурнинг бош чаногида сақлапиб қолған сочларининг узуилиги 3 см.гача етишини ҳисобға оладиган бұлсақ, у вафот этишидан аввал анча вақт давомида сочини олдирмаган. Унинг соч толалари қалып ва түғри булиб, сарғыш-құнғир рангдадир. Тे-

мурнииг боп чаногида қошларининг қолдиқлари ҳам сақланган бўлиб, узунлиги 12—14 миллиметргача боради ва ранги — тўқ жигарранг. Амир Темурнииг мўйлаби сақланмаган бўлса-да, М. Герасимовнинг, бопи чаноқдаги ўрнига қараб ашиқлашича, унинг мўйлаби узун, лабидан ҳам пастга тушиб турган. Соҳибқироннинг соқоли яхши сақланган бўлиб, унинг ранги қўнгир-сағриш, сал-шал оқ ҳам оралаган. Антрополог М. Герасимов Амир Темурнииг ташқи қиёфасига оид барча белгиларни диккат билан ўрганиб чиқиб, у яшаган даврнииг либослари билан яқиндан танишиб, унинг қиёфасини яратишга муваффақ бўлди. Ушбу суратга оид фикрлар тўғрисида биз ҳали алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темурнииг қабри очил масдан аввал, кўпчилик самарқандликлар, журналистлар ва илмий ходимлар ҳамда мақбара очилаётгаплигидан хабардор бўлган кишилар Соҳибқирон ҳарбий юришларда доимо зафарга эришган буюк лашкарбоши дунёниг катта бойлигини Самарқандга тўплаган ва шунинг учун унинг қабрига ҳам катта бойлик қўйилган бўлса керак дей тахмин қилгандилар. Улар бу мислсиз бойликларнииг бир қисмини кўришга умидвор эдилар. Лекин экспедициянииг қўрсатишича, Темур ва Темурийларнииг жасадлари исломнииг барча қонун-қоидаларига қатъни амал қилинган ҳолда дағн этилган экан. Бу ерда Арабшоҳнииг Темурнииг дағн этилиши билан боғлиқ бир маълумоти ҳам тасдиқланмади. Унинг ёзишича, Амир Темур шерозлик моҳир усталар ясаган пўлат тобутда дағн этилган бўлиши керак эди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, у арчадан ясалган тобутда дағн этилган.

Темурнииг қабридаги ягона қимматбаҳо буюм — бу унинг тобуги устига ёпилган, олтии ёзувлар битилган чойшабдир.

Соҳибқирон Амир Темурнииг зафарли юришлари, таҳт ва давлат ишлари борасида кўргина тарихий йилномалар мавжуд. Бобо-калон тарихчиларимиз, Темурийлар сулоласининг инқизори башланишига сабаб бўлган соҳибқироннииг улеми ҳақида ҳам кўвлаб маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Амир Темурнииг вафоти тафсилотларини биз асосан ўрта асрларда яшаган тарихчилардан Шарафиддин Али Яздийнииг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнииг «Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» ва Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандийларнииг тарихий йилномаларидан билиб олишимиз мумкин. Кейинги даврларда Амир Темурнииг вафоти тафсилотлари билан шарқшунослардан В. В. Бартольд ва Л. Зиминлар ҳам қизиққанлар. Улар мавжуд тарихий битикларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, жаҳонгирнииг вафоти тафсилотларини анча ойдинлаштирудилар. В. В. Бартольдпинг «Темурнииг дағн қилиниши ҳақида», Л. Замииннииг «Темур вафотининг тафсилотлари» помли илмий мақолаларида кўплаб қимматли маълумотларни учратишмиз мумкин.


Юқорида айтиб ўтганимиздек, Шарафиддин Али Яздийнииг «Зафар-

нома» номли тарихий битигида Темурнинг вафоти тафсилотлари-
нинг баёнига анча кенг ўрин берилган .«Зафарнома»да қайд қи-
линишича, Амир Темур, Сайхун (Сирдарё) қирғоқларидан йўлга
чиқиб 1405 йилининг 14 январида Ўтрорга ҳоким Бердивекнинг
сарайига қўнади. Барча амirlар, шаҳзодалар, лашкарбошилар ҳар
бири алоҳида хоналарга жойлашадилар. Ўша куни, соҳибқирон
қўнгани сарайнинг хоналарида бирида муридан учқун чиқиб, ён-
гип чиқади. Ёнгинни тезда учирадилар. Лекин кўпчиликнинг кўнг-
лига гулгула тушади. Ўша кунлари сарай аёнлари ва Темурнинг
яқинлари аллақандай вахимали тушлар кўришиб, уйқулари бузи-
лади. Кўпчилик қандайдир бахтсизлик яқинлашаётганинги хис-
килгандек бўлади. «Зафарнома»да бу воқеалар баён қилингач,
Дашти қипчоқдаш Темурнинг олдига келган элчи Қорахўжанинг
қабул қилиниши тафсилотлари айтилган. Кейинги маҳсус бобда
Амир Темурнинг вафоти билан боғлиқ воқеалар келтирилган. Уш-
бу бобда ёзишича, Амир Темур етти йиллик юришдан сунг,
Осиёнинг деярли барча кисмини забт этгач, дунёда адолат ўрна-
тишга қарор қилган, фуқароларнинг аҳволидан хабардор бўлиб,
уларни кулфатлардан халос қилишга бел болгаган. Агарда фуқа-
ролари зўравонлар томонидан эзилган бўлса, ҳакқоният ўрнатган,
камбагалларга яхшиликлар қилиб, дилларини хуш қилган. Соҳиб-
қирон ўз гуноҳларини ювиш учун етти йиллик юришдан сунг,
пойтахтда бор-йўги беш ойгина дам олиб, Хитой бутпарастлари
устига юриш бошлаган. Шундан сунг Шарафиддин Али Яздий
Темурни касалланиб қолганлитини баён қилади. Унинг ёзишича,
Темурнинг аъзои бадани иситманинг зўридан титрай бошлайди.
Даврининг энг моҳир табибларидан бири, соҳибқироннинг барча
сафарларидағи доимий ҳамроҳи Мавлоно Фазлулло Табризий ўзи-
нинг бор санъати ва билимини сарфлаши ва энг зўр дори-дармон-
ларни ишлатишига қарамай, касаллик баттар ривожланиб, янги-
янги хасталик белгилари пайдо бўла бошлайди.

Соҳибқироннинг ақли-ҳуши то жони узилгунча жойида бўлган-
лиги учун, у қаттиқ оприқ азобига қарамай, бир дақиқа ҳам лаш-
карништ аҳволидан хабарсиз қолмади. Амир Темур тийран ақли
ва ўткир фаросати билан, касаллик ҳар қаңдай дори-дармонлар-
дан кучли чиққанлитини ҳис қилгач, у мардонавор равища
Улимга тайёрлана бошлади. Ёнiga маликаларни, амirlарни
ва шоҳзодаларни чақиришини буюрди. Уларнинг барчаси,
тўшакда ёттан жаҳонгирнинг атрофида жам бўлишга, у шун-
дай деб оҳиста гап бошлади: «Англашумча жоп қуши — тана
қафасни тарқ этадиганга ўхшайдур ва энди жойим қарами
кенг, муруватли Аллоҳнинг арши аълосида қўним топгай.
Менинг ўлимимга йиги-сиги қилиб ўтиранглар, чунки бундан ҳеч
қандай шаф йўқтур. Ким ўлимни йиги-сиги билан ҳайдай олибдур?
Ўст-бошларингни поралаб жазавага тушгандан кура, тангри-таолло-
дан менга имон ва муруват тилашлар. Руҳимни шод қилиш учун

тиловат қилинглар. Худонинг марҳамати билан мукаммал тартиб-қоидалар ўргатдимки, энди Эрон ва Туронда ҳеч ким ўз яқинига ёмонлик қилмайдур, бадавлатлар фақирларни әзмайдилар. Бу ишларимдан сўнг, худо менинг гуноҳларимни кечиради деб умид қиласан. Мен шундан таскин топаманким, менинг подшоҳлик давримда қучлиларни ожизларга озор беришларига йўл қўймадим, ҳар қалай бу тўғрида менга ҳеч ким шикоят қилмади. Мен аминманки, бу дунё бевафодир. Менга вафо қилмаган дунё сизларга ҳам вафо қилмайдур. Шундай бўлсаям, сизларга ушбу дунёни бемаврид тарқ этмасликни маслаҳат бераман. Атарда сизлар ҳам фоний дунёни тарқ этсалариңгиз одамлар ўртасида тўполонлар пайдо бўлади, йўллардаги хавфсизликка шутур, одамларнинг оромига зиён етади. Парвардигор қиёмат куни эса буларнинг сабабчиларидан ҳисоб сўрайди. Набирам Пирмуҳаммад Жаҳонгирини валиаҳд қилиб тайинлайман. Ул Самарқанд таҳтини мустақил равишда ушлаши, фуқаролар ва лашкар ҳаётига доимо ғамхурлик қилиши лозим. Бу ишда сизлар унга сидқидилдан хизмат қилишингиз, лозим бўлса, тартибсизликлар бошланисиб менинг неча йиллик ҳаракатларим зое кетмаслиги учун жонларингизни ҳам қурбон қилишларингиз керак. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бежаришларингизга монелик қила олмайди».

Бу сўзлардан сўнг Амир Темур барча амирлар ва лашкарбoshiларга ўзининг барча васиятларини тўлиқ амалга ошириш тўғрисида қасамёд қилишни буюрди. Шу билан бирга, бу ерда ҳозир бўлолмаган амирлар ва лашкарбошилар ҳам шундай қасамёд қилишлари лозимлигини етказишларини тайинлади. Амирлар соҳибқироннинг сўзларини тинглаб бўлгач, ҳаяжондан йиглашиб, юз тубан ерга ётиб олдилар. Амир шайх Нуриддин ва амир Шоҳмалик чуқур ғам-алам, қайғуга чўмишиб, соҳибқиронга қарата шундай дедилар: «Биз умримизни қурбон қилиб, ҳазрати соҳибқироннинг умрларини бир кунга бўлса ҳам узайтира олганимизда эди, ҳеч иккilanмай жонимизни баҳшида этардик. Бизниг умримиз сизнинг ҳаётингиз олдида ҳеч нарсага арзимайдур. Лекин тақдирнинг йўригини ўзгартиришни иложи йўқдур...» Улар шу сўзларни айтишаётганларида кўзларидан шашқатор ёшлар оқарди. Сўнгра улар, агар соҳибқирон ҳоҳиш билдирулар, Мирзо Халил Султонга ва йироқдаги бошқа амирзодаларга чопар йуллапиб, бу ерга чорлашларини, улар келишиб жаҳонгирини ўз кўзлари билан кўришиб, васиятларини ўз қулоқлари билан эшитишлари мумкинилигини айтадилар. Аммо ҳазрати Амир Темур сўнгги дам яқинлигини, йироқдагилар етиб келолмасликларини, энди дийдор қиёмат кунига қолганлигини айтади. Унинг бу гапларини эшитиб, яқинлари чидай олмай яна йиглаб юбордилар. Жаҳонгири қаттиқ оғриқ азобини куч билан енгib, юзини яқинлари томон буриб, ўзининг сўнгти сўзларини айтди: «Халқларнинг осойишталиги борасида қарам



Гўри Амир мақбарасининг ички кўриниши



Хўумат Экспедициясининг аъзолари Амир Темур қабри устидаги нефрит топни куздан кечирмоқдалар



Экспедиция раҳбари, академик Т. Н. Қори-Ниёзий нефрит тошни ўрганмоқда



Экспедиция азсолари Амир Темурнинг қабри ёнида турибдилар. Пастда ёғоч тобутнинг қопқоги күриниб турибди



Экспедиция азсолари Амир Темурнинг тобути қопқоғи ёнида



Ёзувчи С. Айний ва проф. А. А. Семёнов Мироншоҳ қабри ёнида



Антрополог М. М. Герасимов Амир Темурниң қабриниң ўргалымоқда



М. М. Герасимов Амир Темурниң бош чаноғиниң қабрдан олиб экспедиция аъзоларига кўрсатмоқда




М. М. Герасимов Амир Темурнинг бош чаноғини ўрганимоқда



Экспедиция аъзолари Амир Темирнинг ўнг оёғи сүякларини кўздан кечирмоқдалар



Экспедиция аъзолари Бибихоним мақбарасыда Бибихоним топп
тобутини күздан кечирмоқдалар



Амир Темур қабри устидаги ёзув битилган тоштахта



Киночилар дам олиш пайтида /үнгдан биринчи, оператор
М. Қаюмов, иккинчиси, студия директори В. Ким./

фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлиаглар. Улкан давлатни мендек узоқ йиллар давомида бошқариши учун қўлларингдаги шамширии шараф ва номус билан маҳкам тутинглар. Мен Эрон ва Турон ерларини душманлардан ва галамислардан иокладим, бу ерларни адолатдан ва марҳаматдан гуллатдим. Агарда сизлар менинг васиятларимга амал қиласаларингиз ва барча ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тоҷу-тахт қўлларингизда узоқ вақт сақланади. Агарда узаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлийдиларким, уларни жиловлашини иложи қолмайди». Шундан сўнг, беморнинг оғриги кучайиб, кучли ҳиқиҷоқ бошланди. Бемор ётган хонанинг эшиги орқасида, муллалар тинмайин Қуръон оятларини тиловат қилиб турардилар. Темур хонага Мавлоно Убайднинг ўғли Мавлоно Байтуллони чақиртириб, унга ҳам тинмай тиловат қилиб туришиб буюрди. Кўпчилик бундай аёзли қиши яқин ўрталарда қачон бўлиб ўтганлигини эслай олмасди. Ўтрор ҳокими Бердикең саройнинг Темур учун маҳсус жиҳозланган хонасида буюк лашкаро боши, давлат арбоби Амир Темур иби Тарагой уч марта «ло илоҳо илло Оллоҳ» дей тақрорлаб жон берди. Бу кулфат хижрии 807 йилшинг шаъбон ойининг 17 куни (1405 йилнинг 18 февралида) юз берди. «Зафарнома»нинг ушбу бобида, Амир Темур жон берган пайтда 71 ёшда бўлганлигини, шундан 36 йилини подшоҳликда ўтказган бўлиб, унинг набиралири ва фарзандларининг сони ҳам 36 та бўлганлиги баён этилган.

Амир Темурнинг вафоти тафсилотларини ёзган тарихчилар уни айнан қайси касаллик оқибатида вафот этгаилиги ҳақида аниқ маълумот бермаганлар. Шундай бўлса-да, соҳибқироннинг улими ҳақида ёзган Ҳофизи Абру ва Ибн Арабшоҳлар Шарафиддин Али Йаздий ёзмаган айрим маълумотларни ҳам келтирадиларким, бу маълумотлар соҳибқирон касаллигининг келиб чиқишини аниқлашда анчайин ойдинлик киритади. Уларинг ёзишларича, Темур касал бўлиб тўшакда ётган пайтида, атрофига йиғилганларга аввал бир бармогини, сўнгра иккинчи бармогини кўрсатиб: «Мен бу билан нима демоқчиман?» — дей сўрайди. Кўпчилик амирлар тараддулланиб қоладилар ва айримлари жавоб беришга журъат қилишиб: «Ҳукмдор бу билан согайишм учин япа бир ёки икки восита колди демоқчилар», — дейишади. Жаҳонгир ҳеч бир аламсиз: «Бир ёки икки купдан сўнг мен сизларнинг ораларингизда бўлмайман деганим, бу», — дей жавоб беради. Ўша тарихчиларнинг ёзишларича, жаҳонгир ётган хонага таклиф қилишиб, бор ҳақиқатни айтишга буйруқ олган табиблар, bemorni обdon текшириб кўришиб, соҳибқирон ҳақ эканлигини, ҳақиқатан умри якуплапаётганилигини айтадилар. Бу ерда ҳозир бўлган аёнлар табибларни керагидан ортиқ ганирганликлари учун сўқадилар, лекин Амир Темурнинг ўзи табибларни бу очиқ гаплари учун мақтайди.

Булардан ташқари Ҳофизи Абру, Темур Ўтрорга келиб ҳаддан ташқари кўп шароб ичганлигини, аввалдан шаробга унчалик майли бўлмаганлиги учун бу ошиқчалик қилиб, касаллик келиб чиқишига сабаб бўлганлигини ёзган. Ушинг ёзишича, аслида Соҳибқирон бунчалик шаробни совуқнишг таъсирини камайтириш учун ичган. Ибн Арабшоҳ табиблар Темурни даволаш учун иешонасига ва қорнига муз қўйғанликларини ҳам айтиб ўтган. Темурийлар даврида яшаган тарихчиларниң Темур вафоти билан боғлиқ маълумотлар шулардан иборатдир. Албатта улар ўзлари сингари айрим тарихчиларнинг асарларидан фойдаланганликлари, айрим маълумотларни эса тушириб, айрим янги тафсилотларни қўшиб ёзганликлари шубҳасиздир.

Шундай қилиб, Хитой устига юриш режаси соҳибқирон Амир Темур вафоти туфайли бекор қилинди ва унинг жасадини Самарқандга олиб бориб дағн этишга келишилди. Амир Темур жасадини Самарқандга олиб бориш Ҳўжа Юсуфга тоширилди. Соҳибқироннинг жонсиз танаасига ҳар хил хушбўй суюқликлар сепилиб, тобутга солингач, қимматбаҳо тошлиар билан бозатилган таҳтиравонга жойлаштирилди. Карвон оқиҷом пайти ўйлга тушди. Карвон ўзи билан Амир Темурнинг жасадини олиб кетаётганилигини яшириш, гўёки маликалардан бирини олиб кетаётгандек кўрсатиш керак эди. Шунинг учун ҳеч кимга мотам либоси кийишга рухсат берилмади. Темурнинг бошқа яқинлари ва маликалар бир кундан сўнг ўйлга чиқди. Бир неча кундан сўнг эса карвон Самарқандга етиб келди. Темурнинг жасади карвон етиб келган кунининг оқшомида яширии равишда қабрга дағн этилди. Шаҳар аҳли ҳали Самарқандни обод ва кўркам қилгац, уни ер юзидағи бой ва бетакрор шаҳарлардан бирига айлантирган Амир Темурнинг вафтидан бехабар, ўз ташвиш-қувончлари билан овора эди. Шаҳарликлар бу машъум воқеадан маликалар ва амирзодалар Самарқандга етиб келганларидан сўнггиша хабар топдилар.

Шундан сўнг барча дўконлар ва бошқа кўнгилочар жойлар тақ-тақ беркилди. Узоқ ўйл юриб келган маликалар ва амирзодалар шаҳарга киритилгач, тўппа-тўғри Муҳаммад Султон хонақосига етиб келдилар. Соҳибқироннинг вафоти муносабати билан мотам маросимлари бошланди. Амир Темурнинг тул қолган хотинлари ва бошқа аслзода аёллар бошларини ялангочлаб, соchlарини ёйиб, юзлари ва соchlарини тимдалаб, қонатиб, ерга ағанаб, бошларига тупроқ сочиб, уввос солиб ўиғлай болладилар. Мотам маросимида шайхулисломлар ва бошқа диний арбоблар ҳам иштирок этдилар. Мотам маросими айниқса, тахтга Халил Султон чиққандан сўнг янада улуғворлик билан давом этди. Ўша куни мотамда бутуни сарой аҳллари ва аслзодалар билан бирга барча самарқандликлар ва узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам қатнашидилар. 20 март куни янги ҳукмдор Халил Султон бобоси дағн этилган Муҳаммад Султон хонақосига бориб фотиха ўқиди. Соҳибқироннинг руҳига багишлаб

Қуръондан оятлар ўқилди, хайр-әҳсоналар қилинди, бир неча отлар, буқалар, қўйлар сўйилиб худойи қилинди. Шундан сўнг йиги-сигилар садоси остида Темурнинг ногорасини олиб келдилар. Ноғора ўз овози билан соҳибининг мотамида иштирок этди. Маросим охирлағач, у бошқа ҳеч кимга хизмат қилмаслиги учун ногоранинг терисини ёриб, парчалаб ташладилар.

Тарихчи Иби Арабшоҳ ўз асарида Шарағиддин Али Яздпайдан фарқли ўлароқ яна бошқа тафсилотларни ҳам келтирган. Унинг ёзишича, Темурнинг жасадипи Самарқандга Халил Султон олиб келган. Жасад Самарқандга келтирилгач, уни қора дараҳтдан ясалган тобутга солишиб, Мұхаммад Султон хонақоси томонга асл зодалар ва лашкарбошилар қўлларида кўтариб борганилар.

Шунингдек, тарихчи Темур дафи этилган жойиниг ишкни тузилиши хақида ҳам гапириб ўтган. У тасвирлашича, Темурнинг қабри устига унинг қимматбаҳо либослари ёпилган. Хонанинг дөворларига эса унинг жанговар аслаҳалари ва яроқлари осиб қўйилган. Бу жиҳозларнинг барчаси қимматбаҳо тошлилар билан бе затилган бўлиб, энг арzonининг баҳоси бир вилоят солигининг баҳосига тенг келарди. Гумбазнинг шифтида эса осмондаги ёрқин юлдузлар мисоли олтин ва кумушлардан ясалган қандиллар осиб турарди. Мақбаранинг ичига ишак ва баҳмал гиламлар тўшаб қўйилган. Мақбарага Қуръондан оятлар ўқиб туриш учун маҳсус шайхлар, қўриқлаш учун қоровуллар белгиланиб, уларга маош тайинланиди. Мақбара самарқандликлар орасида катта эътиборга ва ҳурматга сазовор эди. Унинг ёнидан ўтаётган кишилар фотиҳа ўқишиб, бошларини эгиб, отлиқлар эса отдан тушиб пиёда ўтар әдилар.

Мақбара ичини бундай ошиқча нарсалар билан безаш шарнатга тўгри келмас эди. Шунинг учун 1409 йилнинг май ойида Самарқанд таҳтини әгаллаган Шоҳруҳ Мирзонинг буйруги билан бу ердаги ошиқча нарсалар йигиштирилиб, қимматбаҳолари хазинага топширилди. Шоҳруҳ отаси қабрини зиёрат қилиб худойи қилди ва бу ердаги шайхларга ҳамда қоровулларга янгича ойлик белгилаб, уларни қайта тасдиқлади.

Шу ўринда ўқувчиларда, Самарқанд таҳтини Амир Темур, ўғли Жаҳонгирнинг кичик фарзанди, набираси Пирмуҳаммадга васият қилган эди-ку, нега эпди бу таҳтга Халил Султон ўтириди деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ворисликка Халил Султон эмас, Пирмуҳаммад лойиқ кўрилган эди. Нега энди Пирмуҳаммад? — деган саволга академик Яҳё Фуломовнинг «Алишер Навоий даврини ўрганиш ҳақида» деган мақоласидан жавоб топишмиз мумкин. Олимпинг ёзишича Амир Темур катта машақ-

қатлар билан ўғли Жаҳонгир Мирзога Хоразмдаги, Олтин Ўрда хони авлодларидан тугилган Хонзодабегимни олиб беришга мұваффақ бўлади. Бу режани амалга оширгач, Хонзодабегимдан тугилган набираси Мұҳаммад Султон Жаҳонгир ўғлини ўз ўринига ворис қилиб тарбиялай бошлади. Мұҳаммад Султонининг бевақт ўлими буни амалга оширишга мөнелик қилди. Шундан сўнг Темур Хонзодабегимдан тугилган иккничи ўғил Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўғлини ворисликка лозим кўради. Темурни бу ишлардан кўзлаган мақсади ўз тахтига ворис сифатида Олтин Ўрда хошларининг қоши қўшилган набирасини тайинлаб, келажакда Олтин Ўрда тахтини ҳам ўз авлодлари қўлига ўтказиши бўлган. Аммо, Амир Темур вафот этгач, тожу таҳт учун аёвсиз талошлар бошланиб кетди. Темур давлатида эса саросималик бошлаанди. Юзага келган бу ҳолни характерли равишда қўрсатадиган бир тарихий мисол келтиримоқчимиш. Тарихчиларининг ёзишларича, Богоистон номли қишлоқда, Туронда катта из қолдирган Хўжа Аҳрор таваллуд топади. Унинг ота-онаси бу муносабат билап катта шодиёна қилаётган вақтларида Амир Темурнинг вафоти ҳақидаги хабар етиб келади. Бу мудҳиш хабардан саросимага тушган одамлар, қозонларда пишиб турган таомларни ҳам ташлаб тоққа қочадилар. Бундан кўриниб турибдики, Темурнинг ўлими нафақат унинг яқинлари, балки оддий фуқаро ўртасида ҳам кўп ташвишларга сабабчи бўлган. Хуллас, Амир Темурдек буюқ соҳибқиран эттиборига лойиқ топилган Пирмуҳаммадга Самарқанд тахтига ўтириш насиб қилмади. Темурийлар сулоласининг асосчиси Амир Темур вафотини эшитгач, вилоятлар ва туманларга ҳокимлик қилиб турган унинг ўғиллари, набиralари Пирмуҳаммадни ворислигини тан олмадилар, унинг номига хутба ўқитмадилар, тангаларга унинг номини зарб қилмадилар. Тангалардаги Темур номи ўринига ҳар бир ҳоким ўз номини ёздира бошлади ва масжидларда ҳам хутбани ўз номларига ўқита бошлади. 1 март куни отасининг вафотини эшитган Шоҳруҳ Мирзо ҳам шундай йўл тутди. Амир Темурнинг васиятларини ўз қулоқлари билан эшитган, йиглаб қасамлар ичган амирлар Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддинлар ҳам Пирмуҳаммадга ён босмадилар. Машҳур шарқшунос-тарихчи Бўрибой Аҳмедовининг ёзишларича, омадсиз Пирмуҳаммаднинг умри фожна билан якун топган. 1407 йилнинг 22 февралининг ярим кечасида, хоин вазир Пир Али Тоз бошлиқ бир гуруҳ фитначилар, Балхнинг катта аркига бостириб кириб, уйқуда ётган Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўғлини хотинлари ва хизматкорлари билан бирга чопиб ташлайдилар.

МУҲАММАД СУЛТОН ҚАБРИНИ ОЧИЛИШИ

1941 йилнииг 22 июнь, якшанба куни экспедиция қатнашчилари одатдагидек ишга киришилди. Энди мұлжал бүйича, охирги, янын Соҳибқирон Амир Темурниң суюкли пабираси Мұҳаммад Султонниң қабрини очишга киришилди. Кун бүйін қабр атрофи тозаланды, упинг барча томонлари үлчанды, чизиб олини, кинога туширилди. Үша куни кечкүруи экспедиция раҳбары, профессор Т. Н. Қори-Шиёзий йигилици үтказды. Бу йигилишда Темур, Шоҳрух, Улугбек, Мироншоҳларниң қабрлари очилғанлыги ҳақида тузилған ҳужжатлар үқиб әспиттирилди ва имзоланды. Йигилгандарга пемис-фашизмининг хиёнаткорона уруши ҳақида хабар берилди.

1941 йил 23 июнда Мұҳаммад Султон қабрини очиш ишлари давом эттирилди. Темурниң суюкли пабираси ва валиахди бұлмиш, бобосидан олдин 1403 йили 29 ёшида вафот эттеги Мұҳаммад Султонниң қабри Темурниң қабри ёнида, яғни упинг чап томонида жойлашғандыр. Мұҳаммад Султонниң қабри устида анъанавий ёзуви лавҳа сақлашмаган. Қабриниң тасқи күришими ва тузилиши буюк бобосининг қабри тузилишига жуда үхшаб кетади. Лаҳаднинг оғзипи ёниб турған, күндалағ үрпатылған тоштахталар күчириб олинғач, ёғоч тобутниң чириғап парчалари, тобут устида эса худди Темурниң қабри устида бұлғанидек, олтип иппар билап ёзув битилған чойшаб парчалари учратылди. Бу чойшаб В. Н. Кононовниң аниқлашыча, барча белгилари билан Темурниң қабридап топылған чойшабға жуда ұшайты. Уларниң иқкаласи ҳам бир жойда тайёрланған бұлиши керак. Тобутниң таҳталарыда занглаб кетған темир михлар сақлагап. Тобутниң қоңқоги устида қалин лойқа қатлами ва құрбақашынг сұяклари сақланыб қолған. Бу ҳолат қабрга катта ҳажмда сув киргаплигини ва патижада анча кенг тешік пайдо бұлғаплигини күрсатып турибди. Тобутниң көпқоғи чириб, ичига ұпариб тушғаплиги учуп жасадынға яхлитлигига нутур етган. Жасадынға устида кағап парчалари сақланған бұлиб, унинг тагидарайхон барглари топылды. Тобутниң ичидан хүшбүй ҳид атрофға таралды. Бу жасад дағы қилинишидан олдин уига хүшбүй сувлар сепилгандырылғанда дарак беріб турибди. Тобутниң тубига ҳам маҳсус мато тұшалғанлығы матълум булди. Мұҳаммад Султонниң жасади ҳам шариат қоидаларына риоя қилинғап холда дағы этилған. Соҳибқирон Амир Темурниң катта үгли Жаҳонгирниң үгли бұлғап Мұҳаммад Султонниң бүйи, М. Герасимовниң аниқлашыча, 154 см. бұлған. У табиатан анча нозик бұлишига қарамай, ұарбий ишларда ва давлатни бошқариши ишларыда катта қобиляти борлиги учун бобоси уни қудратлы империяны бұлғувеси ҳукмдори сифатида тараптаган зди. Ағсуски, оғир касаллик уни жуда әрта ҳаётдан юлиб кетди.

Темурийлар салтанаты ҳақида тарихий маълумотлар берган музаллифлар унинг суюкли набираси, Мирзо Жаҳонгир ва Хоизодабегимлардан туғилған Мұхаммад Султон ҳақида ҳам анчайин маълумотлар қолдирғанлар. Ұша маълумотлардан күринадікі, Темурийлар хонағонида шаклланған анъанага күра ёшлигидан яхши таълим-тәрбия олған Мұхаммад Султон илм аҳлларига ҳам күп яхшиликлар қылған. Уншың саъї-ҳаракати билан ҳозирғи Гүри Амир хилхонаси ёнда ажойиб мадраса ва хонақоҳ қурилған. Ибн Арабшоҳ Мұхаммад Султон ҳақида гапирада әка, у олимларниң хомийиси бўлғанлигини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Машхур шарқшунос В. Бартольд Темурийлар даврига оид манбаларни чуқур таҳлил қилиб, апиқлашича, соғибқирип Амир Темур 1399 йили ҳарбий юришга йўл оларкан, ўз ўрнига Самарқандда Мұҳаммад Султонни қолдириди. Орадан айча вақт ўтиб, 1401 йилнинг март ойининг охирида, бобоси уни Дамашқдан туриб ҳузурига чақирди. Амир Темурнинг мақсади, Хулагуходан тортиб олинган ерларни бошқаришини набирасига берип эди. Бобо билан пабира декабрниг бошларида Қорабогда учрашилар. Шундан сўнг у бир печа жангларда қатнашиб. 1402 йили Кичик Осиёгача боришга эришиди. Аммо у ёқдан қайтишида йўлда касалланиб, 1403 йилнинг 12 марта Қораҳисор яқинидаги вафот этди. Темур ва бутун бошлиқ қўшиппинг барчаси Мұҳаммад Султоннинг ўлимига қаттиқ қайғурдилар. Мотам, унинг жасади шарққа жунатилгандан сўнг ҳам давом этди. Барча лашкарлар кўк ва қора либослар кийдилар, ҳаттоқи оқ рағғли отда юриш ҳам таъкидланди. Бир печа қунлар ўтгапдан сўнггина, лашкарбошиларпинг илтимослари билан аза тўхтатилди. Амир Темурнинг буйруги билан Мұҳаммад Султоннинг жасади нарвонга солиниб, 200 отлиқ ҳамроҳлигида Арзиум яқинидаги Оник шаҳрига олиб келадилар. Бу ерда эса жасадни кузатиб келганилар иккى гуруҳга бўлинадилар. Бир қисм кузатувчилар шаҳзоданинг жасадини янги тобутга солишиб, вақтинча дафи этиш учун Султониядаги ҳазрати Ҳайдар қабристонига йўл олади. Иккинчи гуруҳ эса, буш тобут билан Оник шаҳрида қолади. Бу бўш қолган тобут, Оникда шаҳзода хотирасига берилган худойида фойдаланилади. Бу тобут устида Султониядан келган Мұҳаммад Султоннинг опаси, Ӯзбек хоннинг нашибраси Ҳонзодабегим аччиқ ёшлар тўқди. Мотам маросимларини бу ерда янгитдан бошланди, ҳамма кўк ва қора либослар кийдилар. Катта худойи қилинди, етим-есирларга хайр-эҳсонлар қилинди. Бу маросимга Сутлония, Табриз ва Қазвиндай саййидлар, уламолар ҳам ташриф буюрдилар. Маъраканинг сўнггида шаҳзода Мұҳаммад Султоннинг ногорасини олиб келдилар. Маликалар, беклар ва лашкарлар янада қаттиқ йиги бошладилар, шундан сўнногорани майда-майда қилиб бўлиб ташладилар.

1404 йилинг марта Мұхаммад Султоннинг вафотига бир йил тұлиши мүпосабати билан яна худойи қилинди. Бу пайтда Темури

ұз қүшиләре билан Қорабогда әди. Марҳум шаҳзодаппнг онаси Хонзабегим ўғлнни жасадини Султониядан Самарқандга олиб боришігә ижозат олды. Амир Темурнинг буйруғы билан Самарқандннг барча аҳолиси: бойлар ва камбагаллар, аслзодалар ва ғақирлар, ҳаммалари Мұхаммад Султоннинг тобутини мотам либосида, йиғи-сигилар билан күтиб олдилар ҳамда иззат-икром билан қабрға күйдилар. Шундан сүнг Самарқандга етиб келган Амир Темур суюкли набираси хотирасига худойи бериб, унга багишилаб янги хилхона бино қилишип буюрди.

БИХХОНИМ ҚАБРИНИНГ ОЧИЛИШИ

Темурийлар хилхонасини очиб ўрганиш, юқорида айтганимиздек, Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик тўйи муносабати билан амалга оширилган эди. Ҳукумат комиссияси Самарқандда Темурийлар мақбарасини очиш билан бирга, Темурийлар даври тарихини янада чуқур ўрганиш мақсадида, юбилей қўмитасининг режасига кирмаган ишларни ҳам бажарди. Ҳудди шундай юбилей қўмитасининг режасига кирмаган ишлардан бири Бибихоним хилхонасидаги қабрларни ҳам очилиши эди. Экспедиция таркибидаги олимларнинг фикрларига кўра, Амир Темурнинг суюкли хотини, у билан барча иссиқ-совуқларни баҳам кўрган Бибихоним нинг қабрини очиб текшириш фан оламига янги маълумотлар беради. Шунинг учун 1941 йилнинг 21 июнь куни Темурийлар хилхонасида иш олиб бораётган олимларнинг бир гурӯҳи, Амир Темурнинг Жомеъ масжиди ёнидаги Бибихоним хилхонасида ҳам текшириш ишларини бошладилар. Қабрларни очиш жараёнини тўлиқ кинога олиш учун барча жиҳозлар таҳт қилинди. Олимлар бу ерда иккита тош тобутни очдилар. Тош тобутлар кулранг яхлит марташларни ичини ўйиб ясалган бўлиб, оғзини зич қилиб ёпиш учун қопқоқлари ҳам бор эди. Ичига жасадлар солинган икки тош тобутдан ташқари хилхона ичида буш турган яна иккита тош тобут ҳам бор эди. Буш турган тош тобутларга ҳам ўша маҳаллари жасад дағи этишганим ёки улар бошданоқ буш қолганими буни апиқлашни иложи бўлмади. Шу ўринда япа бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, на хилхона деворларида ва на тош тобутларнинг қопқоқларига ҳеч қандай ёзувлар битилмаган. Бу нарса хилхонага дағи этилганлар ҳақида тарихий маълумотлар олишни қийинлаштириди. Ичига жасадлар солинган тош тобутлар қандайдир мақсадлар билан икки марта, яъни 1871 йилда ва 1928 йилларда очилгандир. Биринчи тош тобут хилхонанинг шимолий токчасига қўйилган бўлиб, узунлиги 196 см. эни эса 72 сантиметрdir. Тобутнинг қопқоги очилганда унинг ичида газлама парчалари ва пахта тудалари бор эди. Булар тобутдан чиқариб олингач, суюклар кў-

ринди. Жасаднинг бопи шимол томонга қаратилгап эди. Тош тобут ичидаги жасад тартибсиз равишда, аралаш-қуралаш бўлиб ётган эди. Антропологлар жасад дағи этилишидан олдии яхшилаб мўмиёланганлигини аниқладилар. Тобут ичидаги мўмиёланган мускуларининг қолдиқлари ҳам тартибсиз равишда сочилиб ётарди. Биринчи тош тобут ичидаги жасад қолдиқларини диққат билан текширган антропологлар, уни ёшроқ аёл кишига тегишили деган хуносага келдилар.

Хилхонадаги иккинчи тош тобутнииг узуплиги 2 метр, эса эса 67,5 см. бўлиб, ичидаги жасаднинг боши шимол томонга қаратилгандир. Бу тобут ичидаги жасад ҳам аёвсиз равишда титиб ташланган эди. Жасад дағи қилиниши арафасида мўмиёланган бўлиб, у кекса аёл кишиники эканлиги маълум бўлди. Жасаднинг чап ёнбошида узун соч толалари ва ўнг курагининг тагида эса саккизта тўртбурчакли, еттида думалоқ мунҷоқлар сақланган, тобутнииг ичидаги яна кафан парчалари ва кейинги очишлар пайтида тасодифан тушган чиқиндилар ҳам бор экан. Очилган тобутларнииг ичидаги жасадлар ҳар томонлама тасвирга туширилганидан сўнг, Тошкентга жўнатиш учун маҳсус идишларга жойлаштирилиб, тобутларнииг қопқоқлари ёпилиб, эшиклари муҳрлаб қўйилди.

Ҳукумат экспедицияси томонидан Бибихоним хилхонаси очилгандан сўнг, қўлга киритилган маълумотлар шулар, холос.

Қадимги китоблардан маълум бўлишича, Бибихоним XIV асрнинг 40-йилларида Мовароуннаҳрга хонлик килган Қозонхоннинг қизи бўлган. Унинг саройи Қаршидан икки чақирим гарб томонда, Завжирсой деган жойда бўлган. Қозонхон мамлакатда қатъий тартиб-қоидалар яратаман деб ҳар хил бекларпинг қаршилигига учрагап ва 1347 йили душманлари томонидан ўлдирилганидан сўнг, орадан апча йиллар ўтгач, гўзал ва оқила Бибихонимга амир Ҳусайн уйланган. Амир Ҳусайн билан Амир Темур иккаласи иттифоқ тузишиб, Мовароуннаҳрнинг ички ва ташки душманларига қарши курашганилар. Қўлга киритилган ғалабадан сўнг, амир Ҳусайн Мовароуннаҳрнинг бош амири, Темур эса уни ўнг қўли бўлган. Бу алокани янада кучайтириш мақсадида, Амир Темур Ҳусайнининг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйланди. Лекин бу қариндошлиқ ҳам иккала амир ўртасидаги зиддиятларни батамом йўқ қила олмади. 1366 йилдаги сарбадорлар ҳаракатининг бошликларини Ҳусайн хонлик билан қатл эттироқчи бўлди. Шунда Амир Темур сарбадорлар орасидаги ўз дўстларини ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзининг бор йиққан бойлигини Ҳусайнга берди. Бойлигининг ётмаган қисмига, у хотини Ўлжой Туркон оғонинг қимматбаҳо зирагини ҳам қўшишга мажбур бўлди. Сарбадорларнииг ҳаётини сақлаб қолиш учун Амир Темур берган қимматбаҳо нарсалар ичидаги ўз синглиси Ўлжой Туркон оғонинг ҳам зираги борлигигип кўрган Ҳусайн индамади, уни синглисига ҳайтариб беришга кўзи қиймади. Қайноғасининг очкўзлигидан иззат-

нафси озор чеккан Темурнинг упдан кўнгли қолди. Бу воқеадан кўп ўтмай, Ўлжой Туркон оғониниг вафот этиши, Темур ва Ҳусайн ўртасидаги оғайничиликни барҳам топишга олиб келди. 1370 йилда Амир Ҳусайн батамом маглуб бўлгач, Амир Темур унинг ҳарамини қўлга киритди ва унинг хотинлари орасидан танлаб, факат тўрттасини ўзига хотинликка олди. Буларнинг орасида энг гўзали Сароймулк хоним, яъни Бибихоним эди. Академик В. Бартольдинг фикрига кўра, Бибихоним Амир Темурдан беш ёшлар чамаси кичик бўлган. Агарда бу маълумот тўгри бўлса Амир Темур Бибихонимга ўйлашганида 35 ёшларда, у эса 30 ёшларда бўлган. Бибихоним хонининг қизи бўлгацлиги учун Темур ҳарамида бош хотин хисобланган. Ўша давр одатига кўра, Темур Бибихонимга ўйлашганидан сўнг «қўрагон» яъни «хонининг куёви» деган увоноға сазовор бўлган. 1337 йилда Амир Темур, Хизр хўжা хотининг қизи, гўзал Тўқол хонимга ўйланиб, икки карра хонининг куёви бўлди. Тўқол хоним эса соҳибқирон ҳарамида «кичик хоним» бўлди.

Тарихий манбалардан бизгача сақланиб қолған озгина маълумотларга қараганда, Темур набиралари тарбиясини оқила Бибихонимга ишониб топширган. Умуман Темур набираларини тарбиясига давлат аҳамиятига молик бўлган вазифа сифатида қараган. Темур ҳомиладор келишларини ўз саройига олиб келиб, алоҳида эътибор билан парваришлаш пшларини йўлга қўйган. Келишларининг кўзи ёригач, чақалоқни онасидан ажратиб олиб, маҳсус энагаларга топширган. Бу ишларнинг барчаси Бибихонимнинг назорати остида бўлған. Ўғил набиралар маълум ёшга етгач, уларга отабеклар биркитилган. Ақли ва тадбиркор, билимли одамлардан ташлаб олинигтан отабеклар, Темурнинг набираларига, ўна даврининг стук кишилари эгаллашлари лозим бўлған барча таълим-тарбияларни берганлар. Буюк мунахжим Мирзо Улугбек ҳам бувиси Бибихонимнинг тарбиясини олган эди. Гўзаллик ва фаҳм-фаросат бобида Бибихонимга нисбатан сахийлик қилган табиат уни бошка нарсадан, яъни аёл киши учун энг катта баҳт бўлғап — фарзанд кўриши баҳтидан бенасиб этган эди. Шу ўринда Темурнинг аёлларга муносабати ҳақида ҳам гапириб утиш лозимдир. Тарихчиларпинг гувоҳлик беришларича, Амир Темур саройидаги аёлларини «тўрт девор ичига қамаб, юзларига парапжи-чиммат ёпмаган». Клавихова Ибн Арабшоҳларнинг ёзишларича, Темурнинг хотинлари тўй маросимларида, эркаклар билан ёнма-ён иштирок этганлар. Темурнинг ўзи хотинлари ва қиз набираларига атаб гўзал bogлар бунёд эттирган, уларга доимо гамхўрлик қилган. Амир Темур ўз хотинларини қапчалик яхши кўрмасин, уларни ҳеч қачон давлатни бошқариш ишларига аралаштиргмаган. Унинг хотинлари Соҳибқироннинг у ёки бу шаҳзодага нисбатан чиққан қаҳр-газабини юмшатишгагина аралашганлар, холос. Бибихоним ўзига нисбатан

Амир Темурнинг муҳаббати қапчалик кучли бўлганилиги сезса ҳам ҳеч қачон давлат ишларига аралашмаган.

Ўтрорда юз берган катта қулфатдан сўнг, Бибихонимнинг бошига ҳам кўп савдолар тушибди. Амир Темур ўлимни олдидан Самарқанд таҳтига ворис қилиб, набираси Пирмуҳаммадни тайинлаған эди. Лекин, соҳибқироннинг ўлимидан сўнг унинг васияти бажарилмади ва Самарқанд таҳти Халил Султонга ўтди. 1384 йилда тугилган Халил Султон Мирошоҳнинг ўғли бўлиб, у ҳам Бибихоним қўлида тарбияланган. У ўзининг жасурлиги ва тадбиркорлиги билан бобосининг диққатини тортган эди. Халил Султон 1404 йилда бобосининг қаҳрига учради. Бунга, шаҳзодапинг Шодимулк исемли қизга уйланганилиги сабаб бўлганди. Бобосининг қаҳри қанчалик қаттиқ бўлмасин, ўжар набира ҳам ўз аҳдидан қайтмади, севиб уйланган ёридан воз кечмади. Муҳаббат нималигини яхши англаган Амир Темур оқибатда ўжар набирасини кечирган эди. Самарқанд таҳтини қўлга киритган Халил Султон бобосининг хазинасини совура бошлади ва кайфу сафога берилди. Амир Темур даврида тартибга кирган қоидалар ҳам бузила бошлади. Халил Султоннинг давлатни бошқариш ишларига хотини Шодимулк фаол равишда аралаша бошлади. Унинг хоҳиши билан, Бобо Турмуш деган наслу наслаби бетайин киши вазир этиб тайинланди. Халил Султон хотини Шодимулкнинг қистови билан бобосининг суюкли хотини, суюкли бувиси Бибихонимни насли-наслаби паст кимсага ёрга бердиртирган. Амир Темурнинг бошқа хотинлари ҳам шундай қилиндилар. Бу билан Шодимулк Самарқандда якка ўзи малика бўлиб қолишни хоҳлаган бўлса ажаб эмас... Бунга ҳам қаноат қилмаган Шодимулк яширии равшида Бибихонимни заҳарлаб ўлдиртирган.

1409 йилда Самарқанд таҳтини Шоҳруҳ Мирзо эгаллади ва айборларни жазолади. Амир Темурнинг хотинларини хўрлашга катта ҳисса қўшган Шодимулк бозорда халойиқ олдида сазойи қилинди. Самарқанд таҳтини ташлаб қочган Халил Султонни Шоҳруҳ кечирди ва Рай шаҳрининг хокими этиб тайинлади. Тез орада унинг хотини Шодимулкни ҳам у ерга жўнатди. Халил Султон у ерда икки йил ҳокимлик қилгач, 1411 йилнинг поябрида вафот этди. Эрининг ўлимидан сўнг, борлиқ дунё кўзига қоронғу кўришган Шодимулк ҳам ўзини-ӯзи ўлдирди.

Самарқанд таҳтини Мирзо Улугбек эгаллаб, подшо бўлганидэ севикини бувиси Бибихоним ҳаётдан қўз юмган эди...

1941 йилда Бибихоним хилхонасидаги қабрларни очган олимлар икки қабрдан бири кекса аёлники, бири эса ёпроқ аёлникин эканлигини аниқлаганликларини айтиб ўтган эдик. Кекса аёлнинг суюклари, академик Яҳё Ғуломовнинг аниқлашича, Бибихонимнинг оғаси — Қозонхонининг хотининикидир. Олимнинг ёзишич, Темур қурдирган улкан масжиднинг қаршисида, Бибихонимнинг фонаси шарафига қурилган мадраса ҳам бўлган. Ҳозирги Бибихоним мақбараси деб аталган хароба ҳолидаги бино мазкур мадрасалинг бир қисми эди. Тарихчи Муҳаммад Шариф Самарқандийнинг ёзишича, Абдуллаҳон Самарқандни босиб олгач, масжиди Жкомеъ қарисидаги «Мадрасаи хошим»ни вайрон қилди, фақатгина бу ердаги хилхонагина омон қолди. Ёшроқ аёлнинг жасади эса шакшубҳасиз Бибихонимницидир. Қабрлар устидаги тошларда ёзувларнинг йўқлиги бу қабрлардаги жасадларни янада аниқ қилиш имконини бермади. Бибихонимнинг бош чапоги асосида антрополог-скульптор М. Герасимов унинг ҳужжатли қиёфасини яратди. Бизнигча бу суратни кўргандан кўрмаган яхшироқ бўлур эди. Чуники бу сурат Бибихоним деганда, қўичиликнилг тасаввuriда пайдо бўладиган сиймонинг заррасига ҳам ўхшамайди.

ОЧИЛМАГАН ҚАБРЛАР

Маълумки, Темурийлар хилхонасига 9 киши дафи этилган. Лелия экспедиция иштирокчилари булардан фақат бешта: Амир Темур, Мироншоҳ, Шоҳруҳ, Муҳаммад Султон ва Улугбек қабрларини очдилар. Қолган тўрт қабр очилмади. Хўш, бу очилмаган қабрлар кимларга тегишли? Биз қўйида шу ҳақда қисқача тўхвалиб ўтмоқчимиз.

Темур даврида яшаб ўтган тарихчиларниг хабар беришича, Амир Темур ислом динини чуқур билган, дин аҳларини ҳурмат қилган, айниқса, Муҳаммад пайғамбарниг авлодларига алоҳида меҳр-муҳаббат кўрсатган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад пайғамбарнинг авлоди бўлган Мир Сайид Баракапи, соҳибқирон ўзига пир деб билган. Нимагадир Мир Сайид Барака ҳакида тарихий маълумотлар кам сақланиб қолган. Тарихчиларниг баъзилари уни Мисрда туғилган десалар, баъзилари Мадинада, яна боинқалари эса Маккада тугилган дейдилар. Шарафиддин Али Яздиининг ёзишича, Мир Сайид Барака 1370 йилда Ҳусайн билан учрашади. Ҳусайн эса унга нисбатан яхши муомала қилмайди ва етарли иззат-хурмат кўрсатмайди. Бундан ранжиган Сайид Амир Темурга мурожаат қиласди. Сайид Барака Темурга ногора ва байроқ ҳадя этади. Соҳибқирон уни иззат-иқром билан қабул қилиб, барча пстакларини бажаради. Шундан сўнг Амир Темур билан Сайид Барака ўртасида бирбирига нисбатан чуқур ҳурмат ва ёдустлик пайдо бўлади. Темур Мир Сайид Баракапинг маслаҳат ва ўтиларига доимо қулоқ солган. Масалан, 1383 йил Амир Темурнинг спиглспи вафот этган ва бундан у қаттиқ қайтуриб, тушқунликка тушган, давлатни бошқариш ишларидан ҳам кўнгли совиган. Шунда Мир Сайид Барака бошлиқ бир гуруҳ дин аҳлари унинг кўнглини кўтартганлар ва давлатни бошқариш ишларини давом эттиришини сўраганлар. Амир Темур Уларнинг гапларига қулоқ солади. «Бу дунёниг кулфатлари кўп

экан, уларпинг ҳар бирига эътибор бериб, тушкунликка тушаверсанг, яшаб бўлмас экан», деган хуносага келади. Мир Сайид Барака, Амир Темур 1391 йили Олтин Ўрда ҳуқмдори Тўхтамишга қарши жангга отланганида ҳам кўп дуолар қилган. Иби Арабшоҳ бу жанг билан ботлиқ қизиқ бир воқеани ёзиб қолдирган. Темур қўшиклари билан Тўхтамиш қўшинлари ўртасидаги шиддатли жангдан сўнг, мўғулларнинг қўли баланд кела бошлайди. Темур қўшинлари мағлубиятга учраши эҳтимоли пайдо бўлади. Шу маҳал жанг майдонида Мир Сайид Барака пайдо бўлади, кайфияти бузилган Темурга таскин беради ва отдан тушиб, қафтига бир ҳовуч майдо тошчаларни йигиб яна отга миниб, қандайдир дуоларни пицирлаб, «Ёв қочди» деб бақириб, тошини душман томонга қараб сочади. Амир Темур ва унинг лашкарлари ҳам «Ёв қочди» дея ҳайқириб душманга ташланади. Тўхтамиши бошлиқ мўғул қўшинлари тор-мор келтирилади. Мир Сайид Барака билан Амир Темурнинг сўнгги учрашувлари 1403 йили Озарбайжоннинг Корабоғида юз беради. Амир Темур Мир Сайидни кутиб олиш учун чодиридан чиқади ва иккаласи бир-бирларини қучоқлаб, узоқ муддат йиғлайдилар, чунки Мир Сайид Темурга унинг суюкли наобраси Муҳаммад Султоннинг ўлими мусобабати билан таъзия билдиришта ҳали улгурмаган эди.

Амир Темур ҳаётлигида ўз пири Мир Сайид Барака билап бир мақбарада, Сайиддинг оёқ томонида ётишни ният қилган экан. Шунинг учун ислом динининг ҳимоячиси ва шариат қонуни-коидаларини сидқидилдан ижро этувчи Шоҳруҳ Мирзо, Андоҳой шахридан Мир Сайид Бараканинг жасадини келтириб, Самарқандга Темурийлар хилхонаси, отасининг бош томонига дафи этирди. 1941 йилги экспедиция аъзолари томонидан Мир Сайиддинг қабри очилмаганлиги учун уни ташки қиёфаси, қабрининг ички тузилиши ҳакида маълумотлар йўқ.

Темурийлар мақбарасида бошқа очилмай қолган учта қабр кимларга тегиши эканлиги анча баҳслидир. Хилхонанинг гарбий қисмидаги қабрни айрим олимлар, Амир Темурнинг отаси Амир Тарагойнинг пири Шайх Шамсиддин Кулолнинг тўртингич ўғли Сайид Умарники деб ҳисоблайдилар. Маълумотларга қараганда, у Темур давлатида мухтасиб лавозимини эгаллаб, шариат қонуни-коидаларини бажарилишини назорат қилиб турган. Қўпчилик олимлар эса, хилхонадаги бу қабрда Сайид Умарнинг жасади йўқ. Шунинг учун бу қабрни номаълум қабр деб аташ тўғри бўларди, деб ҳисоблайдилар. Мақбарадаги қабртошлардаги ёзувларни ўқиш билап бевосита машғул бўлган А. Семёнов ҳам бу қабрни номаълум қабр деб ҳисоблайди ва бу қабр устига мармар тош кўйганилар ҳам қабрда ким дафи этилганлигини билмаганликлари учун қабртошга ҳеч кимнинг номи битилмасдан, Қуръондан умумий суралар ёзилган деган хуносага келади.

Темурийлар хилхонасида катта кишиларнинг қабрлари билап ён-ма-ён, бевақт ҳазон бўлган икки ёш боланинг ҳам қабри бор. Бу

икки қабр ҳақида ҳам олимлар ўртасида ягона фикр йўқ. Ёзма манбаларда ҳам бу жумбоқни ечиб берадиган маълумотлар сақланиб қолмаган. Бу ёш болаларнинг қабрларини айрим олимлар Мир Сайид Бараканинг набираларига тегишили десалар, айримлар Мирзо Улугбекнинг гўдаклигига вафот этган фарзандлариники бўлса керак, деб тахмин қиласидилар. Археолог В. Шишкин гўдакларнинг қабрларидан бири Султон Ҳусайннинг ўғли Ҳасанини, иккинчиси эса номаълум боланини деб ҳисоблайди.

ҚАБРТОШЛАРДАГИ ЁЗУВЛАР

Темурийлар хилхонасидағи қабртошларга битилган ёзувларни ўқиб чиқиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, экспедиция аъзоси, шарқшунос олим А. А. Семёновга топширилган. У барча қабртошлардаги ёзувларни дикқат билап ўрганди, нусха кўчирди ва урущдан сўнг бир печа илмий мақолалар ҳам эълон қилди. Маълумки, қабрларни очгапдан сўнг кўлга киритилган маълумотлар қанчалик муҳим бўлмасин, қабртошлардаги ёзувларнинг аҳамияти ҳам ундан кам эмасdir. Чунки бу тошларда дафи этилганлар ҳақида қимматли маълумотлар битилган. Шуни афсуслар билап айтиб ўтишимиз лозимки, Темурийлар хилхонасидағи қимматли қабртошлар айрим нокас кимсалар томонидан ўғирлаб кетилган, синдирилган ва қайта ишлов берилиб, бошқаларнинг қабрларига ишлатиб юборилгандир. Экседиция 1941 йилда бу ерда қазиш ишларини бошлаганида, хилхонадаги қабрларнинг устида 9 та ёзув битилган қабртошлар бор эди. Дастлабки пайтларда ҳар бир қабр иккитадан қабртош билан таъминланган эди. Муҳаммад Султоннинг қабри устидаги тош ҳам ўғирланган, иккинчи қаватдаги қалбаки қабрда эса тош сақланган ва унга ёзув битилган. Шоҳруҳ ва Улугбекларнинг иккинчи қаватдаги қалбаки қабрлари устидаги ёзувли тошлар ҳам ўғирланган. Ҳайриятки, пастда, ҳақиқий қабрлар устидаги тошлар биззинг кунларимизгача етиб келган.

Мироғлоҳнинг пастдаги ҳақиқий қабри устидаги ёзувли тош ҳам ўғирланган. Унинг қабрини тепадаги қалбаки қабрдаги ёзувли тош ёрдамида апиқлаш мумкин бўлди. Амир Темурнинг пастдаги ҳақиқий қабрида ҳам, юқоридаги қалбаки қабрида ҳам ёзувлар битилган тошлар сақлапиб қолган. Унинг қабри устидаги нефрит тошга ҳам ёзувлар битилгандир. Қабртошларга дафи этилганлар ҳақидаги маълумотлар билап бирга Қуръондан турли хил ояллар, дуолар ва тилаклар ҳам битилган.

ШОҲРУХ МИРЗО ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ¹

«Жаннат боғлари ва гулистоnlаридан бирп бўлган бу боф марҳум ва магфур, султонлар султони, салтанат ва дунёву дин мададкори Шоҳрух баҳодур Султонпинг абадий оромгоҳидир. Аллоҳ таолло уни ўз неъматлари таҳтига ва иззат тоҷига мушарраф этгай. Бу султон 779 ҳижрий йилнинг раби ул-охир ойининг ўн бешинчиси — пайшанба куни (1377 мелодий йил, 21 август) дунёга келди; 807 ҳижрий (1405 мелодий) йилда ўзининг шараф зоти билан мамлакатга зийнат багишилади. 850 ҳижрий йил зулҳижжа ойининг йитирма тўртингчиси — якшанба куни (1447 мелодий йил, 12 март) Ирокқа мансуб Раӣ ерида абадий жаннат томон ўйл олди. Шундан сўнг, одил, зоҳиди комил ва олим подшоҳнинг жасади унипг қизи, дунё ва дин иффати Поянда Султонбегимнинг ташаббуси билан осуда масқап бўлмиш Самарқандга келтириб, у (яъни Поянда Султонбегим — А. Б.) бино қилган бу камтарона жойга (қабрга) қўйилади. Яхшилпилари боқий бўлсии, ё марҳаматлиларнинг марҳаматлisisi! Ё марҳаматлиларнинг марҳаматлisisi!»

МИРЗО УЛУҒБЕК ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

«Бу нурли қабр, шаҳиднинг олий макони, бу хушбўй боф ва юнсак турбат ул подшоҳнинг оромгоҳидирки, унинг бунда бўлуви туғайли жаннат боги мусаффо ва бўстони баҳтиёрdir. У марҳум султон, халифат қувончи, дунё ва дин кўмакчиси, оромгоҳига Аллоҳ нур ёғдирсии. Улугбек султонидирки, у 796 ҳижрий (1394 милодий) йилда Султония шаҳрида туғилди ва 810 ҳижрий (1408 милодий) йилнинг зулҳижжа ойида Самарқанд дор ул-амонида хилофат мустақиллигига эришди. Ва Аллоҳнинг иродаси ила «ҳар ким буюрилганича сузади» дейилганидек, унинг ҳаёти муддати ниҳоясига етгач, ва қазову вақти келгач, ўғли қарши чиқиб, хайжар тифини унга урди ва натижада шаҳид бўлиб, бағишлагувчи ва шафқатли Аллоҳ томон ўйл олди. Бу ҳодиса наби ҳижратининг 853 йили рамазон ойининг ўнинчи куни (1449 милодий йил 27 сентябрь) содир бўлди».

МУҲАММАД СУЛТОН ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

Жуда эрта қазо қилган пектидорли саркарда Муҳаммад Султоннинг қабртошида қўйидаги сўзлар битилгандир: «Бу дунё — сўнгги

¹ Шоҳрух ва Улугбек қабртошларига битилган ёзувлар Алишер Навоий помли Самарқанд дорилғупуни профессори Ботирхон Валихўжаевнинг бевосита ёрдами билан ўзбек тилига ўғирилди.

мангу маскапга кетиш олдидаи охирги саёҳатдир. Бу қабрга осойишталик ва раҳматлар бўлсин. Бу сўнгги даргоҳга хотиржамлик ва меҳру-шафқат... (шу ерда ёзувларни ўқишининг иложи бўлмаган — А. Б.) ... ё парвардигор мени помусларга ботирма, айниқса Қиёмат куни раҳмони халойик олдида! Аллоҳу акбар! Унга қарши борувчи йўқ, уни тенги йўқ, уни ҳеч ким билан алоқаси йўқ, унга ўхшаш зот йўқ, унинг қиёси йўқ, унинг ҳад-ҳудуди йўқ, унинг сиймоси йўқ, салтанатда унинг шериги йўқ, вазири йўқ... Е қурдатли эгам, ё раҳм-шафқатли, ё марҳаматли раҳмони раҳим! Сендан илтимос қилган нарсамни кошки тушимда кўрсатсанг! Сен менинг гуноҳларимни афв этиб, менга қарам кўрсатдинг. Ҳақиқатан сен қодир эгамсан! Сен менга Қуръонни ёдда сақлаш иқтидорини инъом этсанг. Сен ақлу-ҳушимни олгансан...

... буюк султон, таҳт вориси, шаҳзода Муҳаммад Султон иби Ҳаҳонгир, иби Амир Темур «кўрагон», иби амир Тарагой, иби амир Баргул, иби...» Ёзувлар ганч билан суваб ташлаганилиги учун давомини ўқишининг иложи бўлмаган. Қўришиб турибдики, Муҳаммад Султон қабри устидаги тош ниҳоятда нағис қилиб ясалгандир. А. Семёновнинг ёзишига кўра, бу қабртош бошқа тошлиарга қарагандагу ёёхилхонада хўжайиндек турибди. Бу қабртошга тенг келадиган тош Термиз шаҳрида, Амударё қирғоғида жойлашган машҳур олим Абу Абдулло Муҳаммад иби Ал-Ҳаким Термизийнинг қабри устига ўрнатилган.

МИРОНШОҲ ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

Маълумки, Мироншоҳнинг пастдаги ҳақиқий қабри устидаги ёзувли мармар тош бизгача етп бельмаган, фақатгина тенадаги қабр устидаги тош сақлангаандир. Унда қўйидаги сўзлар битилган: «Бу сўнгги осойишта макон султон Мироншоҳ иби Амир Темур «кўрагон», иби амир Тарагой, иби амир Баргул, иби амир Айлангир, иби амир Ижил, иби амир Қоражар, иби амир Сўгужиц, иби амир Ирдамчи «барлос», иби амир Қачуладай баҳодур, иби амир Туманай, иби Чингизхон, иби амир Есуқай баҳодур, иби амир Буртан баҳодур, иби амир Қобулхон, иби амир Туманай, иби амир Бойсунқур, иби амир Қайду, иби амир Тутумтин, иби амир Бука, иби амир Бузанжирниқидур...» Ёзувнинг давомида амир Бузанжирнинг онаси Алан Қува, бокира қолгани ҳолда, нурдан ҳомиладор бўлиб, отасиз туққанилиги ва бу нур Абу Толибининг ўғли Али авлодига мансуб кишидан тарқалганилиги айтилган.

Мармартошнинг ўртасида яна 26 қатор араб тилида битилган ёзув бор. Уларнинг маъноси қўйидагичадир:

«Аллоҳдан бошқа ҳеч бир таңгри йўқ. У тирик ва абадий ту-

фувчидир. У соҳиби оламдир, у яратган барча жонзотлар яна унга қайтиб боргувчидир. У куч-қудратли, ҳамма парсага қодирдир.

Мехрибои ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Худомиз ягона таңгридан. У меҳрибои ва раҳмли таңгридан ўзга ҳеч қандай таңгри йўқдир. Унинг узи бордир. У тирик ва абадий тургувчи дир. Уни на мудроқ, на уйқу оломмайди. Самовот ва ердаги бор нарсалар уникидир. У уларнинг олдиларидағи ва орқаларидағи бор нарсалар билади. Ва улар у зотнинг илмидан фақат ўзи марҳамат қилган нарсаларигина биладилар. Упинг арши-курсеси осмонлар ва ердан кенгдир. Ва уни осмонлар ва ерии хифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюқдир. Дипга зўрлаб киритиш йўқдир. Ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Ким нотўғри йўлдан юз ўгириб Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустахкам ҳалқани ушлаб турибди. Буюқ Аллоҳ ҳакиқатгўйдир».

Бу ёзувлар Қуръон сураларидан күчириб олинган оятлардир. Ёзувлар битилган ушбу қабртош нафис кора мармардан ишланган. Қуриб ўтганимиздек тошдаги ёзувларда ҳеч қандай тарихий матъумотлар келтирилмаган, фақатниа унинг ота-боболарининг исмилари то афсонавий Алтан Қувагача санаб ўтилган, холос.

АМИР ТЕМУР ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВ

Агарда Темурийлар хилхонасидаги қабртошларни бир-бирларига солиштирадиган бўлсан, уларнинг орасида ҳеч шубҳасиз Амир Темур қабри устидаги тошга етадигани йўқ. Хилхонанинг иккинчи қаватидаги, яъни зиёратхонадаги қалбаки қабр устига ўриатилган нефрит (моҳтоб) эса ўз улуғворлиги билан барчани ҳайратга солади. Бахти тасодиғлар туфайли Амир Темурнинг қабри устига ўриатилган тошлардаги барча ёзувлар бизгача тўлиқ етиб келган. Аввал гапни пастдаги ҳақиқий қабртош ҳақидада бошлайдиган бўлсан унга араб тилида қўйидаги сўзлар битилгандир: «Бу қабр — султони аъзам, ҳоқони акрам, осойиниталик ва ҳимоя йўлловчи, Амир Темур «қўрагон» иби амир Тарагой, иби амир Барғул, иби амир Айлангири, иби амир Ижили, иби амир Қоражар Нуён, иби амир Суғужижини, иби амир Ирдамчи барлос, иби амир Қочулай, иби амир Туманай, сунгра Чигизхон иби амир Есукай баҳодур, иби амир Бартан баҳодур, иби амир Қобилхон иби амир Бойсунқур, иби амир Қайду, иби амир Туманай, иби амир Бука, иби амир Бузанжирникидир..» иби амир Туманай, иби амир Бука, иби амир Бузанжирникидир..» Ёзувнинг давомида худди Мироншоҳнинг қабртошидагидек, амир Бузанжирнинг онаси Аллан Қува уни отасиз, иффатли қолгани ҳолда, шурдан ҳомиладор бўлиб туққанлиги айтилгандир.

Бу ёзувлардан сунг, қабртошнинг пастки қисмида 51 қаторлик арабча ёзув булиб, ёзувлар асосан Қуръон сураларидан кўчириб

ёзилган. Бу сураларда асосан раҳмдил ва шафқатли қодир эгампинг шарафиға ҳамду-санолар айтилган. Аллоҳнинг бандаларига қилган яхшиликлари бирма-бир санаб ўтилган. Ёзувнинг охирларида, Амир Темурнинг тилидан, у ҳаётлик чогида кўп гуноҳлар қилганлиги, худодан гуноҳларини кечиришини қаттиқ илтимос қилган. Ёзувлар: «Ё раббий сен мендан бўлак бандани топарсан, мен эсам қилган гуноҳу-айбларимни афв қиласидиган сендан бошқа эгамни топа олмайман. Эй ғафур, эй раҳим, эй карим. Менинг гуноҳларимни ўз қараминг ила кечиргин. Муҳаммад алайҳис-салом ва унинг жами қавмларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин» — деган сўзлар билан якуп-ланган.

Бу ёзувлар маъноси Темурбекнинг ўлими олдидаги кайфияти ва айтган васиятларига мос келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мақбаранинг иккинчи қаватидаги қалбаки қабр устига ўрнатилган моҳтобга ҳам насабнома битилган.

ХИЛХОНАДАГИ ҚАЗИШМАЛАРНИНГ ЯКУНИ

1941 йилнинг 24 июнь куни экспедиция қатнашчилари Амир Темур мақбарасини очиши билан боғлиқ сўнгги ишларни амалга оширадилар. Барча қабрларнинг оғизлари тоштахталар билан вактинча ёпиб қўйилди. Хилхонанинг пастки қаватига бегона кишилар кирмаслиги учун эшик оғзи темир панжара билан ёпилиб, муҳрланди. Қазиб олинган тарихий шахсларнинг суяклари пешма-пеш Самарқанд тиббиёт институтига келтирилиб, уларни антрополог Л. В. Ошанин дастлабки текширувдан ўтказиб, сунгра жўнатилиши учун қутиларга жойланиб, поездда Тошкентга жўнатилди. 25 июнда барча юклар ва топилмалар Тошкентга етиб келди ва улар Алишер Навоий номли адабиёт музеига топширилди.

26 июнда экспедиция аъзолари иштирокида йигилиш ўтказилди. Унда экспедиция натижасида қўлга киритилган барча ашёвий далилларни илмий таҳлилдан ўтказиб, сунгра нашр этишга қарор қилинди. Лекин машъум уруш бу ишларни анча орқага сурниб юборди.

Шу билан экспедиция Самарқанддаги Темирийлар хилхонасида олиб борган қазиши ва тадқиқот ишларининг биринчи босқичини якунлади. Экспедиция қатнашчиларининг кўпчилиги урушга жўнаб кетдилар.

Антрополог М. Герасимов ва Л. Ошапинлар бир йил давомида Темур, Шоҳруҳ, Улуғбекларнинг бош чаноқларини ва бошқа суякларини ўргандилар, уларнинг изларини гипсга кўчириб олдилар. М. Герасимов Темирийларнинг бош чаноқларини ўрганиб, шу асосда уларнинг суратларини ишлаб чиқди.

1941 йилнинг 9^д декабрида Тошкент шаҳрида М. М. Герасимов томонидан яратилган Темур, Шоҳрух ва Улугбекларининг суратларини муҳокамадан ўтказиб, қабул қилиш мақсадида тузилган нуфузли комиссиянинг йиғилиши бўлди. Бу комиссияга Иттиҳоқдаги таниқли олимлар жалб қилинган эдилар. Қўйида шу маъжлис баёнинг матнини келтирамиз.

«Қатнашдилар: профессор, экспедиция раҳбари Т. Н. Кори-Ниёзий, академик Струве, академик Готье, академик Греков, профессор Семёнов, Рачинская (Ўзбекистон ССР халқ маорифи комисарилиги), Зарипов (Навоий юбилейи комитетидан), профессор Ошанин (Ўрта Осиё университети), профессор Якубовский (Фаплар академиясининг Ўзбекистон филиалидан), профессор Тревер (Фаплар академиясининг Ўзбекистон филиалидан), Герасимов (Навоий юбилейи комитетидан), Ражапов (Фаплар академиясининг Ўзбекистон филиалидан), Кононов (Навоий юбилейи комитетидан), Ҳамид Олимжон (Ёзувчилар союзидан), Татевосьян (Рассомлар союзидан), Кучис (скульптор), Пеньковский (Ёзувчилар союзидан).

Эшитдилар: Ҳукумат экспедицияси томонидан, XV асрда яшаган тарихий шахслар Темур, Шоҳрух ва Улугбекларининг Самарқанддаги қабрларини очиб, уларнинг бош чапоқлари асосида ташки қиёфаларининг яратилиши жараёнлари ҳақида скульптор-антрополог М. М. Герасимов маъруза қилди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар:

Академик Греков: — ўртоқ Герасимовнинг маъруzasидан сўнг унда, скульпторнинг ушбу ишида ўзбошимчаллик ниҳоятда кам деган бир фикр пайдо бўлганилигини айтди. М. М. Герасимовнинг маърузаси жуда ишонтиратли бўлди.

Профессор Ошанин — ўртоқ М. Герасимовнинг ушбу ишни ниҳоятда оригинал бўлиб, у бир неча йилги тинимсиз меҳнатнинг натижасидир. У тўғри йўлдан бориб, ўлган одамларининг бош чапоқлари асосида уларнинг қиёфаларини яратишга эришган. Ўртоқ Герасимов чуқур илмий кузатишлардан сўнг вижданан, эринмай тер тўқди. У ирқий типни яратишда батамом тўғри йўлдан борди. Бош чапоқ асосида инсон қиёфасини яратиб, унинг ўз ирқий типини аниқ бера олиш ниҳоятда улкан ва мураккаб вазифадир. Кенг япоқлар, буларнинг барчаси, мураккаб кузатишларни талаб қиласди. Қиёфаларининг бир-бирларига ўхшашлиги тўғри экаилигини унинг кузатишлари натижалари ҳам таасиқлаб турбди. Бу жуда оригинал илмий иш бўлиб, ҳали бундайни ишлар амалга оширилмаган эди.

Академик Готье — М. Герасимовнинг бошқа ишлари ҳақида, яъни Ярослав Мудрий ва Андрей Боголюбовларининг қиёфалари ҳақида гапириб, бу қиёфалар ниҳоятда тўғри усулда яратилганилигини айтди. Бу усул билан яратилгап тарихий шахсларнинг қиёфалари бир-бирларига ўхшамайди. Бу қиёфалар индивидуал бўлиб, кишида энг ўхшаш вариант сифатида таассурот қолдиради. Менинг фикрим-

ча, иләжи бор ишнинг ҳаммаси қилинган. Қўлга киритилган натижалар тўлиқ ишончга сазовордир.

Академик Струве — мен М. Герасимовни апча йиллардан бўён биламан. Мен Ленинградда антропология институтида директор бўлганимда унга Дарғомиш кўлидан топилган бош чаноқни тиклаш учун бергандик. У бошқа тажрибалар ҳам ўтказганди. Бизда, ёзувчиликимишин Ватапимизнинг энг қадимги аҳолисининг қиёфаси билан яқиндан таништириш мақсадида, М. Герасимовга тарихий антропология галереясини яратиш вазифасини топшириш истаги ҳам тугилган эди. Мен М. Герасимов бир неча одамларниң қиёфаларини яратганлигини ва бу ишда ғолиб чиққалигинилг гувоҳи бўлганман. У тўғри ийўлдан бормоқда ва катта усталардан бири Гинзбург ҳамда бошқалар М. Герасимов ҳақида юксак фикрдалар.

Шунингдек, москвалик антропологлар ҳам у ҳақида яхши фикрдалар. Тарихий антропологиядаги улуғ шараф ва шон-шуҳрат ҳақиҳатан ҳам унга тегишлидир.

Профессор Массон — бу ишга М. Герасимовни жалб қилиш ташаббускорларидан бириман, деб айтди. Ушбу қиёфалар жуда ишончли чиққан ва Темур ҳамда Улугбекнинг образлари тўғри яратилган. Ҳар биримиз бу қиёфалардаги Ўрта Осиё типини кўриб турибмиз. М. Герасимовга ушбу ишларини охирига етказишини маслаҳат берамиз.

Профессор Якубовский — асосий масала бу ерда, Темурнинг қиёфасида туркий тип етарлича кўрсатилганни ёки йўқми эканлигидадир. Бу жуда муҳим, чунки, XIII асрнинг биринчи ярмидаёқ барлослар Еттисувнинг туркий муҳитида эдилар. Фикримча, бу ерда туркий тип тугал ҳолда ифодаланган. Мен Темурни яқиндан кўриб, у ҳақда ёзиб қолдирган икки кишининг маълумотларини биламан. Улардан бири Темурни кексайиб қолганида кўрган, иккичи гувоҳ Ибн Арабшоҳ — уни ёшлигига кўрган. Унинг ёзишича, Темур унда кучли таассурот қолдирган... Улугбек тўғрисида. Унинг бошидан тоҳини олиш керак, тож сурат кўринишини бузаяпти. Қолган масалаларда бопқаларининг фикрларига қўшиламан.

Ҳайкалтарош Кучис — агар сурат нуқтаи пазаридан қарайдиган бўлсак Темур, Улугбек, Шоҳруҳ суратларининг сифатига ҳеч қандай эътиrozим йўқ. Булар мукаммал ҳужжатли суратлардир. Ҳайкалтарошлиқда қўйиладиган талабдан келиб чиқадиган бўлсак, бу суратлар ҳужжатли суратлар бўлганлигидан, анчайин қуруқ чиққап. М. Герасимов ўз ишини илмий маълумотлар асосида амалга оширган. У рассомлар билан бадиий образлар яратиш ҳақида келишишин лозим.

Профессор Семёнов — Улугбекнинг боп кийимини алмаштиришни мен ҳам маъқуллайман. Бу бош кийим XVII асрга оид қўлэзмадан олингап бўлиб, унда Улугбек бошига тож кийган ҳолда тасвирланган. Тож унга ярашимай турибди. У бош кийимсиз анчайин улутвор кўрипади. Бу кўринини мутафаккирга хосдир.

Мусаввир Татевосьян — Темур билан Шоҳрух ўртасида катта фарқ бор, деган фикрга қўшилиш қийин. Шунга қарамай, турли ҳолатларда шундай таассурот қолади. Афсуски, бу суратлар бадиий эмас, ҳужжатлидир. Шоҳрухнинг салласига ва Темурийлар фоколидаги ҳар хилликка ўзгартириш киритиш керак. Темурнинг дубулғасига ҳам ўзгартириш киритиш лозим. Умуман, бу қисмга бадиий тузатишлар қилиш керак. Темурнинг қулогини ҳам бошқача яратиш керак, ҳозирги ҳолатда унинг қулоги бировникига ўхшаб қолган.

Т. Н. Қори-Ниёзий — бу экспедиция халқлар тарихини ўрганиш борасида катта роль ўйнайди ва беқиёс маданий қимматга эгадир. Экспедиция аъзолари катта ишларни амалга оширидилар, тўғрироғи, муҳим, қизиқарли илмий йўналишга киришилди. Ушбу ишларнинг энг қизиқарлиси экспедициянинг қатнашчиларидан бири М. Герасимовнинг зиммасига тушди. У амалга оширган ишлар катта илмий, маданий ва тарихий қимматга эгадир. Айтиш мумкинки, баъзи ўринларга қарамасдан бу иш дунё аҳамиятига моликдир. Лекин бу йўналиш ҳали жудаям ёш бўлиб, ҳали шакллашим жараёнидадир. Шунинг учун М. Герасимов бу борада кўп ишламиш керак.

Темур ва Темурийларнинг қиёфалари ҳақида гапирадиган бўлсақ, экспедиция ўз олдига маълум мақсадни, яъни Темурийларнинг қиёфаларини иложи борича, ўхшаш қилиб яратишни қўйган эди. Бу амалга оширилди.

Қарор қилинди:

1. Темур, Шоҳрух ва Улугбекларнинг бюстлари қабул қилинсин (биринчи ўхшаш нусхалари сифатида).

2. Ўртоқ М. Герасимов, юқоридаги тапқид ва таклифлар асосида бу борадаги ишларни давом эттирисин.

3. М. М. Герасимовга диссертация ҳимоя қилмасдан туриб, номзодлик даражаси бериш ҳақида москвалик антропологларнинг таклифларига қўшиламиз.

4. Муқимий қиёфасини яратиш таклиф қилинсин».

Ушбу йиғилишда сўзга чиққанларнинг фикрларига кўра, М. Герасимовнинг меҳнати кўпчилик томонидан тан олинди, ҳеч ким эътироҳ билдирамади. Бирор киши сўзга чиқиб: «Эй, оғайнилар! М. Герасимов томонидан яратилган Амир Темурнинг қиёфаси, у билан юзма-юз гаплашиб, сўнгра ёзиб қолдирган таърифларига сира ҳам ўхшамайди-ку», — дея олмади. Негаки, бу йиғилиш уруш айни қизиган, сталинизм қатагони ҳали давом этаётган пайтда бўлаётган эди. Қўпчилик тарихчилар томонидан «ёвуз», «қонхўр» деб таъриф берилган Амир Темур ҳақида ижобий фикр айтиш, муқаррар үлим эканлигини мажлисдагилар жуда яхши билар эдилар. Шунинг учун бу муҳокама қатнашчилари жимгина «боинимга бало ортирасам бўлгани» дея ўтиришгандилар. М. Герасимов яратган бош чаноғи

асосида марҳумларнинг қиёфасини яратиш усули яроқсиз эди, демоқчи амасман. У ҳам агарда Темурнинг қиёфасини аслига үхшатиб, Сталипининг қаҳрига учраб-истиб ўтирмаслик учун, ўз олдига иложи борича ҳазрат соҳибқироннинг куришишини қаҳрли, ёвуз қилиб ярагиш мақсадини қўйган бўлса керак. Қолаверса, М. Герасимовнинг бевосита таълимими олган ўзбек антропологи, тарих фанлари доктори Т. Хўжаевнинг айтишича, бугунги кунга келиб, М. Герасимов яратган усулиниң ҳам анча-мунича камчиликлари борлиги аён бўлмоқда экан. Агарда хулоса қилиб айтадиган бўлсак, М. Герасимов томонидан, 1942 йилда яратилган Амир Темурнинг ҳужжатли суратини энг мукаммал иш деб қараш нотўридири. Соҳибқироннинг ҳақиқий куришишини кўриш қачонлардир насиб қилиб қолса ажаб эмас.

Темурнйларнинг жасадларини ўрганиши билан боғлик ишлар 1942 йилнинг кузига келиб якунланди. Шунда Темур ва Темурнйларнинг жасадларини қаерга дафи этиш масаласи пайдо бўлди. Жасадларни Ленинград шаҳрига, давлат Эрмитажига, яъни М. Герасимов томонидан қиёфалари яратилган тарихий шахсларнинг жасадлари сақланастган ерга жўнатиш керак, деган таклифлар уртага ташланди. Лекин Ленинград қамали ўз-ўзидан бу таклифни йўққа чиқарди. Бу машҳур кишиларнинг жасадларини Тошкентдаги тарих музейида сақлани керак, деган фикр ҳам бекор қилинди. ЎзССР ҳалқ Комиссарлари Кенгаши қошидаги маҳсус комиссия Темурнйларнинг суюклари ўз жойига, яъни Гўри Амир мақбарасига қайта дафи этилсин, деган қарор қабул қијди.

Бу қарор самарқандликлар томошибдан ҳам қуллаб-қувватланди. Кўпчиликнинг фикрича, 1941 йилнинг июнь ойида Самарқанддаги Темурнйлар хилхонасида олиб борилган текшириши ишлари одамларнинг ёдидаи кўтарилиб кетиши ва бундан 500 ёки 1000 йиллардан сўнг, келгуси авлодлар «Амир Темур ва унинг авлодлари қандай дафи этилган?»—деган қизиқиш билан қабрларни қайта очишлари мумкин. Шунинг учун, 1941 йилда ҳукumat экспедициясининг бу ерда олиб борган илмий кузатишларининг натижалари тўрт тилда: ўзбек, рус, форс ва инглиз тилларида хитой бўёғи билан XIX аср Қўқон коғозига ёзилиб, жасадлар билан бирга кўмишга қарор қилинди. Ўма актининг матни қуйидатичадир:

А К Т

Октябрь, 1942 йил.

Самарқанд шаҳри.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Ҳалқ Комиссарлари Советининг Раис үринбосари, математика фанлари доктори,

профессор Т. Н. Қори-Ниёзий бошчилигида антропология профессори Й. В. Ошанин, тарих ҳамда эроншунослик профессори А. А. Семёнов, скульптор-антрополог М. М. Герасимов, археолог В. А. Шишкян, химия профессори В. Н. Кононов, архитектор Б. Н. Засыпкин ҳамда Навоий юбилейи комитетининг илмий котиби Ҳ. Т. Зарифов ўртоқлардан иборат Ўзбекистон Совет Социалистик Революциясиning хукумат экспедицияси 1941 йил 16—24 июнда Самарқанд шаҳридаги Гўри-мир (Гўри Амир) номи билан машҳур мақбаранинг ероғи даҳмасида Темур, унинг ўғиллари Шоҳруҳ ҳамда Мироншоҳ ва набиралари Улугбек ва Муҳаммад Султонларининг қабрларини очди.

XV асрда яшаган мазкур тарихий шахсларниң қабрларини очиши, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг туғилганига 500 йил тўлини муносабати билан кўрилган ташаббус бўлиб, Алишер Навоий яшаган ва ижод қилган, Темур ва Темурийлар даврини мумкин қадар тўлароқ ёритишини мақсад қилиб қўйган эди. Бунинг учун қабрларининг ҳақиқийлигини ва у даврдаги кўмиш маросимларини аниқлаш лозим эди. Бундан ташқари, скульптор М. М. Герасимовга ўзи яратган усул асосида, Темур, унинг ўғил ва набираларининг ташқи сиймоларини яратиш, антрополог Л. В. Ошанинга эса уларнинг жасадларини антропологик жиҳатдан текшириш топширилган эди.

Экспедиция мазкур тарихий кишиларниң қабрлари қўзғатилмаган ҳолда эканлигини, фақат даҳмага кирган сувнинг таъсири билан табиий бузилишга учраганилиги аниқланди.

Қабрлардан чириган матолар қолдиги, Шоҳруҳ қабридан қаламдан шаклидаги ёғоч қутига солинган майда шағал, Темур ҳамда Муҳаммад Султон жасадларининг қолдиқлари солинган ёғоч тобутлардан бошқа ҳеч қандай буюм топилмади.

Мироншоҳнинг жуда хароб бўлган жасади, Темур бош косасининг сўл ёғи, Улугбекнинг сўл бозу суяги ва ҳамма жасадларининг қўл-оёқларидаги баъзи майда суюклардан ташқари, қолганлари яхши сақланган. Жасадларининг мазкур етишмаган бўлакларини, даҳмани босгани сув орқали қабрларга кирган тузлар емирган.

Қабрлар очилгандан кейин дағн этилганларниң жасадлари ва улар билан бўлган буюмлар илмий текшириш учун олишиди. Қабрлар қопқоқлари билан вақтинча ёпиб қўйилди.

Қабрлардан топилган жасадлар ва бошқа буюмлар Тошкент шаҳрида, юқорида курсатилган олимлар томонидан текширилди. Темур жасадини ўрганиш, унинг ўнг оёги жуда оқсоқ эканлиги ва ўнг қўлиниң ишламаганлиги ҳақида замондошлиарининг берган товоҳликларини тасдиқлади. (Ўнг қўли тирсак бандининг битиб қолиши натижасида ишламаган).

Улугбекнинг учинчи бўйин умуртқасининг чўрт кесилганлиги эса, унинг ҳақиқатан ўлдирилганлигини исботлади. Темур, Шоҳруҳ ва Улугбекларнинг ташқи сиймолари М. М. Герасимов томонидан

яратилди. Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек ва Муҳаммад Султонларнинг бош суювлари, Темурнинг паталогик ўзгарган сунклари ва Улуғбек нинг кесілгаш учинчи бўйин умуртқаси гипсга ботирилиб нусхалири олиши. Шу ишларнинг ҳаммаси тугагандан сўнг, жасадлар ўз қабрларига қайтадан кўмилди. Темурнинг соchlари ва мўмиёланган қулоғининг булаги, мўмиёланган бошқа мурдаларнинг қолдиқлари, ёғоч тобут ҳамда шағал солинган ёғоч қути сақлаш учун Тошкентдаги Алишер Навоий музейига топширилди.

Қабрларни очиш актлари Навоий музейидаги, СССР Фаулар Академиясининг Шарқшунослик, ҳамда Н. Я. Марр иомли моддий маданий тарих илмгоҳларида ва Фанлар Академиясининг Ўзбекистон филиалидаги сақланади.

Қолган материаллар ва ҳужжатлар, чунончи, қабрларни очиш ҳақида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукуматининг қарори, ҳукумат экспедициясининг мажлис баёнлари, фотосуратлар ва киноленталар, ҳисбот ва қуидаликлар Навоий музейидаги сақланади.

Бу акт ўзбек, фус, форс ҳамда инглиз тилларida тузилди ва хитой бўёни билан XIX аср Қуқон қоғозига битилди.

Мазкур тиллардаги шу актнинг биттадан нусхалари жасадлар билан бирга Гўри-мирга кўмилди, қолганлари эса Навоий музейидаги сақланади.

Экспедиция бошлиғи:

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раисининг ўринбосари (профессор Т. Н. Қори-Ниёзий).

Экспедиция аъзолари: (проф. Л. В. Ошанин),

(проф. А. А. Семёнов),

(М. М. Герасимов),

(В. А. Шишкин)

(Х. Т. Зарифов).

Агар вақти келиб, орадан минг йиллар ўтгач, қабрлардан ушбу ҳужжатларни топган авлодлар ҳеч қийналмасдан кўп нарсаларни аниклаб олишлари ва бизнинг шаънишимизга аинча таъналарни айтишлари мумкин. Негалиги, қуйидаги, яъни 1942 йилнинг 21 декабрида тузилган сўнгти актда ёзилган сўзлардан англашилади.

А К Т

21 декабрь, 1942 йил.

Самарқанд шаҳри

Самарқанд шаҳридаги XV асрга оид тарихий шахсларнинг қабрларини очиш учун Ўзбекистон ССР ҳукумат экспедициясининг

аъзолари: профессор Т. Н. Йори-Ниёзий, Навоий музейининг директори Ҳ. Т. Зарифов, скульптор М. М. Герасимов, археолог В. А. Шишкин ва архитектор Б. Н. Засыпкин ҳамда Самарқанд вилоят партия қўмитасининг котиби Р. Р. Ибрагимов, Самарқанд шаҳар қўмитасининг котиби И. П. Сологуб, Навоий юбилейи қўмитасининг аъзоси, ёзувчи Садриддин Айний, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги жумҳурият ёдгорликларни сақлаш қўмитасининг раиси В. А. Жаҳонтиров ва тил, адабиёт ва тарих институтининг директори Э. Н. Нажиплар иштирокида ушбу акт тузилди.

Ҳукумат экспедицияси томонидан 1941 йилда Темур, Улугбек, Шоҳруҳ, Мироншоҳ, Муҳаммад Султонларнинг қабрлари очилиб ва суюк ҳамда бошқа буюмлар олингач, экспедиция аъзолари томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Ҳукумат экспедицияси томонидан олиб борилган барча ишлар ҳужжатлаштирилди ва керакли имзолар билан тасдикланди. Актлар ўзбек, ўрус, форс ва инглиз тилларида хитой бўёги билан XVII—XIX асрларда тайёрланган Самарқанд, Бухоро, Іқўқон қофозларига битилди. Актларнинг матнлари ўзбек тилида, араб ва рус имлоларида, рус тилидагиси рус имлосида, форс тилидагиси араб, инглиз тилидагиси инглиз имлоларида битилди. Ҳар бир тилда беш нусхада ёзилди.

2. Тўрт комплект акт ҳар бири алоҳида ҳолда найсимон қилиб ёшлиб, уч жойдан ишак иш билан боғланди. Ҳар бир ўрам алоҳида маҳсус тайёрланган шиша идишларга солинди. Ҳар бир шиша идишнинг ичига бир томчидан симоб қўйилди. Идишларнинг ичига азот солиниб, упинг очик томони кавшарланди.

3. Ҳар бир шиша идиш маҳсус ясалган мармар ғилофларга солинди ва ғилофнинг қопқоги ганч билан мустаҳкамланди.

4. 1942 йилнинг 16 ва 17 декабрь кунларида, мақбарадаги қабрларнинг қопқоқлари очилди.

5. 19 ва 20 декабрь кунлари қабрларга суюкларни жойлаштириш ишлари олиб борилди. Суюклар қазилган пайтида қандай учратилган бўлса, худди шу тартибда жойлаштирилди. Жасадлар бевосита қабрларнинг тубига қўйилди.

6. Темур, Улугбек, Шоҳруҳ ва Муҳаммад Султонларнинг қабрларига биттадан актлар солинган шишелар жойлаштирилди.

7. Шу ишлар тамом бўлгач, қабрларнинг устидаги ёзувли тошлар қайтадан ўз жойларига, худди аввалгидек ўрнатилиб, гаеч ёрдамида мустаҳкамланди. Мироншоҳнинг қабри устида мармар тош бўлмаганилиги учун у тупроқ билан тўлдирилиб, устига ғашт терилиди.

Юқорида тилга олинган барча ишлар: актларни ёзиш ва имзо-

лаш, жасадларни қабрларга қўйиш жараёнлари ва бошқа ишлар Союзкинохроникасининг Тошкент студияси томонидан суратга олибди. Экспедиция Самарқандда ўз ишларини 1942 йилнинг 21 декабрида тугаллади. Ушбу акт ўрис тилида тўрт нусхада, XIX асрда тайёрланган Қўқон қофозига битилди.

Экспедиция аъзоларининг имзолари.

* * *

Ҳозир танишган ҳужжатнинг 5-бандидан англашилича, хилхонадаги қабрлардан қазиб олинган машҳур тарихий шахсларнинг жасадлари бевосита қабрларнинг тубига, зах ерга қўйилган. Кўпчилик ўйлаши мумкинки, жасадлар шариат қоидаларига биноан, яъни ошиқча нарсаларсиз дағи этилган бўлса керак деб. Афсуски, бундай эмас. Агар шариат қоидаларига биноан дағи этилганда жасадлар ҳеч бўлмагандга кафандарга уралган бўларди. Тўғри, жасадлар турли кимёвий усувлар билан қотирилган. Лекин бу усувлар намнинг таъсирига бардош беришига ким кафиллик беради. Ҳаттони, мўмиёни-асил ҳам сув ва намнинг кучи олдида ожиз қолганлигининг гувоҳи бўлдик-ку. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Амир Темур ва Муҳаммад Султонларнинг жасадлари арчадан ясалган маҳсус тобутларга дағи этилган бўлиб, тобутларнинг оёқлари ва қоңғори тобутга зах киришининг олдини олган эди. Жасадларни қайта дағи этишда қатнашашётганларнинг бирортаси, жасадларни аввалги ҳолидагидек дағиэтайлик, яъни тобутда булганларини тобутга солиб, кафандарга ўрайлик деб айтмайдилар. Қилаётган ишларини ўзларича жуда тўғри деб, қайта дағи қилиш ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекдилар.

Бунинг устига қўшимча равишда, Темур ва Темурийларнинг жасадларини мўмиёланган қисмлари, соч-соқолларининг қолдиқлари, кафандарни ва кийимларининг бизгача етиб келган парчалари қайта дағи этилмасдан, нима мақсадладири олиб қолинади. Юқорида айтганларимиздан хulosса қилиб шуни айтишимиз мумкини, орадан бир неча асрлар ўтиб, келгуси авлодларимиз Темурийлар хилхонасини қайта очганларида, бу ердаги қабрларни бўм-бўш кўришиб, халқимиз пешонасига битган буюк инсонларнинг жасадларини муносиб равишда сақлайолмаганилигимиз учун бизларни лаънатлашлари шак-шубҳасиздир. Келгуси авлодларимиз XX асрда яшаган ўзбекларнинг то 1991 йилгача на келажаги, на ўтмиши ўз қўлида бўлмаганилигини билишиб, уларни кечиришларига умид боғлашимиз бематнилиkdir.

АМИР ТЕМУРНИНГ БИРИНЧИ ХИЛХОНАСИ

Ушбу сарлавҳани ўқиган ўқувчи Амир Темурнинг мақбараси жечта? Унинг бириччи мақбари қаерда?—деб савол бериши табиий. Ҳақиқатан ҳам бу саволлар нафақат оддий ўқувчилар ўртасида, балки кўнчилик тарихчилар орасида ҳам туғилиши мумкин. Чунки Темурийлар даври тарихи шу пайтгача тўлақонли ўрганилмади, кўпгина саволлар ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.

Тарихий маңбалардан маълумки, Амир Темур Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Ҳўжа Илгор қишилоғида таваллуд топган ва унинг ёшлиги Кешда ўтган. Бу шаҳар соҳибқирон учун она шаҳар ҳисобланганлигидан, у умрининг якунидан сўнг ҳам Кешда ётишни ният қилган. Кешда Амир Темурнинг отаси амир Тарафой, онаси Тегина хотун, ўғиллари Жаҳонгир ва Умаршайх ҳамда бошқа яқинлари ётибди. Шу сабабли Темур Кешда ўзига атаб, ажойиб хижона бино қилдирган эди. Лекин замон унинг ниятига ўзининг ўзгартиришини киритди ва Амир Темур муаззам Самарқанд турироғига бош қўйиб, мангу ухламоқда.

Хўш, Шаҳрисабзда Амир Темур учун қурилган мақбара қандай куришишда эди?

Тарихдан маълумки, Темурийлар салтанати инқирозга юз тутганидан сўнг, улар даврида қурилган ажойиб ишоотлар ҳам ёвларнинг қаҳрига учради. Гузал мадрасалар, масжитлар, хилхоналар вайрон қилинди. Бундай аянчли қисматдан Амир Темурнинг Кешдаги хилхонаси ҳам четда қолмади. У аёвсиз равища бузиб ташланди. Шунинг учун бу хилхона ўтган асрнинг 60-йилларигача ернинг тагида кўмилиб, номаълум бўлиб келганди. XIX асрнинг 60-йилларида маҳаллий аҳоли Доруссаодат комплекси яқинида тасодифан ер ости согонасини учратиб қолди. Унинг атрофларини пала-партиш қазишганларидан сўнг, пастда, улуғвор тош тобут куриниди. Шундан сўнг, маҳаллий аҳоли бу тош тобутда қандайдир авлиё дағи этилган бўлса керак деган тахминда, хилхонани иложийлаштира бошлади. Бу хилхонага сифибувчилар, унга бағишилаб хайр-эҳсон қилувчилар ва латта-путталар осиб кетувчилар купайди. Хилхона атрофидаги шов-шуввлар оғиздап-оғизга кўчиб Бухоро амири Музаффарнинг қулогига ҳам етиб борди. Шундан сунг, у Шаҳрисабзга келиб, хилхона атрофини сарбозлар билап ўраб олиб, унинг пичга кириб, тобутни очишга буйруқ берди. Хилхона ичидан ҳеч қандай қимматбаҳо нарсалар топилмаган бўлса-да, халқ орасида шов-шуввлар янада авж олди. Одамлар ўртасида «бу қабрда Амир Темурнинг ўғли Мирзо Жаҳонгир дағи этилган экан, унинг қабридан сон-саноқсиз бойликлар топилибди, тош тобутнинг қопқоғи соғ олтинидан ясалган экан», деган гашлар тарқалди. Инқилобдан сўнг, хилхонани 1933 йилда археолог Я. Гуломов текшириб куриб, бу ерда шак-шубҳасиз Мирзо Жаҳонгир дағи этилган деган хуло-сага келди. Бу ерда археолог М. Массон 1942 йилда такроран иш-

олиб бориб, авваллари маълум бўлмаган янги фактларни қўлга киритди.

Олиб борилган илмий кузатишлардан маълум бўлишича, ушбу соғона бир кишини дафи этишга мўлжалланган бўлиб, тарҳи хочсимондир. Соғонанинг бутун деворлари, поли ва шифти моҳирлик билан ишланган мармартош билан қопланган. Шифти гумбазсизош қилинган бўлиб, деворларнииг гумбазга айланган қисмидан бошлиб, «сульс» усулида арабча имлода битиклар чизилгандир. Соғона деворларнинг юқори қисмидаги мармарнииг ичини бодом шаклида ўйиб, ичига арабча ёзувлар битилгандир. Ёзувларининг мазмуни диний маънода бўлиб, айримлари эса Қуръонда келтирилган оятлардир. Соғонанинг ўртасида мармардан ясалган тобут ўриатилган, тобутнинг устини ёпиш учун эса 11 см. қалинлиқда мармар қопқоқ ҳам ясалган. Қопқоқнинг чеккасига диний мазмундаги ёзувлар битилган. Қопқоқнинг сиртига ёзув битиш учун маҳсус жой қолдирилган. Соғона иҷидаги тобутда кейинроқ кўмилган икки кишининг суюклири сакланган. Тобут қопқоғининг чеккасига битилган ёзувларнииг маъноси қўйилдагичадир: «Пайғамбар айтмишлар: «Аллоҳ уни раҳмат қилсин! Бандаси охиратга риҳлат қилгач, унинг олдига (қабрга), Қора танли ва кўк кўзли икки фаришта келади. Улардан бирининг исми Муинкар, иккинчисиники Накардир. Улар марҳумдан сўрашадилар: Сен пайғамбар ҳақида нималар дегандинг? Агар марҳум мусулмон бўлса, айтадиким, у (пайғамбар) Аллоҳнинг бандаси ва расулидир. Мен Аллоҳдан бўлак тангри йўқлигига, Муҳаммад унииг ердаги расули эканлигига шаҳодат бераман. Улар айтишадиларким, биз шундай жавоб беришинингга ишонгандик. Шундай (саволдан) сўнг марҳумнинг қабри 70 чўзимга кенгаяди. Сўнгра унга айтишади: «Ухла»—деб. У айтиади: «Үйимга қайтишимга ва уз тақдирим ҳақида хабар беришимга рухсат берсангиз». Унга айтишади: «Ухла» ва у ухлайди. У худди келинчакка булган муҳаббатигина уйғота оладиган күёвдек ухлайди. Эй, Аллоҳ, чинакам жанинат бор, дўзах — бор, ҳовуз — бор, пули сирот — бор, маҳшар куни — бор ва ўша куни Аллоҳ ҳаммани — қабрлардагиларни тирилтиради... Мен унда яшайман, унда ұламан, агар Аллоҳ истаса унда тириламан».

Ушбу ёзувлар «сульс» усулида ёзилган бўлиб, Муҳаммад пайғамбарнииг сузларидан кўчириб олингандир.

Амир Темурии дафи этишга мўлжалланган ушбу соғона ўз улугворлиги ва маҳобати, меъморий ечимлари билан Ісадимги Шарқда барпо қилинган шу хилдаги иниоотлар орасида ҳам олдинги ўринларда туради. Унинг ичига кирган кишини, соғона иҷидаги осуда ва аллақаңдай таскин берувчи сукунат чулғаб олади. Инсониятни неча минг йиллардан бўён даҳшатга солиб келаётган ўлим ҳам бу ерда унчалик ваҳимали туюлмайди. Амир Темур учун ушбу соғонани бунёд этган меъмор фоний дунё билан боғлиқ муаммоларни ўга моҳирлик билан ҳал қилганилити кўриниб турибди. Соғонанинг буни-

дай улугворлигидан ҳайратланган М. С. Андреев бир неча йиллар аввал, уни кўчириб олиб, Тошкентга, Санъат музейига олиб бориш лойиҳасини яратган эди. Унинг фикрича, бу ёдгорликни Тошкентга олиб борилса, янада кўпроқ одамлар кўришлари мумкин бўларди. Хайриятки, унинг лойиҳаси лойиҳалигича қолиб кетди.

Шу ўринда бу соғонанинг кўриниши қандай бўлган?—деган савол туғилади. Буни аниқлаш учун соғонапи ўз кўзлари билан кўрганиларнинг сўзларига қулоқ солайлик. Маълумки, испаниялик элчи Руи Гонзалес де Клавихо Самарқандга келиш пайтида Кешда ҳам тўхтаб ўтган. Унинг ёзишича, Темурбек отаси амир Тарагой баҳодир ва ўғли Мирзо Жаҳонгир учун алоҳида-алоҳида мақбара-лар қўрганиларини, шунингдек, Амир Темур ҳам ўзига атаб хилхова қўрдираётганиларини, у ҳали битмаганлигини, бир ойча бу ерда бўлиб, бинонинг пештоғини пастилигидан кўнгли тўлмаган Темур пештоқни бузиб, қайта қуриш ҳақида буйруқ берганиларини ёзган. Шу билан бирга хилхона деворлари ранго-ранг кошиплар билан қопланганиларини, кошипларга олтии билан ишлов берилганиларини ҳам айтиб ўтган. Булардан келиб чиқадиган хулоса шулки, Кешда Амир Темур ўзи учун қўрдирган хилхона худди Самарқанддаги хилхонадек икки қаватли бўлган. Ҳақиқий жасадни пастдаги тош тобутга дағи этиш мўлжалланган ва иккинчи қаватда эса қалбаки қабр ҳам қурилиши лозим бўлган. Афсуслар бўленики, Кешдаги хилхона бузилиб кетганилги учун унинг тепа кисми ҳақида тахмин қилишимиз мумкин, холос.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Шаҳрисабзда Амир Темурнинг отаси Амир Тарагой баҳодир ҳам дағи этилган. Аммо, лекин Тарагойни қайси мақбара га дағи этилганилги ҳақида олимлар ўтасида шу пайтгача яқдил фикр иўқ.

Амир Тарагой хижрий 762 йилда, яъни сичқон йилида вафот этган (1360—61 йиллар) ва у отаси, акалари ҳамда бошқа қариндошлари ётган қабристонга дағи этилган. Амир Тарагой вафот этганида, унинг ўғли Темур ҳали унчалик шуҳрат қозонмаган эди. Шунинг учун, Темур, отаси вафотидан ўн йил кейин Мовароунинар тахтини эгаллагач, отасини бошқа хилхонага кўчиришга жазм этган. Археологлар М. Массон ва Г. Путаченковаларнинг фикрларича, амир Тарагой баҳодирнинг қабри Доруттиловат ансамблидаги биноларнинг бирида жойлашгандир. Унинг пири комили бўлмиш Шамсиддин Кулолнинг қабри Кўкгумбаз масжитининг шарқий кисмидаги мақбарада жойлашгандир. Яқинда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг қадимшунослик институтида археолог Хайрулла Султонов Шаҳрисабздаги XVI—XV асрларда бунёд қилинган обидаларнинг пайдо бўлишига бағишлисанган илмий ишини ҳимоя қилди. Унинг ёзишича, Доруттиловат ансамблига кирувчи ва кўпчилик томонидав Шамсиддин Кулол мақбарами деб аталиб келишаётган хилхонага, Шамсиддин Кулол эмас, балки, амир Тарагой дағи этилгандир. Шамсиддин Кулолнинг қабри эса Доруссаодат ансамблида бўлиш

жерак. Х. Султонов ўз фикриниң күпгина тарихий маълумотлар ва археологик тадқиқотлар билац исботлагап. Бизнинг фикримизча, бу илмий баҳс ҳали ўзишиңг тұлық ечимиши топған әмас ва бу соҳадаги илмий ишлар ҳали давом этиши керак.

Шу үриңда амир Тарагойнинг пири бўлмиш Шамсиддин Кулол ҳақида тұхталиб ўтиши лозим тоңдик. Қитобларда Шамсиддин Кулол ёки Кулор, Кулол Фахурый деб ёзиладиган ҳурматли шайх Бухоро вилоятининг Сухари қишлоғида таваллуд топған. Моваро-унинахрдан то Маккагача пиёда ҳажга борпб келған шайхнинг обруси ҳалқ орасида жуда баланд бўлган. Тарагой баҳодирниңг вафотидан сўнг, ўғли Темур ҳам Шамсиддин Кулолга катта ихлос қилиб ўзига пири комил қилиб танлаган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур ҳали эндигина мустақил фаолият сари қадам қўяётган вақтида шайхни зиёрат қилиб, кўнглини олмоқчи бўлган. Шайхнинг олдига қуруқ боришии ўзига эп кўрмаган Темур, эгнидаги ягона чакмонини пуллаб эчки сотиб олган. Арзимас эҳсон билан борганилигига қарамай Темур ўзини тутиши, муомаласи ва шайхга бўлган самимий ҳурмати туфайли, унинг эътиборига сазовор бўлган. Темур ўзининг кўпгина зафарларини Шамсиддин Кулолнинг дуолари билан боғлаган. Маълумотларга қараганда, шайх Шамсиддин Кулол 1370—71 йилларда жуда кексайиб вафот этган ва Кешда, иззат ҳурмат билан дағи этилган.

Шамсиддин Кулол ва амир Тарагойнинг дағи этилган қабрлари қаердалиги кўпгина баҳсларга сабаб бўлган бўлса, Темурнинг катта ўғли Жаҳонгирниңг қабри ҳақида барча олимларнинг фикрлари бир хилдир.

Хижрий 777 йилда (1375—76 йиллар), Самарқандда оғир қасалликдан йигирма ёшида вафот этган Жаҳонгир Кешдаги Доруссаодат ансамблига киравчи мақбарага дағи этилган. Темур ўғлиниңг бевақт ўлимига жуда қаттиқ аза тутган. Бутун қўшин қора ва кўк либослар кийган, Самарқанд шаҳрининг аҳолиси ҳам шаҳзоданинг ўлими муносабати билан мотам либосини кийганлар. Шаҳзоданинг жасадини дағи этиш учун, бобоси ва бошқа қариндошлари ётган Кешга олиб бориб дағи этганлар. Сўнгра Темур ўғли учун ҳашаматли хилхона бино қилдирган ва унинг жасадини кўчириб, қайта дағи эттиргап. Катта ўғли Жаҳонгирниңг ўлимидан сўнг, орадан 17 йил ўтгач, Амир Темур яна айрилиқ дардига дучор бўлди. 1393 йили, курдлар билан бўлган қаттиқ жаңг пайтида иккинчи ўғли Умаршайх, 29 ёшида ҳалок бўлди. Унинг жасадини Шероздан, карвонлар билан Шаҳрисабзга олиб келдилар ва акасининг ёшига дағи этдилар. Шундай қилиб, Кешдаги Доруттиловат ва Доруссаодат ансамблларига киравчи хилхоналар Темурийлар ва уларнинг пирлари дағи этиладиган қабристонга айланди. Бундай улуғвор обидаларни дунёга келишила Амир Темур ва улуғ олим Мирзо Ўлугбекларнинг ҳиссалари жуда катта бўлди.

ҚАДИМГИ ЖАҲОНГИРЛАР ҚАНДАЙ ДаФИ ӘТИЛГАНЛАР?

Инсоният ўз тарихи давомида ҳаёт билан ўлим ўртасидаги фарқи ни узил-кесил аңглаганидан сўнг, ўлим ҳақ эканлигига иймон келтирган киши абадул-абад уйқуга бош қўйинши тушуниб, марҳумларга атаб хилхоналар қуришга киришди. Ҳаётда тенглик бўлмаганидек, улемидан сўнг ҳам табақаланиш пайдо бўлди. Оддий кишилар оддий қабрларга, шоҳлар шоҳона хилхоналарга дағи әтиладиган бўлди. Шу бугунга қадар инсоният тарихида қурилган хилхоналар ичидаги энг улуғвори — Миср аҳромларидир. Қадимги мисрликлар томонидан қурилган бу аҳромлар, инсоният яратган етти мўъжизасинг энг биринчиси сифатида тан олинган. Аҳромлар узоқ йиллар давомида юз минглаб кишиларниң машакқатли меҳнатлари оқибатида барпо қилингандир. Аҳромларда Миср фиръавилари дағи әтилган. Мисрликларниң тасаввурлари бўйича, подшоҳлар худонинг ердаги вакиллари ҳисобланган, шунинг учун уларга катта иззат-икром курсатилиб дағи әтилган. Бафот этган подшоҳларниң жасадлари мўмиёлашиб, олтин ёки тош тобутларга солиниб, сонсаноқсиз бойликлар билан дағи әтилган. Мисрда илк аҳром Фиръави Жосер учун қурилган бўлиб, борлигича оппоқ оҳактошлардан иборатдир. Энг юксак аҳром Хеопс аҳроми бўлиб, баландлиги 147 метр бўлган.

Миср аҳромларининг улугворлигини кўрган киши беш минг йиллар аввал, инсоният ҳали техниканинг юксак чўққиларини эгалламаган пайтда, қандай қилиб қурилган экан дея ҳайратга тушади. Шунинг учун ҳам олимлар ўртасида бу аҳромларни барпо қилинishi ҳақида бир хил фикр йўқ.

Мисрлик подшоҳлар тошлардан қалангандай юксак аҳромларга дағи әтилган эканлар, юнонистонлик жаҳонгир Александр Македонский қандай дағи әтилган? — деган савол туғилиши мумкин. Инсоният тарихида ўтган улкан фотиҳлардан бири, македон подшоси Филипп II нинг ўғли Александр Македонский (Шарқ тарихида Искандар Зулқарнайн номи билан машҳур) Аристотель каби доинишманднинг таълимини олган, жасур ва довюрақ саркарда Туроя ерларига ҳам қадам босган. Эркесвар ота-боболаримиз унинг лашкарлари билан эрк жантига кирганлар. Қиқса вақт мобайнида улкан майдонларни босиб олишга муваффақ бўлган фотиҳнинг умри ҳам жуда қисқа бўлди. У ватанидан узоқларда, эрамиздан олдинги 323 йилнинг 13 июнясида Вавилонда, сирли ҳолатда вафот этди. Кутимаганда Искандарниң вафот этиши унинг ҳамроҳлари, лашкарбошлирини анча шошириб қўйди. Улар ўртасида жаҳонгирни қаерга, қандай қилиб дағи этиши ҳақида қизғин тортишувлар бошланиб кетди. Баҳслар бирёзлик бўлгунча, жасад иссиқдан бузилмаслиги учун уни асалининг ичига солиб қўйдилар. Бу баҳсларниң асосий қисми ҳокимиятни бўлиб олишга бағишланган бўлиб, марҳум фотиҳни дағи этиш ҳеч кимни ташвишга солганий йўқ эди. Кутимаганда,

Искандарнииг сафдошларидан бири Аристандринг уйқусида күргаң туши воқеаларни шиддат билан үзгаришига олиб келди. У тушида худо Искандарнииг жасади қаерда дағы этилса үша юртнинг ҳокимининг иши юришиб кетиб, баҳт-саодатта эришишини айтганлигини ҳаммага ҳикоя қилди. Шундан сұнг, Искандарнииг жасади талаш булди. Ҳар бир ҳұммдор Искандарни үз юртига дағы этишип истағ қолди. Искандарнииг үзи эса үлеми олдидан, қимматбақо узугини лашкарбоши Пердиккага берар әкан, үзини Сива өзөсига дағы эттиришини васият қылған әди. Аммо бу лашкарбоши Искандарнииг васиятини амалга онырмади ва жасадни Юонистонга олиб бориб, дағы этиши мұлжаллади. Мархұмни мүмиёланғаш жасади-ни олтин тобутта солиб, карвон Ҷонистон сари йўлга отланди. Аммо, карвонни Суряяд Птоломей томонидан юборилған лашкарлар қувиб бориб, жасадни Мисрға олиб боришни буюрдилар. Улар бу ҳаракатларини, Искандарнииг васияти шундай бўлган әди деб оқладилар. Бундан қаттиқ ғазабланған Пердикка яна жаҳонгирнинг жасадини қўлга киритишига ҳаракат қилди. Буни олдиндан сезган Птоломейнинг одамлари ҳийла ишлатдилар. Улар Искандарга үхшаш катта қўғирчоқ ясад, унга шоҳопа либослар кийгиздилар ва қўғирчоқни олтин, кумуш, фил суюгидан безалған ажойиб таҳтиравонга солдилар. Искандарнииг жасадини эса ортиқча ҳашамларсиз, камқатнов йўлдан олдинга жўнатдилар. Пердикка бошлиқ лашкарлар эса карвонга ҳужум қилишиб, қўғирчоқ солинган таҳтиравонни қўлга киритдилар. Шундан сұнг унинг күнгли хотиржам бўлиб, бемалол Юонистон томонга йўл олди. Пердикка алданғанлигини анча кеч билиб қолди. Птоломей Искандарнииг жасадини дастлаб коҳиплар шаҳри Мемфис шаҳрига дағы эттирди. Икки йилдан сұнг олтин тобутта солинган Искандарнииг жасади қайиқда Нилдарёсидан ўтказилиб, Ўрта ер деңгизи қирғоғидаги Искандария (Александрия) шаҳрига дағы этилди. Искандарнииг жасади ўғирланишидан жуда қўрқап Птоломей, уни ниҳоятда усталик билан дағы эттириди, ҳозиргача бирор киши қабрнинг ўрнини билмайди. Шу давргача, Искандарнииг қабрини топишга кимлар уринмади, дейсиз. Не-не тарихчилар, археологлар бу жумбоқни ечишга уринмадилар. Шунинг учун бу ҳақда ҳар хил, бир-бирини тұлдирадиган, инкор қиласынан Фикрлар, тахминлар ўртага ташлашди. Шундай тахминларнинг бирида, Искандария шаҳрининг ҳокими, ёлланма аскарларига ҳақ тұлапта пули етмай, жаҳонгирнинг олтип тобутини эритганлыгини, бундан хабар тошган искандарияліклар қаттиқ ғазабланиб, ҳұммдорларини ўлдириғанларды айттылган. Яна айтилишича, шаҳарликлар тобутсиз қолған Искандарни төғ биллуридан ясалған тобутта солиб дағы этганларды айтилган. Давр тұғонлары туғайли Искандарнииг тобути яна шомаълум бўлиб қолди. 1850 йили жаҳонда яна бир янгилик яшин тезлиги билан тарқалди. Бу хабарда Искандариядаги рус элчихонасиның коровули Наби Даниэл масжитининг ертұласыда биллур тобутда, шохона либосларда

ётган ёш йигитнинг жасадиниң кўрганилиги айтилганди. Аммо, бу ерга келганлар ҳеч нарсани тополмадилар. Қозон дорилғунунининг профессори А. С. Шофманнинг ёзишича, Искандарниң қабрини излаб ва америкалик археологлар ҳам илмий экспедициялар уюштирганлар. Аммо, ҳали ҳеч кимга баҳт кулиб боққанича йўқ. Излашиллар эса давом этмоқда.

Инсоният тарихида катта из қолдирган яна бир жаҳонгир — Чингизхоннинг дағи этилиши ҳам гоят сирлидир. Дунёда етмиш икки йил умр кўрган, турли туман давлатларни босиб олиб, неча минглаб одамларнинг умрига зомин бўлган фотиҳ ўлимдан жуда жуда кўрқарди. Умри аста-секин туғаб бораётган Чингизхон қандай қилиб абадий яшаш мумкин деган саволни қечаю кундуз ўйлай бошлади. Унинг яқинлари ҳам ҳукмдорларининг умрини қандай қилиб абадий қилиш ҳақида жон куйдира бошладилар. Кунлардан бир куни Чингизхон, Хитойда яшовчи даос монахи Чан Чунь абадий яшаш сирини билар экан, деган хабарни эшилди ва тезлик билан уни топиб келишини буюрди. 1222 йилнинг 16 майида Чан Чунь Шимолий Хитой, Мугулистон, Шарқий Туркистон ва Еттисув орқали узоқ, машақатли йўл босиб, Амударё қирғоқларида турган Чингизхоннинг олдига етиб келди. Мўғуллар ҳукмдори сабрсизлик билан монахни сўроққа тутди:

— Эй, авлиё одам! Сен узоқлардан йўл босиб келдинг! Айтгипчи, ҳаётни абадий қилувчи қандай дориларинг бор?

— Ҳаётни сақлайдиган дори бор, лекин абадий ҳаёт баҳш эта-диган дори эса йўқ,—деб жавоб берди монах.

Монахнинг жавоби ҳеч қандай саволга ўрин қолдирмади. Чингизхон ҳам, умри, бу оламда яшаб ўтган миллионлаб одамларнинг умри каби якунланишини ич-ичидан тушунди ва қолган умрини яна қўпроқ ерларни босиб олишга сарф қўймоқчи бўлди. Биринчи навбатда у, ўзига бўйсунмаган Таңгутлар давлатини босиб олишини ният қилди. 1225 йилнинг ноябрь ойида Чингизхон ўз қўшинларини таңгутлар юртига сўнгги марта бошлаб борди. Лекин ўлда, ёввойи отларни овлаш пайтида ҳукмдор отдан йиқилиб, қаттиқ лаг еди. Унинг иситмаси кўтарилиб, аҳволи оғирлашгач, лашкарбошилар урушни кечиктиришга қарор қилдилар. Аммо Чингизхон бунга кўпмади, у тезроқ душманларини адабиии бериб қўймоқчи бўлди. 1227 йилнинг ёзига келиб, таңгутлар давлати деярли ҳалокатга учраб бўлганди. Мўғуллар таңгутлар пойтахтини деярли босиб олганларида, Чингизхоннинг соғлиги жуда ёмонлапди. Чингизхон ўз яқинларига, ўлими ҳақида ҳеч кимга айтиласликларини, йиғи-сиғи қилмасликларини, зинҳор-базинҳор душманларга билдирамасликларини, таңгут ҳукмдори ва пойтахт фуқароси шаҳардан чиқишлари билан қириб ташланшини буюрди.

Чингизхон 29 август куни (1227 йил) оламдан ўтди. Ҳақиқатан

ҳам унинг ўлими қаттиқ сир тутилди. Тангутликлар таслим бўлишиб шаҳардан чиқиплари билан уларни қириб ташладилар. Шундан сўнг, тангутлар пойтахти Си Ся шаҳри деворлари ёнига Чингизхон учун мақбара барпо қилинди. Лекин бу мақбарада мўғуллар иодшоҳи дағн этилмади. У қаерда дағи этилганлигини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун бугунги кунда бир неча хил тахминлар мавжуд. Мўғуллар тарихи йилномасини ёзиг қолдирган тарихчи Рашиддиннинг ёзишича, мўғуллар Чингизхон жасадини тобутга солиб, тангутлар давлатининг пойтахти Си Сядан Мўғулистонга, иодшоҳ ўрдаси томон йўлга тушганлар. Мўғуллар йулда учраган на бирор одам, на бирор жоноворни тирик қўймаганлар. Жасадни Чингизхон ўрдасига олиб келганларидан сўнг, шаҳзодалар, лашкарбонилар, амирлар ва лашкарлар қаттиқ аза тутганлар. Мотам маросими тугагач, уни бенёён чўлга дағн этдилар. Дағи пайтида қатнашган барча бегоналар қириб ташланди. Шунинг учун унинг қабри номаълум бўлиб қолди.

Сайёҳ Марко Полонинг ёзишича, барча мўғул хонларини, Чингизхон авлодларини Олтой тоғларида дағи этганлар. Улар Олтойдан қанчалик узоқларда вафот этганларига қарамасдан, барибир уларнинг жасадларини Олтойга элтиб дағи этганлар. Мўғуллар дағи карвони йўлида учраганларни ва кузатиб борганларни қилич билан ўлдириб: «Нариги дунёга бориб бизнинг ҳукмдорга хизмат қил», дея қўшиб қўйганлар. Улар бунга ҳақиқатан ҳам ишонганилар ва шунинг учун энг яхши отларни ҳам ўлдириб, марҳум хон билан бирга дағи этганлар. Чингизхон тарихини ёзиг қолдирган Жувайнининг ёзишича, мўғуллар Чингизхоннинг қабрига 40 та гўзал қизни ҳам ўлдириб дағи этганлар. Хуллас, тириклигига неча минглаб одамларнинг қонини тўккан Чингизхон, ўлимидан сўнг ҳам яна минглаб одамларнинг ўлимига сабабчи бўлди. Чинхизхоннинг қабрини излаб топиш мақсади-да, қанча-қанча олимлар тер тўклилар. Лекин ҳали бирор олимга бундай кашфиётни амалга ошириш насиб қилгани йўқ. Ҳозирда япон олимлари билан мўғул олимлари ҳамкорликда, энг замонавий асбоблар билан қуролланиб, Чингизхоннинг қабрини излашга киришдилар. Бу экспедициянинг бир йиллик меҳнати ҳеч қандай янгилик олиб келмади. Ҳали олдинда янги изланишлар бор. Балки биз яқин орада инсоният тарихидаги яна бир жаҳонгирнинг суюкларини кўришга муяссар бўлармиз.

ҚАДИМГИ ТУРОНЛИКЛАРНИҢ ДАФИ МАРОСИМЛАРИ

Тарихдан маълумки, ҳар бир қабила ёки ҳалқининг дағи маросимлари улар эътиқод қиласынан дағы мөлдөм бир диннинг таъсири остида шакланади. Шунинг учун ҳам қадимги Туранда ҳар бир даврда амал қилингандай дағи маросимлари, аждодларимиз эътиқод қиласынан дағы мөлдөм динлар билан бөллиқтеп. Шу сабаб энг қадимги даврда яшаган аждодларимиз құллаган дағи маросимлари ҳозирғи пайтдаги дағи маросимларидан кескин фарқ қиласы. Туранда ҳали якка, кучли, умумдик мағжуд бүлмаган пайтда, аждодларимиз тасаввурдағы үлім қўйидагича әди: Марҳум үлган кунидан бошлаб, бошқа оламда яшашга ўтган ҳисобланарди. У оламда ҳам худди бу ҳаётдагидек ҳамма нареа бир-бирига ўхшаш деб тасаввур қилинганди. Шу ақидадан келиб чиққан ҳолда, мархұмларниң ёнларига турли хилдаги, суюқ ва қуюқ овқаттар, тақиңочқалар, безаклар ва қурол-яроқлар қўйилған. Агарда үлган киши ҳунарманд бўлса у билан бирга ҳунармадчилик қуроллари, агарда жангти бўлса, қурол-яроқлари қўшиб дағи этилған. Яна шу нарсанни айтиб ўтишимиз керакки, қадимги пайтларданда ҳаётда ва үлімда ҳам табақаланини бўлған. Бу нарса археологик қазишилар пайтида якъол қўзга ташланади. Бой-бадавлат кишиларниң қабрларига жуда кўплаб идишларда озиқ-овқаттар қўйилған. Камабағалларниң қабрларидан эса бир-иккитагина овқат қўйилған идип топилған.

Қадимда мағжуд бўлған одатга кўра, агарда қабиладаги бирор киши юртидан узоқларда вафот этиб, қабиладошлари унинг жасадини топиша олмаса, ўша узоқларда вафот этган, ёки номаълум шароитларда ўлиб, жасади топилмаган кишининг шаклини лойдан ясад, атроғига овқатлар қўйиб дағи этганлар. Бу ҳолатда ҳам үлган кишининг иқтисодий аҳволи ҳисобга олинганди.

Инсоният тарихидаги илк пайғамбарлардан бири Заратуштра дунёга келиб, оловга эътиқод қилинадиган янги динни тарғиб қила бошлаган пайтидан сүнг, туронликларниң дағи маросимларидан ҳам ўзгариш бўлди. Оловнастларниң ақидасига кўра тупроқ, олов, сув ва ҳаво муқаддас ҳисобланған. Одамнинг танаси эса ҳаром ҳисобланған. Шу сабаб улар үлган одамнинг жасадини бевосита ерга дағи этиб, муқаддас тупроқни ифлос қилишданд қурқишиб, жасадини маҳсус идишларда — союлдан ясалған турли туман шакли оstadонларга солиб дағи этганлар. Остадонларниң кўришини одатда одам, ҳайвон, кана ва ўйларниң шаклида бўлған. Марҳумларниң жасадлари маҳсус жойларда этидан тозаланған. Бу мақсадларда ўргатилған итлардан, құшлардан фойдаланилған. Суяклар солингандай оstadонларни эса алоҳида хоналарга тартиб билан териб қўйғандар. Ўзбекистон майдонидаги ёдгорликларни қазищ пайтида жуда кўплаб оstadонлар топилған.

Туран заманинга янги дин — ислом дини ёйилиши билан аждодларимизниң дағи маросимларидан ҳам катта ўзгаришлар содир

бўлди. Ислом дини ақидаларига кўра, марҳумларни қабрга ҳеч бир опиқча нарсаларсиз дафи этиш жорий этилди. Маълумки, ислом динига кўра, марҳумлар тирик пайтида қилган хизматларига кўра жашнатга ёки дўзахга жўнатилади. Жаниатда ҳамма нарса муҳайё, дўзахга тушгандарга эса ҳеч бир нарсанинг кераги йўқ, у ердагилар абадул-абад азоб-уқубатларга маҳкумдир.

Туркистонга янги дин — христиан дини бу ерини пифеол қилган христианлар томонидан, XIX асрнинг иккичи ярмидан бошлаб ўйилганидан сўнг, айрим туркистонликларнинг дафи маросимларида ҳам ўзариги юз берди. Айрим раҳбарларни гўёки янгича дафи этиш маросимлари билан кўмдилар. Аслида бу маросим христиан дини ақидаларидан келиб чиқиб жорий этилгани эди. Хайриятки бу одат оддий халқ орасида жорий этилмади. Оддий халқ минг йилдан ошиқ вақт давомида туркистонликлар амал қилиб келаётган, мусулмонча дафи маросимлари билан сўнгги йўлга кузатиб қўйилди.

ТЕМУРИЙЛАР ХИЛХОНАСИННИГ БАРПО ЭТИЛИШИ

Ўз гумбази остида Туронининг улуғ фарзаидларини бағрига бўсиб ёттац, муаззам Самарқандда барпо қилинган ўрта асрлар меъморчилигининг бетакрор ва бетимсол ноёб дурдоаси бўлган — Темурийлар хилхонасининг барпо қилинини ҳақида ҳам олимларимиз ўртасида турли хил баҳслар мавжуд. Бу баҳслар, Темурийлар даврида ёзилган тарихий китоблардаги фактларни турлича шарҳлаш оқибатидан келиб чиқсан бўлиши керак. Очиғини айтганда, бу баҳслар бугун ҳам узил-кесил ҳал бўлганича йўқ. Тарихий маибалардан маълумки, дастлаб, Амир Темурнинг Самарқандда ўзига ва яқинларига атаб хилхона бунёд қилиш нияти бўлмаган. Шу сабаб, отаси, ўғиллари: Мирзо Жаҳонгир ва Умаршайхларни Кешда дафи эттирган, ўзига ҳам у ерда хилхона бунёд қилдирган.

Лекин Амир Темур Самарқандни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига айлантирганидан сўнг, бу ерда Темурийларга атаб улкан хилхона яратишни ҳам ният қилган. Шу сабаб у бевақт вафот этган суюкли набираси, таҳт вориси Муҳаммад Султонни Кешга, отаси Мирзо Жаҳонгирнинг ёнига эмас, Самарқандда дафи эттиришини ва бу ерда янги хилхона қуришни буюрди. Муҳаммад Султон вафот этганида, Самарқандда маҳсус хилхона йўқ эди. Темурийлар хонадонига мансуб аёллар Шоҳизинда қабристонига дафи этилар эди. Самарқандга олиб келинган Муҳаммад Султоннинг жасадини дастлаб, шаҳзоданинг ўзи томонидан қурилган хонақоҳга дафи этдилар. Тарихий ва археологик маълумотларга қараганда Муҳаммад Султон томонидан барпо қилинган мадраса ва хонақоҳ ҳозирги Амир Темур хилхонасининг ёнида жойлашган. Бу мадраса жуда кўркам бўлиб, унинг 28 ҳужраси бўлган. Мадрасада талабалар учун

дарсхона ва бу жойга дағы этилганларнинг руҳлариға Қуръон тилюват қилиб туриш учун 10 та қори ҳам истиқомат қилган. Шарафиддин Али Яздининг ёзишига кўра, сафардан қайтиб, суюкли набирасининг қабрини зиёрат қилиш учун Муҳаммад Султон мадрасасига келган Амир Темур шу ерда, шаҳзода учун гумбазли мақбара бино қилишини буюрган. Бинони сифатли гиштлар ва мармардаш кутаришиб, гумбаз юзасини олтин ва ложувардлар билан зийнатлангар. Марҳумни дағи этиш учун бино остига сардобасимон бино қурганилар. Амир Темур Ўтрорда қуқисдан вафот этганда, ҳали хилхона батамом битмаган эди. Шунинг учун соҳибқироннинг жасадини ҳам вақтинча набираси ёнига, хонақоҳга дағи этилганлар. Хилхона батамом битганидан сўнг, Темурнинг «асиятига» кўра, Андажойдан унинг пири Мир Саййид Бараканинг жасадини олиб келишиб, бирин-кетин пирнинг, соҳибқироннинг ва шахзоданинг жасадлари дағи этилган. Амир Темур ва Муҳаммад Султонларнинг қабрлари очилганидан қабрларнинг тузилиши, тобутлар бир хил эканлиги маълум бўлди. Гарчи Мир Саййид Бараканинг қабри очилмаган бўлса-да, унинг қабртошини ҳам Амир Темур ва Муҳаммад Султонларнинг қабртошларини ясаган уста тайёрлаганлиги шундоқ куриниб турибди. Буларнинг барчаси, тарихий манбаларда айтилган гапларни тасдиқлаб турибди. Бу ерда хилхона буниёд этилганидан сўнг, аввалданоқ қурилган мадраса ва хонақоҳ ўз мавзеини ўқота бошлиган. Тарихчи Малихонинг ёзишига кўра, мадраса ва хонақоҳ XVII асрларда ёки вайронга ҳолатида бўлган. Бугунга келиб эса, бу ерда қачонлардир кўкка буй чўзиб, шаҳарнинг кўркига кўрк кўшиб турган мадраса ва хонақоҳ тагзамини, яъни пошевори сақланиб қолган, холос. Амир Темур хилхонасиининг ичига 9 та киши дағи этилган бўлса, унинг ҳовлисига эса Темурийлар хонадонига оид 20 дан ошиқ киши дағи этилган. Лекин шафқатсиз вақт шамоли ва тўзонлари натижасида бу қабрлар сақланмаган. Қачонлардир уларнинг қабрлари устига қўйилган мармар қабртошлар бугунти кунда хилхона ҳовлисида турибди.

Соҳибқирон Амир Темур таҳтини эгаллаган буюк олим Мирзо Улугбек ҳам бобосининг бунёдкорлик ишларини давом эттириб, янги-янги бинолар қурдирди. Бобосининг хилхонасига қайта ишлов берди, айрим ўзgartиришлар киритди. Хилхонага Шоҳруҳ, Мироншоҳ ва Улугбеклар дағи этилгач, энди бу ер Темурийларнинг оиласини хилхонасига айлашди. Бу ерга Мирзо Улугбекдан сўнг бошиқ одал дағи этилмади.

Темурийлар салтанати инқирозга юз бургач, тарих саҳнасига кутарилган Шайбонийлар Самарқанддаги обидаларга, жумладан Темурийлар хилхонасига уччалик ғамхўрлик қилмадилар. Орадан анча вақт ўтгач, хилхонага бобурий шаҳзода, Шоҳ Жаҳоннинг уччини ўғли, Ҳиндистон ҳукмдори Аврангзеб ғамхўрлик кўрсатди. У буюк бобокалони ётган хилхона анча қаровсиз қолганлигидан қаттиқ куюниб, катта миқдорда маблағ жўнатди. Аммо бу маблағ-

нинг анча қисми талон-тарож қилинганлиги учун хилхонани таъмирлашга камгина қисми сарфланди. Аммо узок Ҳиндистонда туриб, Самарқанддаги хилхонаага доимий равишда гамхўрлик қилиш жуда оғир эди. Шунга қарамай, Авраангзебининг буюк бобокалони Амир Темурийнинг хотираси учун қылтани гамхўрлиги мақтовга сазовордир. XVIII—XIX асрларга келиб, Туркистонда бошлапиб кетган ўзаро урушлар түфайли ҳалқлар ниҳоятда қашлоқлашиб кетди. Тарихий обидалар билан ҳеч кимниг иши бўлмади. Шу пайтларда, Амир Темур хилхонаси гумбази устига ўрнатилган думалоқ, соғ олтиндан қўйилган қубба ҳам ўғирланди.

Туркистон Россия томонидан босиб олингач, бу ердаги тарихий обидаларниң тақдирида ҳам анчайин ўзгаришлар юз берди. Туркистондаги осори-атиқаларнинг янги мухлислари пайдо бўлди. Улар ёдгорликларининг энг ноёб бўлакларини ва бошқа қисмларини узок-узокларга ташиб кета бошладилар. 1895 йилда Н. Веселовский бошчилигидаги экспедиция аъзолари маҳаллий чор маъмурлари билан келишиб, Темурийлар хилхонасининг нафис безакли, нақшиникор эпиграфи Санкт-Петербургга олиб кетдилар. Хилхонанинг гарбий томонидаги эшик ҳам ўғирлаб сотилди. Ҳозир у Лондондаги Виктория ва Альберт музейида сақланаяпти. 1903 йили император Александр III нинг музейи учун Темурийлар хилхонасининг ойнасидан бир қисмини жўнатищ сўралди. Махаллий тўралар бу итиносни аъло даражада бажардилар: ойна қупорилиб, зудлик билан Санкт-Петербургга жўнатилди. 1905 йилда хилхона пештоқидаги нафис ёзувли лавҳа ўғирланди ва 1906 йилда Константинополда сотилди. Уни Берлиндаги Фридрих-Музеумнинг директори Т. Боде ун минг франкка харид қўлди. Элчилик ёзишмаларидан сўнг, лавҳа Россияга қайтарилиди. Ҳозирда у Давлат Эрмитажида сақланмоқда. Лавҳада: «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг қабри, худо уни раҳмат қилсан ва абадий жаиннатга мушарраф бўлсан» деган ёзув битилган. Агарда юқорида айтилган ноёб дурданалар ўз жойига қайтарилса, нур устига аъло нур бўларди.

Темурийлар хилхонасини ҳукумат экспедицияси томонидан очишлиши тафсилотлари билан кизиқиб, кўп адабиётлар, архив ҳужжатлари билан танишиб чиқдим. Шу мақсадда, экспедициянинг барча тошилмалари ва ҳужжатлари сақлаш учун топширилган Ўзбекистон Фанлар Академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти қошидаги Алишер Навоий помли адабиёт музейига ҳам бордим. Мен институт раҳбарлари ва музей ходимларига ўз мақсадимни тушунтирдим. Улар менга ёрдам бериш учун астойдил ҳаракат қилишибди. Музей ходимлари анча изланишлардан сўнг, қоғоздан ясалгап, ажнабий виноларни солишга мўлжалланган кутини келтирдилар. Қути ичида нарсаларни кўриб, тўғриси ҳайратдан қотиб қолдим. Мен бундай ҳолни ҳаттоқи тасаввур ҳам қилмаган эдим. Қути ичида Темурийлар хилхонасини очиш жараёнида олипган суратлар, Амир Темурнинг соқоли, сочи ва кипригининг қолдиқла-

ри, каған ва тобут устига ёпилған мато нарчалари, Мирзо, Улугбек қабридан тоңилған кийим-кечакларининг қолдиклари ва Шохрух, Мирониоҳ, Муҳаммад Султонларининг мўмиёланған мускулларининг парчалари бор эди. Лекин экспедиция қатнашчилари томонидан тузилған ҳужжатларни эса бу ердан тоғанининг иможи бўлмади. Таи олини керакки, бу нодир, улуг, муқаддас бўлған нарсалар ўз кимматига ярама дикқат эътиборда эмаслиги яққол кўришиб турибди. Кўтишининг бирор жойида бирорта ёзув ёки белги ҳам йўқ. Соҳибқиронининг арчадан ясалган тобутини Археология институти таъмирчилари тиклаган эдилар, ҳозирча эса тобут Самарқандда тарих музейида сақланмоқда. Ўша тобутининг қопқоги эса, Муҳаммад Султонининг тобути билан бирга Тошкентдаги Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейида, қандай тоңилған бўлса, шундайлигича, таъмирланмасдан ётган эди, яқинида ушбу қопқоқ ва Темурийларининг қабрларидан олиниган айрим нарсалар Тошкентдан Самарқандга келтирилди.

Тўғри, бундай кўнгилсан ҳоллар учун фақат музей ходимларини айланаш адолатсизлик бўларди. Негаки, Темур ва Темурийларга нисбатан ҳақоратомуз муносабат аслида жуда юксак даврларда туғилиб, сўнгра настга кўрсатмалар сифатида тарқалған эди. Агар уларни айримлари хакида гапиравлигига бўлсак, бунинг замирида айрим кимсаларнинг лавозимларини қандай бўлса ҳам сақлаб қолиш учун собиқ марказдан берилған ҳар қандай кўрсатмаларни сўзсиз, содиқлик билан бажариш ётганилигини кўришимиз мумкин. Темур ва Темурийларга, қолаверса халқимизнинг узоқ ўтмишига қора чаплашида, бир пайтлар Ўзбекистон халқлари мафкурасининг хушёр посбони бўлған Рафиқ Нишоновининг ҳиссаси жуда каттадир. Бу ҳақда унинг ўзи ҳам фахрланиб гапиришини яхши кўради. Р. Нишонов «Известия» рўзиомасининг қўнимичча нашри «Союз» ҳафтаномасининг 1990 йилги 1-сонигда шундай ёзган эди: «Миллатчилик ияятлари билан Рашидов Темур каби ўтмишининг қонхўр босқиничиларини улуғлашга кўмаклаша бошлади. Эсимда, ўртамиизда жуда жаҳдий тортишувлар бошланди. Мен ўз нуқтаи назаримни Марказий Қўмитада қаттиқ ҳимоя қилдим. Рашидовининг шубҳали ҳаракатлари ҳақида КПСС Марказий Қўмитасига, Суслов, Понамарев, Демичев, Капитоновларга хабар қилдим. Улар менинг ҳикоямни хайрихоҳлик билан эшитдилар, ҳаттоқи менинг бергани баҳоларимга кўшилдилар. Бу мен учун ҳеч кутилмаган ечим билан тугади; менни КПСС МИДининг чет эл билан ишлайдиган кадрлар бўлимига чақиришиб, СССРнинг Цейлондаги әлчиси бўлиб ишлапни таклиф қилинди». Бундай нозик хабарга Москва ҳам дарҳол эътибор берди. Шу сабаб бўлса керак, 1969 йил Самарқандда бўлған Темурийлар даври санъати ва маданийтига багишланган халқларо илмий айнуман ими-жимида ўтди. Бу айнуманга жаҳоннинг турли бурчакларидан машҳур олимлар келишиб маъруза қилған эдилар. Афсуски, бу маърузаларни ҳеч ким жамлаб, китоб ҳолида нашр эттирмади.

Шунчак мөхнатлар зое кетли. Орадан унча күп вақт ўтмасдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси феодал ўтмишини ўрганишга қарши маҳсус қарор чиқарди. Шундан сўнг, Темурийлар даври тарихини ўрганишга чек қўйилди. Шу даврга оид тарихий асарларни ўзбек тилида нашр қилини ҳам таққа тұхтатилди. Темур ва Темурийлар даврини ҳаққоний ўрганишга бел болгаган Иброҳим Мўминов каби ҳалол олимлар тазиикда учради. Айни шу пайтда Темурийларга жа үмуман халқимизнинг бой ўтмиш тарихига мағзава тұкувчиларниң ошиги олчи бўлди. Р. Нишоновининг халқимиз ўтмишига нисбатан қылган «хизмати» кўпгина тарихий обидаларнинг қисматида ҳам кatta из қолдирди. Бу айниқса, Шахрисабздаги Темурийлар томонидан барпо қилинган обидаларда яққол кўрилади. Улар шу даражада хароб аҳволга тушиб қолганки, уларниң ҳолини кўриб, «буюк боболаримиз аслида шуларни барпо қилмаганларида яхши бўлармиди», деб ўйлаб қоласан. Шахрисабздати Амир Темур хилхонасининг устига қурилган иштоотни кўриб, унинг ижодкорларининг топқириллигига «таҳсиллар ўқийсан». Қадимги Шарқининг энг ноёб мөъморий обидаларидан бири сифатида тан олинган бу ёдгорликнинг аҳволи бугун ишоятда хароб. Унга зудлик билан эътибор берилмаса оқибати жуда хунук бўлиши мумкин.

Мен ушбуларни ёзиш жараённида қўи маълумотлар билан танишиб, шу нарсага амин бўлдимки, Темурийлар бу дунёда шунчалик довруқ солишларига қарамай, уларниң ҳар бири оддий одамларниң бошига тушиши мумкин бўлган кулфатлар оқибатида жон берганлар.

Шу сабабдан, жанг майдонида мардларча қурашиб, охири ярадор бўлгач, бўғизланган Мироншоҳнинг аччиқ тақдирни, ватавида үзоқларда, бебош набирасининг қилиғидан раңжиб, касалванд, но-тағон бўлиб, 72 ёшида жон таслим қылган Мирзо Шоҳрухнинг қисмати, фалакиёт илменинг бобоқалони, подшоҳлик ва олимликни ўзида мужассам этган Мирзо Улуғбекнинг фожиали тақдирни, буюк бобосининг ўтиқир ва зийрак дикқатини ўзига жалб қылган, навқироғ ёшида жон берган моҳир лашкарбоши Муҳаммад Султоннинг ҳаёти, дунёнинг ярмини ўзига бўйсундирган, наинки Шарқ ва Ғарбда, балки бутун жаҳонга донг таратган, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур Қўрагоннинг қисмати кишида ачиниш, меҳр-шафқат туйғуларини уйготади.

Самарқанддаги Темурийлар хилхонасида дағи этилган тарихий шахсларниң бирортаси (Мирзо Улуғбекдан ташқари), Самарқандда вафот этмаган. Лекин шунга қарамасдан уларниң жасадлари Самарқандга келтирилиб дағи этилган. Бизнингча, бу билан Темурийлар вафот этганиларидан сўнг, ўзлари гуллатиб-яшнатган, дунёдати гўзал шаҳарлардан бирига айлантирган Самарқандда ётишини ният қылганлар ва келгуси авлодларимиз хокимизни авайлаб-асрайдилар, деб ўйлаган бўлсалар керак. Афсуски, авлодлар ўз буюк боболарига муносиб бўла олмадилар. Шу сабабли XIX асрнинг ик-

кинчи ярмида хилхонани сув босиб, ҳалқимизниң энг мұтабар аждодларининг хоклари чириб кетди. Сүнгра хилхонадати күп буюмлар талон-тарож, 1941 йилнинг июнь ойіда эса қабрлар очилиб, уларнинг руҳлари безовта қилициб, кафаиллари, тобутлари, сұяклари ҳар томонға сочиб юборилди. Жасағлари бекаған зах ерга қайта күмилди. Якинда Темурийлар даврининг катта билімдөні, машхур шарқшунос олим билан учрашганимда, у киши мендан:

— Темурийлар хилхонаасининг очилвші сабабини биласизми? — деб сұради.

— Ҳа, биламан,—дедім мен.—Бу тадбир Алишер Навоийнинг 500 йиллик түйи муносабати билан үтказилған эди.

У киши бошини чайқаб:

— Бу гапларнинг ҳаммаси бекор, Навоий түйи бир никоб эди, асл мақсад бошқа томонда. Үзингизга ҳам маълумки, баъзи тарихий манбаларда, Амир Темур катта бойлик билан дағы этилған деган нотұғри маълумотлар учрайди.

Шунда мен айрим нарсаларни түшүнгандек бұлдым. 1930 йилларда археолог М. Массон ва инженер Б. Мауэрлар Темурнинг қабри устида үтказған магнит тәдқиқотлари, Темурнинг қабри очилдиган куни Самарқанд НҚВДсининг ходимлари үтә ҳушёр бўлиб қолғаникклари, лекин бу воқеа расмий матбуотда иегадир ёритилмаганлиги, юқоридаги таҳминни тасдиқлагандек бўлади. Шукрим, Амир Темур ҳеч бир бойликсиз, соғ мусулмон расм-руsumлари билан дағы этилған эди. Бу тадбирларнинг энг бошида турғанлар ўз ниятларига ета олмагач, экспедициянинг натижаларига ҳам унчалик эътибор бермадилар.

Кейинги пайтларда матбуотда Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасида соҳибқириониш жасади йўқ деган гаплар айтилди. Менинг үзим ҳам оғзаки суҳбатларда бу ҳақда бир неча бор эшитдим. Шунинг учун бу муаммони аниклашга ҳаракат қилиб, кўплаб илмий мақолалар ва архив ҳужжатлари билан танишдим. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаммасида мақбарадан қазиб олинған тарихий шахсларнинг жасағлари қайтадан ўз жойига дағы этилди деб ёзилған. 1941 йили ҳукумат экспедициясига бевосита қатнашған кишилардан ҳозирда иккى киши ҳаёт. Улардан бири машхур кинорежиссёр Малик Қаюмов бўлса, иккинчиси, археолог Л. И. Альбаумдир. Уларнинг иккovi ҳам Амир Темур мақбарасида қазини ишларида қатнашған.

Ойбек номидаги музейнинг илмий ходими, археолог Л. И. Альбаум билан суҳбатлашиб, унга: «Темур ва Темурийлар мақбараға қайта дағы этилга ғарияда, уларнинг қабрларига бопи чапоқлари қўйилмаган экан, шу тўғрисида нима дейсиз?» — деб сұрадим. У киши: «Қабрларга Темур ва Темурийларининг жасағлари қайта дағы этилған пайтда мен урунда әдим, шунинг учун бу жараённи ўз кўзим билан қўрганим йўқ. Лекин урундан ярадор бўлиб қайтиб келгач экспедиция қатнашчиси, антронолог М. Герасимов билан учрашганимда, ундан кейинги ишлар ҳақида суриштирдим. У менга:

«1941 йили Темур қабрини очиб, ёвуз уруш руҳини қабрдан чиқарип юборган эканмиз, уруш бошланиб кетди. 1942 йилнинг охирида Темур жасадини ўз жойига қайта кўмганимиздан сўнг урушда Совет қушинларининг қўли баланд кела бошилади», — деб айтган эди. Шунга қараганда, Темур ва Темурийлар ўз қабрларига яхлит дафи этилган. Уларниң бош чаноқлари қабрларга қўйилмаган деб ёзиш нотўғри бўлади», — деб жавоб берди.

Темур ва Темурийлар жасадларини антропологик жиҳатдан таҳлил қизган Л. Ошанин ўз илмий асарида Мироншоҳнинг бош чаноғи М. Герасимов томонидан Москвага олиб кетилганлиги учун уни текширишининг иложи бўлмаганлигини ёзган. Табиийки, Москвага фақат Мироншоҳнинг бош чаноғи эмас, Темур, Шоҳруҳ, Улуғбек ва Мухаммад Султонларининг ҳам бош чаноқлари олиб кетилган. Лекин бирорта ҳам ҳужжатда бош чаноқларни Москвадан қайтариб олиб келинганлиги ҳақида ёзилмаган. Бу масалани тўлиқ ойдинлаштиришининг фақат битта йўли бор. Маълумки, уша пайтда Гури Амир мақбарасида олиб борилган қазиш ишларининг бутун жараёни кинога олинган. Худди шунингдек, қайта дафи этиш жараёни ҳам кинога туширилган. Кинорежиссер М. Қаюмовнинг ёзишича, бу киноленталарнинг ҳаммаси Москвага олиб кетилган ва ҳозирда уларниң қаерда эканлигини ҳеч ким билмайди. Агарда қайта дафи этиш жараёни акс эттирилган киноленталар топилса, бу муаммога чек қўйилган бўларди. Кўпчилик ўйлайтгаңдек, Темур қабрини қайта очиб, муаммони ҳал этиш масаласига келсақ, бу бизнингча нотўғри бўлади. Бўлар-бўлмасга буюк жаҳонгир қабрини очиб, унинг руҳини безовта қилиш кераксиз иштир. Шунинг учун қандай бўлмасин ӯша даврдаги киноленталарни топишга эришиши керак.

Биз, Ўзбекистон Фанлар Академияси Яхё Гуломов номли Археология институтининг олимлари, Самарқанд вилоятидаги Ургут туманидаги Мўминбод қишлоғининг жанубидаги тог адирларида жойлашган илк ўрта асрларга оид қалъанинг қолдиқларини ўрганаётгани пайтимида, унинг устидан аёл кишининг жасадини ва у билан бирга қўмилган бронзо ойнани топган эдик. Жасаднинг нима учундир боли чаноғи топилмади. Топилган ойнанинг орқасида хитойча иероглифлар битилганлиги учун уни аниқлаш мақсадида Тошкент дорулғунунининг шарқшунослик факультетига олиб бордик. У ерда хитойлик профессор билан танишиб, уига ойнадаги ёзувни ўқитицик. Профессор ойна билан қўмилган жасаднинг бош чаноғи топилмаганлигини эшлитиб, қизиқиб қолди ва Хитойдаги бир шафқатсиз одатни гапириб берди.

Хитойдати ӯша одатга кўра, бир кишининг иккинчи бир кишига хусумати бўлсаю, ундан тириклигидан ўч ололмаса, ўлганидан сўнг, қабрини очиб, бошини бошқа жойга олиб бориб ташлар экан. Бу ўч инсоният ўйлаб чиқарган учларининг энг даҳшатлиси, энг ёвузи ҳисобланар экан. Ақидага кўра, ўлган кишининг руҳи фақатгина

бутун турган ташага кира олиб ором топаркан. Бони ташасидан жудо қилингани жасадга эса унинг руҳи кира олмай, абадул-абад нолаю-афғон чекиб, бемакон, беором бўлиб, саргардон кезар экан. Агарда ҳақиқатан ҳам Темурийлар хилхонасида буюк боболари мизнииг жасадлари бошсиз бўлса, улардан ким, қайси гуноҳлари учун ўч олди? Нега биз ўч олишларига йўл қўйдик? Юқорида айтиб ўтганимиздек, қабрлар очилаётганида бир қанча суратлар олингани эди. Шу суратлардан бири, мазмунига кўра, киши диккатини ўзига тортади. Суратда бир киши қабрдан олингани бош чаноқви қўлига олиб, аллақандай беўхшов тиржайиб турибди, унинг атрофидагилар ҳам унга мос равишда янада баттарроқ тиржайиб туришибди. Суратнииг орқасига «М. Герасимов қўлида Темурийнинг бош чаноғини ушлаб турибди»,—деб ёзилган.

Темурийлар хилхонасининг очилишига багишланган ушбу рисолалини якунлашдан олдин, айrim таклифларни ўртага ташламоқчи миз. Қарийб бир асрдан зиёд вақт мобайнида рус ва собиқ совет тарихшунослигида Темур ва Темурийларга фақат бир томонлама қараб келишди. Уларнииг тарихидаги урушлар ҳақида ошириб-тошириб гапирилди-ю, Темурийлар фаолиятидаги бунёдкорлик, илму-урфонга чанқоқлик, иқтисодий барқарорлик ҳақида деярли гапирилмади. Бу билан гўёки Турон тарихида юксак маданиятли, қудратли давлат ва сулола бўлмаган деган тасаввур туғдирилди. Яна шуниси жуда ачинарлики, бизда ўтмишни сохталаштириш билан бирга, ўтмишдаги машҳур шахсларга, улар қайси ҳалққа мансуб бўлганликларига қараб муносабат билдириш каби ярамас одат бўлганди. Бунга энди чек қўйиш керак! Амир Темурий Турон тарихида буюк хизматлари борлигини, яловига «Куч-қудрат — адолагдадур» деб ёздириб, ўзи ҳам шу сўзга амал қилганилигини таш олишнииг вақти келди.

* * *

Азиз ўқувчилар! Сиз 1941 йилнинг июн ойида Темурийларнииг охиратларини тоитами борасида давлат миқёсида қилингани бир тадбирининг тафсилотлари билан ташишингиз. Кўнглинигизда: Нега? Нима учун?—деган саволлар шайдо бўлгандир. Бу саволлар мениниг ҳам кўнглимдан бир неча марта ўтган. Бугунга келиб бу саволларга жавоб тоинломоқда. Темурийларнииг қабрларини очиб, уларнииг руҳларини чирқиритиш собиқ совет раҳбарларининг олиб боргани сиёсанининг бир кўришишидир. Улар учун ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ эди. Улар ҳеч бир иккита май муқаддас китобларни ўтда ёқдилар, масжид ва мадрасаларни вайрон қилдилар, қабрлардан жасадларни ковлаб олдилар. Халқларни ўз томирларида ажратиб, манқурт тудалартга айлантиридилар ва оқибатда ўзлари ҳам шу сиё-

сатларининг қурбони бўлдилар. Уларниң ҳам жасадлари қабрдан қабрга сарсон бўлди, айримларига қабр ҳам насиб бўлмади.

Шу ўринда кишини бир савол ўйлантиради. Нега Амир Темур ўзига ва авлодларига ҳашаматли мақбара қурдириб, унда тиачгина ётишини иштади? Соҳибқирон кўхна тарихда бўлиб ўтган воқеалардан бехабармиди? Амир Темур, Ҷаҳроний Осиёдан чиқиб Узоқ Оврупонинг машҳур шаҳарлари кўчаларидан голибоша от чоптириб ўтган хуилар шохи Атилланинг ўз жасадини барчасинг кўзидан яшириб, маҳфий қилишларини васият қилганилигидан, Шарқ ва Фарб маданиятини ва ҳалқларини қориштириб, ягона империя тузишни мақсаৎ қилиб, Македониядан Осиё томонга йўлга чиққан ва Сирдарё қирғогигача етиб келган жаҳонгир Искандар Зулқарнайн вафот этгач, унинг жасади таломи бўлиб, охиратда қабри ҳам номаътум бўлиб қолганлигидан, Хуросондаги салжуқлар ҳукмдори Султон Санжарниң қабрини мўғуллар ағдар-тўнтар қилиб ташланликларидан, минг-минглаб оғамларни ўлимга маҳкум этишда киприк ҳам қоқмаган, аммо ўзининг ўлими яқинлашгандага талвасага тушиб, ўтилларига жасадини ҳеч ким тонолмайдиган қилиб кўмиши висият қилган Чингизхон қисматидан бехабармиди?

Йўқ, у салоҳиятли ва дошишманц давлат арбоби сифатида Шарқ ва Фарбда яшаб ўтган фотиҳлар ва ҳукмдорлариниң охиратлари билан боғлиқ барча гаплардан хабардор эди. Лекин соҳибқирон Туронда қудратли давлат яратиб, уни мукаммал тартиб-қоидалар билан таъминлаганилиги учун ўз охиратидан қўнгли тўқ эди. Ўзловерса, у бирор жойда, бирон кишининг қабрини очиб ҳақоратламаган эди, аксинча, оёги етган ерда азиз-авлиёларининг қабрлари устига улуғвор мақбаралар қурдириб, соҳибқиронининг қўнгли таскин топган эди. Аммо тарихини ҳукми бошқача бўлди. Темурийлар ўз тахтларини бошқаларга бўшатиб бердилар. Лекин Темурийлардан сўнг Самарқанд таҳтига ўтирган бирор-бир ҳукмдор Гури Амир хилхонасини таҳқирламади. Аксинча, улар ўз имкониятлари даражасида хилхонани таъмирладилар ва унга ғамхўрлик қилдилар. Темурийлар хилхонаси узоқ асрлар давомида Самарқанднинг энг муқаддас зиёратгоҳи бўлиб қолди.

ХХ асрнинг 30—40-йилларида ҳам Туркистонининг истиқболи ва озодлиги йўлида ўз жоиларини тиккан кўигина ватаинпарварлар Турон султони, Туркийлар давлатининг қудратли қўёши Амир Темур Кўрагонининг муқаддас қабри устида қасам ичганлар.

Аммо, 1941 йилда Темурийларниң руҳларини безовта қилишга журъят қилиувчилар топилди. Бирлари арбоб, бирлари олим бўлган бу кимсалар соҳибқирон қабрини очиб, унинг руҳини безовта қилди.

Хайриятки, 1991 йилнинг қузига келиб Амир Темурниң юрти узра яна эрк қуёши порлади. Бир асрдан зиёд давом этган истибоддан сўнг ҳалқимиз ўз ўтмиши ва келажагига эгалик қила бошли-

ди. Шу туфайли соҳибқирон Амир Темур ҳам ўзининг ҳақли қадри-
ни топди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 1994
йилнинг декабрь ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Соҳибқирон
Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги»
қарорига имзо чекди. 1996 йил — «Амир Темур йили» деб эълон
қилинди. Бу қарорлар буюк бобомизнинг тарихий хизматларини
муносиб баҳолаганлиги билан ҳам муҳимдир.

Самарқанддаги Гўри Амир хилхонасида соҳибқирон бобомиз
пири, ўғиллари ва набиралари билан мангу уйқуда ётибдилар. Юр-
тимиизнинг озодлиги барқарор ва улуғларимизнинг уйқулари тинч
бўлгай, иншолло.

«Раббано атино фид дунё ҳасанатан ва фил охирати ҳасапатан
ва қино азобан нор».

МУНДАРИЖА

Мұхаррирдан	3
Муқаддима	6
Экспедиция кундалигидан	9
Мирошоқ қабрининг очилиши	9
Шоҳруҳ Мирзо қабрини очилиши	14
Мирзо Улугбек қабрини очилиши	18
Амир Темур қабрини очилиши	24
Мұхаммад Султон қабрини очилиши	37
Бабихоним қабрининг очилиши	39
Очилмаган қабрлар	43
Қабртошдаги ёзувлар	45
Хилхонадагы қазишмалар якуни	49
Амир Темурнинг биринчи хилхонаси	58
Қадимги жаҳонтирлар қандай дағы этилганлар?	62
Қадимги туронлықларнинг дағы маросимлари	66
Темурийлар хилхонасасининг барпо этилиши	67

Тарихий-публицистик жанр

АМРИДДИН БЕРДИМУРОДОВ

ГҮРИ АМИР МАҚБАРАСИ

Ўзбек тилида

Муҳаррир Илҳом Зойир

Мусаввир Темур Саъдулло

Тартибловчи муҳаррир Мирзиёд Олим

ИБ № 138

Теришга берилди. 16.01.1996 й. Босишига рухсат этилди 06.02. 1996 й. Бичими 60x84^{1/16}. Шартли босма табоби 4,65. Нампр босма табоби 7.0. Адади 10.000 пусхада. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма №221.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30-үй. Шартнома №39/95.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент — 700194, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси 1-үй.

**Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти
1996 йилда қуийдаги китобларни нашр этади:**

Жамоа. «Буюк сиймолар, алломалар». Тўплам. 2-житоби.

**Бўрибой Аҳмедов. «Амир Темур». Тарихий роман.
(Рус тилида).**

Ҳабиб Нуъмон. «Ёшликда берган кўнгил». Қисса.

Фитрат. «Бедил». Бадиа.

**Бўрибой Аҳмедов. «Соҳибқирон Темур». Рисола.
(Ўз., рус., инг., тилида).**

П. Зоҳидов. «Муқаддас меъморий зиёратгоҳлар».